



**Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Термиз давлат университети**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

**Ўлатова Гулчехра Рустам қизининг**

**5220200-тарих таълим йўналиши бўйича  
бакалавр даражасини олиш учун  
“Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қишлоқ  
хўжалиги” мавзусидаги**

# **Битирув малакавий ИШИ**

**Илмий раҳбар:**

**т.ф.н. А.Тўхтаев**

**Термиз-2012**

Термиз давлат университети  
Тарих факультети IV-курс талабаси  
Пўлатова Гулчеҳранинг “Мустақиллик  
йилларида Ўзбекистон қишлоқ  
хўжалиги” мавзусида бажарган битирув  
малакавий ишига

## **Тавсиянома**

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг 60 фоизга яқини қишлоқларда истиқомат қилади. Юқоридаги маълумотнинг ўзи Ўзбекистон ҳаётида қишлоқ хўжалигининг қанчалик муҳим ўрин тутишини тасдиқлайди. Тадқиқотчи Пўлатова Гулчеҳра томонидан ушбу битирув малакавий иши қишлоқ хўжалиги тарихига бағишланган бўлиб, унинг даврий чегараси 1991-2011 йилларни қамраб олган.

Тадқиқотчи томонидан 1991-2011 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муҳим ўзгаришлар, қишлоқда туб ислоҳотларни амалга ошириш зарурияти ва унинг ҳуқуқий асослари, қишлоқда фермерлик фаолиятининг йўлга қўйилиши, кўп укладли тармоқнинг жорий этилиши, қишлоқда мустақиллик йилларида қишлоқ инфратузилмасидаги муҳим ўзгаришлар, қишлоқ хўжалигини замонавий қишлоқ хўжалик машиналари билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлапнинг амалий самарасини ёритиб берилган.

Ишнинг ёзилишида тадқиқотчи томонидан жуда кўп манбалардан фойдаланганлиги ишнинг илмий аҳамиятини янада оширган. Пўлатова Гулчеҳра томонидан бажарилган ушбу битирув малакавий иши Олий таълим талабларига жавоб беради деб ҳисоблайман ва ДАК аъзо ишни ҳимояга тавсия этаман.

Илмий раҳбар:

т.ф.н. Тўхтаев А

Термиз давлат университети  
Тарих факультети IV-курс талабаси  
Пўлатова Гулчехранинг “Мустақиллик  
йилларида Ўзбекистон қишлоқ  
хўжалиги” мавзусида бажарган битирув  
малакавий ишига

## Такриз

Пўлатова Гулчехра томонидан бажарилган битирув малакавий иши кириш, икки боб, икки параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг биринчи боби Иқтисодиётнинг аграр соҳасидаги муҳим ўзгаришлар деб номланиб, бу бобда қишлоқ хўжалигида туб ислохотларни амалга ошириш борасида республикамизда амалга оширилган ишларга кенг тўхталинган. Қишлоқда фермерлик фаолиятининг жорий қилиниши масалаларига эътибор қаратилган.

Ишнинг иккинчи боби Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида ижтимоий ва маданий ҳаётнинг мустақиллик мафкураси асосида ташкил этилиши деб аталиб бу бобда мустақиллик йилларида 2009 йилдан бошлаб қишлоқларда замонавий уй-жойлар қурилишининг бошланиши ва бу боради катта ишлар амалга оширилаётганлиги, қишлоқ хўжалиги соҳасида фермерлар, шахсий хўжаликларни турли хил қишлоқ хўжалик машиналари билан таъминлаш борасида юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини кенг ёритишга эришган.

Пўлатова Гулчехра томонидан бажарилган ушбу битирув малакавий иши Олий таълим талабларига жавоб беради деб ҳисоблайман ва ДАК аъзоларидан ишни ижобий баҳолашларини сўрайман.

Илмий такризчи:

т.ф.н. Ў.Худойқулов

Термиз давлат университети  
Тарих факультети IV-курс талабаси  
Пўлатова Гулчеҳранинг “Мустақиллик  
йилларида Ўзбекистон қишлоқ  
хўжалиги” мавзусида бажарган битирув  
малакавий ишига

## Тақриз

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида саноатдан сўнг иккинчи ўринни эгаллаган соҳа бу қишлоқ хўжалиги соҳасидир. Пўлатова Гулчеҳра томонидан танлаган ушбу битирув малакавий иши мавзуси ана шу томонидан ҳам долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотчи томонидан қишлоқ хўжалиги борасида Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши масаласига кенг ўрин берилган. Шунингдек ишда мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида қишлоқ жойларида замонавий турар жойлар ва уларнинг шаҳарлардаги турар жойлардан қолишмаслиги сув, газ, электр ва бошқа инфраструктуралар борасида қишлоқ жойларида олиб борилаётган ишларга кенг ўрин берилган.

Шунингдек, юртимизда қишлоқ хўжалигини замонавий қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш борасида лизинг, суғурта, банк ва бошқа инфратузилмаларнинг аҳамиятига тўхталинган. Бу маълумотларнинг барчаси ишнинг илмий салоҳиятини оширишга хизмат қилган.

Ушбу бажарилган битирув малакавий иши Олий таълим талабларига жавоб беради деб ҳисоблайман.

Ташқи тақриз берувчи:

ўқитувчи Н.Хидирова

Термиз давлат университети тарих факультети битирувчиси  
Пўлатова Гулчехранинг 5220200-тарих йўналиши бўйича  
бакалавр даражасини олиш учун “Мустақиллик  
йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” мавзусидаги  
битирув малакавий ишининг муаллифлик аннотацияси

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиётида қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутди. Чунки Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизга яқини қишлоқларда истиқомат қилади.

Бугун халқимиз шунини яхши англаб олдики, ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истиқболимизни режалаштириш-хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади.

Бунинг учун аввало, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, ишсиз юрганларни ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига жалб қилиш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, шунинг учун юртимизда биринчи навбатда қишлоқ кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, таълим, соғлиқни сақлаш, банк, кредит, сув, газ ва электр энергияси билан таъминлаш, халққа муносиб ҳаёт тарзини таъминлаб бериш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

#### **Ишнинг мақсади ва вазифалари.**

Ҳозирги тарих фанининг замонавий талабларидан келиб чиқиб, янги тарихий ёндашув асосида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг бугунги аҳоли, қишлоқ хўжалиги борасида юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳаётга кенг тадбиқ қилиниши масалаларини тадқиқ этиш ушбу битирув малакавий ишининг асосий мақсадини ташкил этади. Қўйилган асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда ишни ёзишда умумий вазифалар белгилаб олинди.

#### **Тадқиқот объекти ва предмети.**

Тадқиқот объекти этиб Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини янги босқичга олиб чиқиш, бу борада қишлоқда туб ислохотларни амалга ошириш учун аввало фермер хўжаликларини жорий этиш, кўп укладли тизимни амалга ошириш, қишлоқда таълим, соҳлиқни сақлаш, инфратузилмани тубдан янгилаш ва бошқа соҳаларда мустақиллик йилларида эришилаётган тарихий йўли танлаб олинди.

Тадқиқотда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида эришилаётган барча ютуқлар ва муаммоларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишларни тадқиқ қилиш орқали кенгроқ ёритишга ҳаракат қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдаг янгилик даражаси, амалий аҳамияти ҳамда тадбиғи**-шундан иборатки, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши масалалари илк бор янги маълумотлар асосида ҳолисона ўрганишга ҳаракат қилинди.

Бу мавзуга оид республикамизда кичик-кичик тўпламлар, мақолалар ва рисоалар эълон қилиниб келаётган бўлса-да, яхлит ҳолда битирув малакавий иши тайёрланмаганлиги ҳисобга олиниб, уни яхлит ҳолда илмий-тадқиқот ишлари олиб борувчиларга етказиб бериш мақсадида ушбу ишга қўл урилди.

**Битирув малакавий ишнинг тузилиши ҳамда таркиби.** Ушбу битирув малакавий иши кириш, аннотация, адабиётлар таҳлили, икки боб, тўрт параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**Иқтисодий самарадорлиги.** Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳар йили 5 миллион тоннадан ошиқ мева маҳсулотлари, 6 миллион 800 минг тоннага яқин ғалла, 3 миллион 200 минг тонна яқин пахта толаси, пилла, қорақўл тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан энг юқори даромад олишга эришилмоқда

Бундай ютуқлар қишлоқ соҳасининг хусусий кишилар қўлига ўтказилиши қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ва унинг самарадорлигининг оширилишига катта туртки берди.

**Хулоса ва таклифлар.** Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида кичик ва ўрта бизнесни, ҳунармандчилик, савдо ва маиший хизматларни узлуксиз ташкил қилиш учун узлуксиз энергия билан таъминлаш зарурати юзага келмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қайта ишланишига катта эътибор бериш зарур, хом ашёни узок муддат сақлаб тура оладиган музхоналарни кўпайтириш эҳтиёжи ҳали ҳам бартараф этилгани йўқ. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қиладиган сервис хизматини такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз. Рекламани кучайтириш ҳам самара беради деб ўйлаймиз.

### Адабиётлар таҳлили.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги тарихига доир кўплаб мақола ва тадқиқот ишлари эълон қилинган.<sup>1</sup>

Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги соҳасида янги ташкил қилинаётган кооператив, ширкат, оилавий, фермерлик, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва бошқа кўп тармоқли тизимларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, шу билан бирга парламент томонидан қабул қилинган қатор қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорларнинг мазмун моҳияти очиқ берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг янги тарих марказида тайёрланган китобда<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тарихига ҳам тўхталиб ўтилган. Ушбу китобда қишлоқ хўжалик инфратузилмаси, фермерлик хўжаликларининг жорий этилиши, қишлоқ жойларида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларга кенгроқ ўрин берилган.

Р.Ҳақимов, М.Юсуповларнинг 1996 йил Иқтисод ва ҳисобот журналида эълон қилинган. “Давлат ҳомийлиги зарур” номли мақоласида<sup>3</sup> қишлоқ хўжалиги соҳаси билан шуғулланаётган фермерлар, кооператив хўжаликлар ва бошқа тармоқдаги бошқарув тизимларида албатта давлат ҳомийлиги зарурлигига эътибор қаратганлар.

Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситалари бўлган “Қишлоқ ҳайти”, “Халқ сўзи”, “O’zbekiston ovozi” ва бошқа кўплаб газеталарда ҳам қишлоқ хўжалиги ҳаётига оид кўплаб янгиликлар ёритиб борилмоқдаки булардан ҳам битирув малакавий ишини тайёрлашда кенг фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Мавжуд адабиёт ва тадқиқотлар таҳлили шундан далолат берадики, биз танлаган мавзу янги тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилишини яна бир бор кўрсатиб берди. Муаммонинг ўрганилмаганлигини унинг ҳозирги кунда нафақат мамлакатимиз иқтисодий ва маданий тараққиёти учун, балки илмий-назарий ва амалий аҳамияти ҳам долзарблигини ҳисобга олиб, уни тадқиқот объекти сифатида танладик.

---

1. Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи.-Т. 2000

2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3 жилдлик. 3-жилд.-Т., “Шарқ”, 2000, 145, 358-361 б.

3. Р. Ҳақимов, М.Юсупов. Давлат ҳомийлиги зарур. Иқтисод ва ҳисобот. 1996 йил, 6-сон, 48-б.

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиётида қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутади. Чунки Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизга яқини қишлоқларда истиқомат қилади.

Бугун халқимиз шуни яхши англаб олдики, ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истиқболимизни режалаштириш-хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади.

Бунинг учун аввало, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, ишсиз юрганларни ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига жалб қилиш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, шунинг учун юртимизда биринчи навбатда қишлоқ кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, таълим, соғлиқни сақлаш, банк, кредит, сув, газ ва электр энергияси билан таъминлаш, халққа муносиб ҳаёт тарзини таъминлаб бериш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

**Мавзунинг хронологик кўлами.** Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тарихини ўрганишда 1991 – 2011 йиллар хронологик давр сифатида танлаб олинди. Бундан мақсад Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида эришаётган ютққларини кенг омма аҳлига ва талаба ҳамда ўқувчиларга етказиш масаласи мақсад қилиб қўйилди.

Шунингдек, бу давр ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида юзага келаётган муаммоларга жавоб топиш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Мавзунинг мақсади ва вазифалари.** Бугунги тарих фанининг замонавий талабларидан келиб чиқиб, янгича тарихий ёндашув асосида қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хўжалик хусусиятлари, тарихи, маданияти, қадимдан давом этиб келаётган ўзаро алоқаларнинг айниқса мустақиллик йилларида қайтадан тикланишини тадқиқ этиш битирув малакавий ишининг мақсадини ташкил этади.

Қўйилган асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- қишлоқ хўжалигининг узоқ йиллик тарихий тараққиёт босқичини анализ қилиш, орқали муҳим хулосалар чиқариб олиш;
- Қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган ва эришаётган ютуқларнинг сабабларини очиб бериш ва улардан ўрганиш;
- Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва уни қайта ишлаш соҳасидаги ютуқлари билан танишиш;
- Қишлоқ жойларда таълим тизими соҳасидаги ютуқлар ва уларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши борасида олиб бораётган ишлар билан танишиш;
- Қишлоқ хўжалигининг маданий соҳада қўлга киритаётган ютуқлари билан танишиш ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишда эришилаётган ютуқлар билан танишиш;



- Ўзбекистон ва жаҳон халқларининг мустақиллик йилларида ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйишдаги саъйи-ҳаракатлар ва уларнинг натижалари билан танишиш;

- Хорижий мамлакатлар сармоядорлари амалга ошираётган ишларни кенгроқ ёритиб бориш.

**Мавзунинг манбавий асосини.** Ўзбекистон Республикаси миллий энциклопедияси, Президентнинг қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашувлари, қисқача сиёсий луғатлар, республика оммавий ахборот воситалари материаллари ҳамда илмий мақолалар ва тўпламлар ташкил қилди.

Шунингдек, статистик тўпламлардан, турли даврларда нашр этилган илмий ишлар ва мақолалардан кенг фойдаланилди.

**Мавзунинг илмий янгилиги.** Шундан иборатки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасини ҳолисона ўрганишга ва кенгроқ ёритишга ҳаракат қилинди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг мустақиллик йилларида эришаётган ютуқлари ҳамда бошқа давлатлар билан узоқ йиллик ҳамкорлиги тўғрисида кичик-кичик мақолалар, эсдаликлар ва рисоалар эълон қилинган бўлса-да, яхлит ҳолда битирув малакавий иши тайёрланмаганлиги ҳисобга олиниб, ўзаро ҳамкорликни янгидан ривожлантириш сари дадил қадам қўйилаётганлигини ва муваффақиятларга эришиб борилаётганлигини кенгроқ ёритиб бериш мақсадида ушбу битирув малакавий иши мавзусига қўл урилди.

**Мавзунинг тузилиши.** Ушбу битирув малакавий иши кириш, аннотация, адабиётлар таҳлили, икки боб, тўрт параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**Мавзу: Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.**

**Кириш.**

**Муаллифлик аннотацияси**

**Адабиётлар таҳлили**

**I. боб. Иқтисодиётнинг аграр соҳасидаги муҳим ўзгаришлар.**

I.1. §. Қишлоқда туб ислохотларни амалга ошириш зарурати ва унинг ҳуқуқий асослари.

I.2. §. Қишлоқда фермерлик фаолиятининг йўлга қўйилиши.

**II. боб. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ижтимоий ва маданий ҳаётнинг мустақиллик мафкураси асосида ташкил этилиши.**

II.1. §. Мустақиллик йилларида қишлоқ инфратузилмасидаги ўзгаришлар.

II.2. §. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасидаги муҳим ўзгаришлар.

**Хулоса.**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

## **I. боб. Иқтисодиётнинг аграр соҳасидаги муҳим ўзгаришлар.**

### **I.1.§. Қишлоқда туб ислохотларни амалга ошириш зарурати ва унинг ҳуқуқий асослари.**

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги салмоғи саноатдан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди. Совет мустамлакачилиги йилларида юритилган шовинистик ва зўравонлик сиёсати туфайли Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги бир томонлама, фақат пахтачиликка мослаб ривожлантирилди ва мамлакатда пахта якка ҳоқимлиги вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллика эришганидан сўнг мамлакат қишлоқ хўжалигини миллий мустақиллик талаблари асосида ҳар томонлама (комплекс) ривожлантириш имкониятини берадиган шарт-шароитларни яратишни кўзлаб туб ислохотларни амалга ошириш долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилди<sup>1</sup>.

Қишлоқда туб ислохотларни ўтказишнинг асосий омиллари қуйидагилардан иборат эди: 1. Халқ хўжалигининг барча соҳалари тараққиёти қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқаришига боғлиқ. Иқтисодиётнинг асосий қон томири бўлган саноат ҳам бундан алоҳида эмас. 2. Мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат ва кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини ҳам юксак даражада ривожланган ва тараққий этган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришисиз тўла қондириш мумкин эмас. 3. Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми-60 фоиздан ортиқроғи қишлоқда яшайди, уларнинг 50 фоиздан ортиғини 18 ёшга етмаган ёшлар ташкил этади.

Санаб ўтилган ва бошқа бир қатор омиллар тақозосига кўра мамлакат раҳбарияти мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб бу соҳага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Дастлаб, 1992 йилда Президент Фармони билан Вазирлар маҳкамасида қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи комплекс ташкил қилинди. Соҳага раҳбарликни такомиллаштириш ишлари доимо республика парламенти ва давлат раҳбарининг диққат марказида бўлди.

Ислохот йилларда мамлакат парламенти бир қатор қонунлар мажмуасини қабул қилди. “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида” (1991 йил), “Ижара тўғрисида” (1991 йил), “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” (1992 йил), “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида” (1993 йил), “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” (1993 йил), “Ер солиғи тўғрисида” (1993 йил), “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида” (1995 йил), “Наслчилик тўғрисида” (1995 йил), “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (Ширкат хўжалиги) тўғрисида” (1998 йил), “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” (1998 йил), “Фермер хўжалиги тўғрисида” (1998 йил), “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” (2000 йил)ги қонунлар ва “Ўзбекистон Республикасининг ер кодекси” (1998 йил) шулар жумласидандир.

---

1. Ўзбекистон тарихи. 11 синф учун дарслик.-Т., “Шарқ”, 2004, 141-142 б.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳам 1991-2003 йиллар давомида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш масалалари бўйича ўндан ортиқ қарорлар қабул қилди. Жумладан, “Пахта ва пахта толасини харид ва улгуржи нархларини ошириш тўғрисида (1991 йил 26 сентябрь), “Пахта, пилла, чорвачилик маҳсулотларининг харид нархлари ва пахта толасининг харид нархларини ошириш тўғрисида” (1992 йил, 31 март), “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида” (1993 йил, 9 январь), “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга доир кўшимча чоратадбирлар тўғрисида”, “Чорвачиликда ислоҳотларни такомиллаштириш ҳамда дехқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида” (1994 йил, 25 август), “Хўжаликларга уларнинг ихтиёрида қолдирилган пахта толасини экспорт қилишда кўмаклашиш тўғрисида” (1994 йил, 2 декабрь), “Чорвачиликда бундан кейинги хусусийлаштириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” (1995 йил 24 март), “1996 йилда пахта етиштириш ҳажмлари тўғрисида” (1996 йил 25 январь), Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги “Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чоратадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> қарор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил, 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>2</sup> қарори, 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи дехқон (фермер) хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>3</sup> қарор ва бошқа қарорларни таъкидлаш мумкин. Бу ҳужжатларда қишлоқда кўп укладли хўжаликни вужудга келтириш, пахта яккаҳоқимлигига барҳам бериш, қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш ва шу асосда мамлакатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга эришиш тадбирлари илгари сурилди. Ушбу масалалар мустақиллик йилларида Президент И Каримов томонидан эълон қилинган фармонларда ҳам ўз аксини топди.

Иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир. Чунки ҳуқуқий омилни шакллантирмасдан туриб, тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилмасдан туриб, ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислоҳотлар ортга чекинмаслигининг кафолатини амалда яратиш бўлмайди.

---

1. Халқ сўзи. 2011 йил, 14 июнь, 116-сон

2. Халқ сўзи. 2006 йил, 24 март, 57-сон

3. Халқ сўзи. 2009 йил, 29 январь, 22-сон

Мустаҳкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин. Ҳозирги мутлақо янги сиёсий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни акс эттирувчи янги қонунлар тўпламига биз барпо этаётган ёш ижтимоий бинога барқарорлик, демократик характер бахш этувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Республиканинг барча аҳолиси манфаатларини таъминлашга, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар мавжуд бўлгандагина туб ўзгаришларнинг кучли ижтимоий асослари яратилади. Ўзбекистоннинг ёрқин келажагига ишонч уйғотилади.

Шу сабабли биринчи босқичда (1992-1994 йй) ислохотларнинг ўз ҳуқуқий негизини яратишга асосий эътибор қаратилди<sup>1</sup>.

Янги қонунлар туркумини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бир қанча сабаблар туфайли зарур бўлиб қолди. Биринчидан, илгари амал қилиб келган қонунлар аввалги тоталитар тузумни ҳимоя қилиш манфаатларига хизмат қилар эди. Бошқариш ва хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларини ёқлайдиган, ишлаб чиқариш воситаларининг умумдавлат мулки бўлишини тан оладиган, хусусий мулк ҳуқуқини, эркин рақобатни батамом инкор қиладиган, бозор иқтисодиёти қонунларининг амал қилишини чеклаб қўядиган қоидалар расман мустаҳкамлаб қўйилган эди. Қисқа қилиб айтганда, бутун қонунчилик негизи янги иқтисодий муносабатларни шакллантириш йўлида асосий тўсиқ бўлиб хизмат қилди.

Иккинчидан, илгари Ўзбекистонда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ҳаммаси умумиттифоқ талабларига батамом мослаштирилган бўлиб, республикамизнинг ўзига хос минтақавий хусусиятларини ҳисобга олмас эди. Мустақилликни қўлга киритгандан кейин Ўзбекистон ёш давлат сифатида ўз халқининг манфаатига, жамиятда ҳам, иқтисодий муносабатларда ҳам демократик ўзгаришларни амалга ошириш вазифаларига мос келадиган янги қонунчилик асосларини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши зарур бўлиб қолди.

Учинчидан, дунё мамлакатларининг қонун меъёрлари ва ҳужжатларидан фойдаланиш, ҳатто улар айнан бозор муносабатларига жавоб берса ҳам, биз учун нобақбул эди. Ўзбекистон жаҳондаги демократик меъёрлар ва бозор иқтисодиёти тамойиллари аллақачон таркиб топиб бўлган, кўпгина мамлакатларнинг қонун чиқариш соҳасидаги тажрибаси кенг ўрганилди. Бу иш хатоларни такрорламаган ҳолда, янгиланган жамият қуриш хусусиятларини ҳисобга олиб, ўз механизмимизни ишлаб чиқиш имконини берди. Қабул қилинаётган қонунлар дастлаб таниқли халқаро юридик ташкилотларда ва мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилди.

Кейинги йилларда қонун чиқариш тизимининг ўзига эмас, балки қонун ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш механизми ҳам вужудга келди. Қабул қилиниши мўлжалланаётган ғоят муҳим

---

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т., “Ўзбекистон”, 1995, 29-б.

хужжатларнинг лойиҳаларини ошкора ва кенг муҳокамага қўйиш амалиётда мустаҳкам қарор топди. Ислоҳотлар йўлини бундан буён ҳам жадал амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик муаммолар юзасидан қарорларни қарорларни биргаликда муҳокама этиш ва қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида махсус Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва чет эл инвестицияларни бўйича Идоралараро кенгаш тузилди.

Кенгаш фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ҳамда бу стратегияни рўёбга чиқаришнинг амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқмоқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар тайёрламоқда.

## **I. боб. Иқтисодиётнинг аграр соҳасидаги муҳим ўзгаришлар.**

### **I.2.§. Қишлоқда фермерлик фаолиятининг йўлга қўйилиши.**

Бугун жамиятмиз шуни шуни англаб олдики, ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истиқболимизни режалаш-хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади. Ҳаммамизни боқадиган, озиқа берадиган соҳа-қишлоқ хўжалиги тармоқларидир.

Мана шунинг учун ҳам, фарован ҳаёт қурмоқчи эканмиз, олдимизга халқ турмушини яхшилаш мақсадини қўйган эканмиз, иқтисодий ислоҳотни аввало қишлоқ хўжалиги, қишлоқ ҳаёти соҳасидан бошлаш зарур эди.

Демак мақсад,- қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, қишлоқда яшаётган халқимизнинг ҳаёт даражасини кўтариш, улар учун муносиб шарт-шароитларни яратишдан иборат. Бунинг учун нима қилиш керак эди.

Аввало, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, ишсиз юрганларни ва доимий унумли иш билан банд бўлмаганларни (бундай кишилар 2 миллионга яқин)<sup>1</sup> ишлаб чиқариш соҳаларига жалб қилиш, уларни ижтимоий жиҳатдан химоялаш керак эди.

Республикамизда ишлаб чиқариш соҳасида 6 миллион 300 минг киши банд эди. Шулардан 3 миллион 700 минг киши қишлоқ хўжалигида ишлайди. Ривожланган мамлакатларда эса вишлоқ хўжалигида ҳаммаси бўлиб аҳолининг 5-6 фоизигина банд бўлади. Улар етиштирган маҳсулот ўз мамлақати эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, четга ҳам экспорт қилинди. Масалан, АҚШда жами фермер хўжаликларининг 3,6 фоизини йиллик ялпи маҳсулот ҳажми 500 минг АҚШ долларидан юқори бўлган йирик қишлоқ хўжалик корхоналари ташкил қилади. Улар мамалакат ялпи қишлоқ хўжалик товар маҳсулотининг 67 фоизини, ғалланинг 30 ва пахтанинг 60 фоизини ишлаб чиқаради<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда бу муаммони ҳал қилиш учун қишлоқ хўжалигида унумли ишлайдиган кишилар қолиши, қолганларини эса бошқа соҳаларга-саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб этиш керак эди. Бизнинг республикамизда аҳолининг 9 фоизигина хизмат кўрсатиш тармоқларида машғул эди. Чет элларда эса бу рақам 60-70 фоизни ташкил этар эди.

Шунинг учун юртимизда биринчи навбатда саноатни, хизмат кўрсатиш соҳаларини қишлоққа олиб келиш, маҳсулотни қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қишлоқ заминига жойлаштиришимиз, эндигина иш бошлаб кучга кираётган кичик корхоналарга солиқ масаласида имтиёзлар бериши лозим эди.

---

1. И.Каримов. Деҳқончилик тараққиёти. Туркистон. 1994 йил, 19 февраль, 14-сон

2. Fidokor. 2004 йил, 2 ноябрь

Шу мақсадда Республикамизда 1992-1994 йилларда қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар қишлоқ хўжалиги соҳасида мулкчилик соҳаларини ўзгартириш, хўжаликларга кўпроқ эркинликлар бериш, деҳқон (фермер) хўжалиklarининг тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиш масалаларида муҳим омил бўлиб, ҳаётимизда ўз самарасини берапти.

Асосан 1992-1994 йиллар мобайнида ташкил қилинган 14 мингдан зиёд фермер хўжалиklarининг мулкчилик шаклини хусусий, ҳиссадорлик, жамоа ва ижара мулки шаклига ўзгартириш ўз афзаллигини исботлади. Улар бу йўлнинг тўғрилигини унумли меҳнат натижалари билан оқлашмоқда.

Бугун Республика қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, чорва, пилла, полиз, узумчилик, картошка етиштириш, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик тармоқлари маҳсулотининг қарийб 100 фоизини давлат тасарруфидан чиқарилган хўжалиklar тайёрлаб берапти. Иқтисодни эркинлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя этиш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳақида қабул қилинаётган фармонлар республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотни сифат жиҳатидан юксак босқичга кўтарадиган, ҳар бир ишбилармон ва тадбиркор учун кенг имкониятлар очадиган, жаҳон бозорига чиқиш йўлимизни кенгайтирадиган, эски маъмурий-бўйруқбозлик даврдан қолган тўсиқларни олиб ташлайдиган муҳим бир қарорлар бўлмоқда десак янглишмаймиз.

Қишлоқ хўжалигини ислох қилишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида қишлоқда биринчи босқичда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг янги шакллари ривожлантиришга катта эътибор берилди. Бунда, ер чинакам хўжайинига тегиши керак, деган қоидага амал қилинди. Қишлоқда фермер, деҳқон сектори амалда шакллана бошлади. Фермер (деҳқон) хўжалиklarини ривожлантиришни рағбатлантириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам ташкилий шарт-шароитлар яратилди.

Фермерларга ажратилган ерларни мерос қилиб қолдириш шarti билан узoқ муддатга ижарага олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилди. Республика бюджетидан фермерларни қўллаб-қувватлаш учун кўплаб маблағлар ажратилди<sup>1</sup>.

Пахта Ўзбекистон учун республиканинг мустақиллигини кафолатлайдиган сиёсий ва иқтисодий куч-қудрат манбаи бўлишига қарамай, экологияга ва одамлар саломатлигига ҳалокатли таъсир этиб келган пахта яккаҳоқимлигига барҳам бериш ва пахтадан ҳамда унча самара бермаётган бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан бўшатиб олинган ерларни фермер (деҳқон) хўжалиklarини ривожлантириш учун бериш йўли оғишмай амалга ошириб келинди.

Шу билан бирга бу хўжалиklar учун ерларнинг унумдорлигини сақлаш ва оширишда давлат томонидан кафолатлар яратиш йўли билан уларни ҳимоялаш тизими вужудга келтирилди.

---

1. И.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т., “Ўзбекистон”, 1995, 67-б.



Дехқонларга техника, ўғитлар, уруғликлар ва кўчатлар билан махсус хизмат кўрсатиш тизими фаол шаклланиб бормоқда.

Ветеринация ва селекция хизмати янги қоидалар асосида қайта қурилмоқда. Туманларда аҳолига қишлоқ хўжалик экинларининг улуғларини ва сабзавот кўчатларини сотадиган савдо дўконлари очилди.

Натижада 1994 йилнинг ўзидагина дехқон (фермер) хўжаликлари сони 1.9 баравар кўпайди ва йил охирида 25 мингдан зиёдни ташкил этди. Шулардан 10 мингдан ортиқ хўжалик чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилди. Фермер хўжаликлари экинзорларининг умумий майдони 1994 йилда 1993 йилдагига қараганда 2,7 бараварга ортди. Бу ерда дон етиштириш 3 баравар, картошка ва сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштириш 3,3 баравар, гўшт етиштириш 3 баравар, сут етиштириш 2,1 баравар, тухум етиштириш 1,3 баравар кўпайди. Булар фермер (деҳқон) хўжаликларини ривожлантиришнинг дастлабки босқичида қўлга киритилган амалий натижалардир<sup>1</sup>.

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг структурасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Маъмуриятчиликдан, хўжаликларга қанча майдонга қандай экин экишни зўрлаб қабул қилдиришдан иборат ярамас тартибга батамом чек қўйилди. Хўжаликларга эркин майдонларининг структурасини ва ишлаб чиқариш ҳажмини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилди.

Айни вақтда иқтисодий усуллар, харид нархларини ошириш йўли билан рағбатлантириш ҳисобига пахта етиштиришни барқарорлаштириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш ҳамда пахта толаси олишни кўпайтириш сиёсати, бўшатиб олинаётган майдонларга донли экинлар ва картошка экиш сиёсати изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тадбиркорлик субъектлари таркибида қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) билан бир қаторда фермер хўжаликлари ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасига асосан фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир<sup>2</sup>.

Фермер хўжалиги ҳуқуқий ҳолатининг моҳиятини белгилашда унинг қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги)дан фарқли хусусиятларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Агар фермер хўжаликлари тузилиши жиҳатидан оддий таркибли юридик шахс бўлиб ҳисобланса, қишлоқ хўжалик кооперативлари

---

1. И.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т., “Ўзбекистон”, 1995, 68-б.

2. Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи.-Т., 2000, 95-б

(ширкат хўжаликлари) муракаб таркибли тижоратчи қишлоқ хўжалик корхонаси ҳисобланади. Унинг тузилиш жиҳатидан муракаб таркибининг моҳияти шундан иборатки, қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ихтиёрийлик асосида бирлашишида бир томондан фақат фуқаролар қатнашса, иккинчи томондан эса бир қатор ҳолларда юридик шахслар ҳам бирлашиб иштирок этади.

Фермер хўжаликларини ташкил қилишда асосан оилавий характердаги аъзолик муҳим аҳамиятга эга бўлса, қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) бирлашишда эса бир оиладек бўлиши шарт эмас. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва уларнинг жамоа аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабат шартнома асосида белгиланиши назарда тутилса, фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни оилавий ташкил қилиш ҳукмрон бўлганлиги сабабли бундай шартномани тузиш қонунда ифода этилган.

Фермер хўжаликлари аграр, фуқаролик, ер, молия ҳуқуқий муносабатларининг ва қишлоқ хўжалигида тадбиркорликнинг мустақил ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида қуйидаги белгилар билан тавсифланади: биринчидан, қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ фаолиятни ўзини мужассамлаштирган учта тури: мулкӣ, таморқа участкаси ва фуқарони ўзида ифода этади. Иккинчидан, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик субъекти сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Учинчидан, товар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши фаолияти узоқ муддатли ижарага берилган ер участкасида амалга оширилади.

Қонунга асосан, ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан фермер хўжалиги ташкил этилган деб ҳисобланади. Фермер хўжалиги туман ҳокимлигида давлат рўйхатига олинганидан кейин юридик шахс мақомини олади, банк муассасасида ҳисоб китоб ва бошқа хил ҳисоб варақлар очишга, номи ёзилган муҳрга эга бўлишга ҳақлидир. Фермер хўжалигининг бошлиғи бўлиш учун қонунда 18 ёш аниқ қилиб белгилаб қўйилган. Қонунда Чорвачилик маҳсулотини етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли чорва моли бўлган тақдирда ташкил этиши белгилаб қўйилган.

Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,30 гектар, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда камида 0,45 гектар, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади. Деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик 60, ғаллачилик учун камида 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади.

Қонунчиликда рўй берган энг муҳим янгилик фуқароларга фермер хўжалиги учун ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилишининг белгилаб қўйилганлигидир.

Шуни ҳисобга олишимиз керакки, бугунги фермер кечаги тракторчи, сувчи, дала ишчиси, мутахассис ва ҳоказо. Улар кечаги куни маълум турдаги ишларни бажариб, юқори малакали мутахассис бўлиб ҳисобланган бўлса, эндиликда у технологик жараённи, молиявий иқтисодий масалани, ташкилий ва ҳуқуқий масалаларни чуқур билиши керак. Бунинг учун маълум бир вақт талаб қилинади. Шунинг учун ҳам фермерларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг малакасини ошириш учун бозор инфратузилмаси ривожланган бўлиши керак.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил яқунларига бағишланган йиғилишида бошқа соҳалар қатори фермер ва деҳқон хўжалиklarини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар қачонгидан ҳам ривожлантириш зарурлигига эътибор қаратди.

2001 йилда республикада 52228 та фермер хўжаликлари бўлиб, уларга 1038,3 минг гектар ер ажратилган бўлса<sup>1</sup>, Хоразм вилоятида 2003 йил 1 январга келиб 6170 та фермер хўжалиги, 2003 йилга келиб ўз сафларига 603 минг кишини бирлаштирган 87 минг 500 та фермер хўжалиги<sup>2</sup>, 2005 йилга келиб Сурхондарё вилоятида эса 5248 та фермер хўжаликлари фаолият юритди<sup>3</sup>.

Улар Республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 7/1, жумладан, ғалла ва пахта ҳосилининг 3/1 қисмини етказиб берди. Ялпи ички маҳсулотнинг 35 фоизи эса 5,5 миллион киши меҳнат қилаётган 250 мингга яқин кичик бизнес корхонаси ҳиссасига тўғри келди.

Фермерларнинг иш фаолиятини яхшилаш борасида юртимизда қатор ишлар олиб борилмоқда. 1998 йили деҳқон ва фермер хўжалиklarининг I-таъсис Қурултойи чақирилган бўлса, 2003 йил март ойида фермерларнинг II-қурултойи чақирилди<sup>4</sup>. Қурултойда фермерлар ўртасида дуч келинаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари келишиб олинди.

Фермер хўжаликлари тузилмаларини шакллантириш, ерни ижарага олиш, товар ишлаб чиқарувчилар билан харидорлар ўртасида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш қишлоқ ислохотларининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Президент И.Каримовнинг 2005 йил 8 ноябрдаги “2005 йилда-қишлоқ хўжалик кооператив (ширкат)ларини фермер хўжалиklarига айлантириш тадбирлари тўғрисида”ги 215-сонли қарорига мувофиқ, паст рентабелли ва истиқболсиз деб топилган қатор ширкат хўжаликлари фермер хўжалиklarига айлантирилди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоятида 39 та ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг негизида 2032 та фермер хўжалиги ташкил этилди<sup>2</sup>. Бу фермер хўжалиklarига жами 96610 гектар, жумладан 45058 гектар ҳайдаладиган ерлар тақсимлаб берилди.

---

1. Халқ сўзи. 2001 йил, 4 декабрь

2. Халқ сўзи. 2004 йил, 18-март

3. Халқ сўзи. 2003 йил, 13 август

4. Сурхон тонги. 2006 йил, 7 декабрь

2004 йилда Сурхондарё вилоятида етиштирилган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 367483,7 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 426647,6 миллион сўмга етди. Яъни 2004 йилга нисбатан ўсиш 102 фоизни ташкил этди.

2004 йилда яратилган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 61766,8 миллион сўми фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди. Бу кўрсаткич 2005 йилда 85225,2 миллион сўмни ташкил қилди. 2004 йилда фермер хўжаликларининг жами ер майдони 100,8 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб, улар экин майдони 135,5 минг гектарга етказилди<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда 2004 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида иш билан банд бўлганлар сони 40 фоизни ташкил этиб, унга маҳсулотлар экспортининг 60 фоизга яқини тўғри келди. 2004 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида унинг улуши 26,8 фоизга тенг бўлди. Қишлоқ хўжалиги сектори кейинги йилларда иқтисодиётда тез ва сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамма соҳалар бўйича 4732,0 миллиард сўмни ташкил этди. Бу эса 2003 йилга нисбатан 110,1 фоизга ўсишига олиб келди.

Юртимизда иқтисодий ислохотлар давом этаяпти. Ўтиш даврининг оғир йиллари ортда қолмоқда. Ушбу жараёнлар суичилик соҳасида ҳам ўзига хос тарзда давом этмоқда. Сутчилик соҳаси аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришдаги етакчи тармоқлардан ҳисобланади. Лекин яқин-яқингача ҳам унинг ривожига ҳақида гап кетгудек бўлса мақтагудек бир сўз айта олмас эдик. Бугунга келиб эса ислохотда барча соҳадаги каби сутчилик соҳаси олдига ҳам маҳсулот турлари ва унинг сифат кўрсаткичларини жаҳон бозори талаблари даражасида ошириш вазифалари қўйилди.

Натижада мулкчилик шаклининг ўзгариши биринчи навбатда рентабеллиги паст фермалар тугатилди. Қишлоқ аҳолисининг маълум қатлами мулк эгаси бўлди. Бугунги кунда республикамиз фермерлари сут ишлаб чиқариш бўйича катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Жиззах вилоятининг Пахтакор туманидаги “Жўрабек ЭЖ” хусусий корхонаси модернизация қилинган бу ерда ишлаб чиқариш қуввати уч ҳиссага кўпайди.

Янги ускуналарни ўрнатишда банкнинг 40 миллион сўмлик кредити ҳисобига кунига 400-500 литр сут қайта ишланмоқда. 2012 йилнинг дастлабки уч ойида 30 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди. 2011 йили вилоятда гўшти қайта ишловчи 6 та ва сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган 12 та корхона ҳамда 6 та сут қабул қилиш шохобчаси ишга туширилди. Бунинг учун 1 миллиард 287 миллион сўмлик банк сармояси сарфланди<sup>2</sup>.

---

1. Сурхон тонги. 2006 йил, 7 сентябрь

2. Халқ сўзи. 2012 йил, 29 март, 61-сон

Янгибозор туманидаги “Ўрикзор” фермер хўжалиги раҳбари Ўткир Нурметов саъй-ҳаракати билан сутни қайта ишлаш корхонаси барпо этилди. 140 миллион сўмлик банк кредити ҳамда хўжаликнинг ўз маблағи эвазига амалга оширилган ушбу лойиҳа шарофати билан бу ерда кунига бир тоннагача сут маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди<sup>1</sup>.

Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманидаги “Тўртқара сексен” фермер хўжалиги қошида кунига 500 литр сутни қайта ишлашга мўлжалланган янги технологик линия ишга туширилди. Қиймати 87 минг АҚШ доллариغا тенг ушбу лойиҳа рўёбга чиқарилиши билан кўшимча иш ўринлари яратилди. Фермер хўжалиги раҳбари Марат Ариқбаев маҳсулотларини нафақат ички бозорда, балки кўшни мамлакатларга ҳам сотишни йўлга қўймоқчи.

Эътиборлиси, Қорақалпоғистон Республикаси фермер хўжаликлари уюшмаси саъй-ҳаракати билан айни пайтда яна учта ана шундай истиқболли лойиҳа амалга оширилмоқда<sup>2</sup>.

Қашқадарё вилоятидаги “Бахт” фермер хўжалиги кўп тармоқли бўлиб, асосан, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликка ихтисослаштирилган. Ҳозир бу ерда 520 бошдан зиёд чорва моллари, 3 мингдан ошиқ парранда парваришланмоқда. Бир гектар майдондаги сув ҳавзасида балиқ етиштирилмоқда. Эндиликда фермер хўжалиги фақат маҳсулот етиштириш билан чегараланиб қолмасдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиб, бозорга сифатли маҳсулотлар чиқаришни ҳам йўлга қўймоқда. Бунинг натижасида кўшимча иш ўринлари яратилиб, ёшларнинг бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшилмоқда.

2010 йилда бу жамоа хўжалиги қошида “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг вилоят филиалидан олинган 160 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит эвазига замонавий технологик линия харид қилиниб, сутни қайта ишлаш цехи фаолияти йўлга қўйилди. Кунига 3 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга ушбу ускуна ёрдамида қатик, қаймоқ ва пишлоқ сингари юқори сифатли маҳсулотлар тайёрланиб, аҳолига арзон нархларда етказиб берилмоқда. Айни пайтда жамоада 100 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти ёшлардан иборат<sup>3</sup>.

Иқтисодиётмизга хорижий сарояларни жалб этишга қаратилаётган катта эътибор ва яатилаётган қулай инвестициявий муҳит мамлакатимизда кўшма корхоналарнинг тобора ривожланиб боришида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Бу борада Наманган вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 октябрда қабул қилинган “Нестле Ўзбекистон” “Ўзбекистон-Швейцария кўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида

- 
1. Халқ сўзи. 2012 йил, 14 март, 51-сон
  2. Халқ сўзи. 2012 йил, 5 апрель, 66-сон
  3. Халқ сўзи. 2011 йил, 25 июнь, 126-сон

30 миллион АҚШ долларига тенг хорижий сармоя муддатидан олдин ўзлаштирилиб, 2002 йилда болалар озиқ-овқатлари, сут маҳсулотлари ва экологик тоза, фойдали элементлар билан тўйинтирилган сув ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу корхона маҳсулотлари юқори сифати билан ички ва ташқи бозордан мустаҳкам ўрин олди. Корхонада дастлабки йилда 7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йилда 50 миллиард сўмга етказилди. Дастлабки йилларда аҳолидан йилига 7 минг тоннагача сут сотиб олинган бўлса, бугунги келиб бу кўрсаткич 16 минг тоннага етди.

Шунингдек чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари билан ҳам шартномалар тузилмоқда. Корхонада тайёрланаётган қаттиқ ва юмшоқ идишлардаги 2-3,2 фоизли “Нестле сутим”, “Нестле” ва “Нестле-Шагайка” каби 9 турдаги сутли, олмали, бананли, гречкали, буғдойли, беш хил мевали ва беш хил донли болалар овқатлари ишлаб чиқармоқда

Корхонада бир-кеча кундузда 140 тонна сутни қайта ишланмоқда. Наманган вилоятидаги совуткич ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозланган 45 та пунктда аҳоли, фермер хўжаликларидан сут қабул қилиш ташкил этилган. Топширилган сут учун ёғлилик даражаси ва сифатига қараб пул ўтказиш ва пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилинмоқда.

Сут етказиб берувчилар билан ўзаро ишончли ҳамкорликни кучайтириш мақсадида олдиндан тўлов жорий этилмоқда. Бу эса аҳолида сут тайёрлашга бўлган қизиқишни оширмоқда<sup>1</sup>.

Халқимиз азал-азалдан чорвачиликни қут—барака манбаи деб билиб, қорамоллар бош сонини кўпайтириш пайдан бўлган. Дарҳақиқат, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг ушбу муҳим тармоғи ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари тармоқда янги саҳифа очиб берди<sup>2</sup>.

2003 йилда Республикаимизда 5,5 миллион бошга яқин қорамол, 9 миллиондан ортиқ қўй-эчки, салкам 15,5 миллион парранда, 150 мингга яқин от ва туялар бўлган бўлса<sup>3</sup>, юқоридаги ҳужжатлар ижроси юзасидан амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар туфайли сўнгги беш йилда қора моллар сони 9 миллион 93,7 минг бошга етказилиб, жумладан сигирлар 3 миллион 763,6 минг бошга кўпайди..

---

1. Халқ сўзи. 2011 йил, 20 июль, 141-сон

2. Халқ сўзи. 2011 йил, 6 июль, 131-сон

3. Халқ сўзи. 2011 йил, 14 октябрь, 209-210 сон

Натижада 2010 йили 1 миллион 461,4 минг тонна гўшт, 6 миллион 168,9 минг тонна сут етиштирилди<sup>1</sup>.

Бугунги кунда аҳолини гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда деҳқон-фермер хўжаликларининг улуши катта бўлмоқда. Боғот туманидаги “Дадахон Жамшид” фермер хўжалиги раҳбари Хушнуд Ражабов саъй-ҳаракати билан 2010 йили гўштни қайта ишлаш линиясини ишга туширди. Бунинг учун 150 миллион сўмлик замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Ҳозир бу ерда кунига 1 тонна гўшт қайта ишланиб, 16 турдаги колбаса маҳсулотлари савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда<sup>2</sup>.

2011 йилда Жиззах вилоятининг Дўстлик ва Бахмал туманларида йилига 250 тонна гўшт ишлайдиган тармоқлар қуриб ишга туширилди<sup>3</sup>.

Фарғона вилояти Фарғона туманидаги “Ёрдон” фермер хўжалигида 10 тонна сут ва бир тонна гўштни қайта ишловчи кичик корхона фаолият кўрсатаяпти<sup>4</sup>.

Чорвачилик соҳасида деҳқон-фермерларга ветеринария хизматини йўлга қўйишга ҳукуматимиз яқиндан ёрдам бериб келмоқда. 1994 йилда Франция ташкил топган Халқаро эпизоотик бюрога (бош директори Бернар Валла) жаҳоннинг 164 та давлати аъзо бўлган. Ўзбекистон Республикаси ушбу халқаро ташкилотга 1993 йили аъзо бўлиб кирди. Халқаро эпизоотик бюро талабларига кўра, ҳар бир давлатнинг ветеринария хизмати бошлиғи, унинг доимий вакили ҳисобланиб, у ўз мамлакатининг ветеринария-санитария ҳолати бўйича бюрога ахборот бериб туради. Шунингдек, эпидемикга қарши кураш бўйича ташкилотдан ёрдам сўраш ҳуқуқига ҳам эга<sup>5</sup>.

Чорва молларидан касалликларнинг олдини олиш мақсадида 14 турдаги ветеринария дори-дармонлари ҳамда эмланмалар мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Барча чорвачилик хўжаликларига замонавий ветеринария хизмати кўрсатилиши туфайли юртимизда барқарор эпизоотик муҳит яратилмоқда. Ўзбекистон Республикасида 2006 йилда 1768 та зооветеринария пунктлари бўлса, 2011 йилга келиб 2300 тадан ошириш ишлари режага киритилди<sup>6</sup>.

Фарғона вилоятида 2009 йили 191 та зооветеринария шохобчаси, 70 та махсус ветеринария дорихонаси, 4 та ихтисослаштирилган лаборатория, 10 та диагностика кабинети, 5 та сунъий урчитиш пункти, 21 та хушхона ташкил этилди<sup>7</sup>.

---

1. Халқ сўзи. 2011 йил, 6 июль, 131-сон

2. Халқ сўзи. 2012 йил, 5 апрель, 6-сон

3. Народное слово. 17 августа, 2011 г, № 66

4. Халқ сўзи. 2009 йил, 29 январь, 22-сон

5. Халқ сўзи. 2003 йил, 14 октябрь, 209-210 сон

6. Халқ сўзи. 2006 йил, 19 апрель.

7. Халқ сўзи. 2009 йил, 29 январь, 22-сон

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ёрдамида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари қарамоғидаги чорва моллари наслини яхшилаш мақсадида ушбу тармоқ тараққий этган чет давлатлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди. Уларнинг илғор тажрибалари ўрганилиб, мақбуллари амалиётга татбиқ этиб келинмоқда. Ўтган даврда 17 минг бошдан ортиқ юқори насли гунажин келтирилиб, улардан 22 минг бошдан ортиқ бузоқ олингани бу борадаги ишларнинг самарасидир.

Шу билан бирга, чорва молларига сервис хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтириш йўналишида ишлар давом эттирилиб, бундай шохобчалар сони 2591 тага етказилди. Натижада 2010 йилнинг ўзида 1340 минг бошдан ортиқ сигир сунъий урчитилди. Айниқса “Ўзнаслчилик” корхонасида модернизациялаш тадбирлари бажарилган, унинг доирасида Германияда ишлаб чиқарилган “Минитюб” линияси ўрнатилгани ишларни жонлантириб юборди<sup>1</sup>.

Подаларнинг насли ва сермахсул моллар билан тўлдирилиши, ўз навбатида, сут етиштириш ҳажмининг кўпайишига хизмат қилаётир. Бунга кейинги йилларда Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ташкил этилган замонавий сутчилик комплекслари фаолияти мисол бўла олади. Ҳар бирида 1200-1500 бошдан қорамол парваришланаётган ушбу фермерларда сигирлардан ўртача 6-6,5 минг килограммдан сут соғиб олинмоқда.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларида паррандачилик соҳасига ҳам кенг эътибор бериб келинмоқда. 2010 йилда Хоразм вилоятининг Урганч туманининг Ғайбу қишлоғида лойиҳа қиймати 630 минг АҚШ доллариллик “Лобар сервис Ҳилол” корхонаси иш бошлади, 15 киши меҳнат қилаётган бу корхонада замонавий технологиялар ёрдамида паррандачилик маҳсулотлари саноат усулида етиштрилмоқда. Корхонада 66 мингта жўжа парвариши йўлга қўйилди<sup>2</sup>.

Шу вилоятнинг хонқа туманида “Моҳира-Маҳбуба” паррандачилик хўжалиги ташкил этилиб, тадбиркор Шуҳрат Аминов банк кредити ва ўз маблағи ҳисобидан 100 миллион сўмлик сармоя сарфлади. Натижада хўжаликда саноат усулида 50 мингта парранда парваришлаш ҳамда йилига 1 миллиард дона тухум етиштириш имконияти яратилди<sup>3</sup>.

2010 йилда Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги “Галлинар” корхонасига хориждан келтирилган 200 минг АҚШ доллариллик замонавий технологиялар ўрнатилиб, бу ерда саноат усулида парранда парвариши йўлга қўйилди. Бу ерда 50 мингдан зиёд товуклардан бир миллион донага яқин тухум ва 12 тоннадан ортиқ парҳез гўшт маҳсулотлари аҳоли дастурхонига етказиб берилмоқда.

---

1. Халқ сўзи. 2011 йил, 6 июль, 131-сон

2. Халқ сўзи. 2010 йил, 16 октябрь, 201-сон

3. Халқ сўзи. 2011 йил, 1 апрель, 64-сон



2010 йилга келиб Узун туманида паррандачиликка ихтисослаштирилган корхоналар сони 5 тани ташкил қилди<sup>1</sup>.

Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманида 2011 йилда тадбиркор Бахтиёр Маъриповнинг “Сиёб Шавкат Орол” фермер хўжалигининг паррандачилик фермасида кенг кўламли модернизация тадбирлари амалга оширилгач, бу ерда саноат усулида 300 минг бош товуқ парвариш қилиш имконияти яратилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 94 минг АҚШ доллари ҳамда 354 минг евро миқдорида маблағ сарфланди<sup>2</sup>.

Мингбулоқ туманидаги “Пўлатбой-Собирхон-Жобирхон” фермер хўжалиги қошида паррандачилик фермаси ташкил этилди. Бунда молия муассасасининг 400 миллион сўмлик кредититидан самарали фойдаланилди. 18 киши меҳнат қилаётган ушбу корхонада 30 мингта “Ломан Браун” зотли товуқ парваришланмоқда. 2010 йили ушбу жамоа томонидан аҳоли дастурхонига 35 тонна парҳез гўшт ҳамда 6,5 миллион донага яқин тухум етказиб берилди. 2012 йилга келиб Мингбулоқ туманида фаолият юритаётган паррандачиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар сони учтага етди<sup>3</sup>.

Халқимиз балиқни “Луқмаи ҳалол” дея эъзозлайди. Сабаби, балиқ таркибида инсон саломатлиги учун зарур кўплаб фойдали моддалар мавжуд бўлиб, мутахассисларнинг фикрича, унинг ўрнини қоплашнинг муқобили йўқ. Мамлакатимизда балиқчиликни ривожлантириш, аҳолининг унга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, ҳавзалар маҳсулдорлигини оширишга қаратилган изчил ислохотлар олиб борилаёпти. Шу мақсадда кейинги йиллард қишлоқ хўжалигининг ушбу тармоғида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги “Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим омил бўлди.

Ушбу қарорга мувофиқ республикамиздаги мавжуд табиий ва сунъий сув ҳавзалари хусусийлаштирилиб, балиқчилик корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. 2010 йили 10 минг 732 тоннадан зиёд балиқ овланиб, ўсиш суръати 16,2 фоизни ташкил этди ва 2 миллион 584 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспортга чиқарилгани бунинг яққол тасдиғидир<sup>4</sup>.

2011 йилнинг бошига келиб балиқчилик билан шуғулланаётган фермер хўжаликлари сони 1305 тани ташкил қилди<sup>5</sup>. Республикамизда балиқчиликни ривожлантириш илмий тадқиқот маркази фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказ қошида балиқ чавоқлари етиштириш питомнигида интенсив технологиялар жорий қилинмоқда. Чиноз туманидаги донатор балиқ озуқаси ишлаб чиқарадиган завод қайта таъмирланди. Самарқанд автомобиль заводида

---

1. Чағониён. 2011 йил, 4 март, 10-сон.

2. Халқ сўзи. 2012 йил, 11 февраль, 30-сон

3. Халқ сўзи. 2012 йил, 24 февраль, 39-сон

4. Халқ сўзи. 2011 йил, 14 июнь, 116-сон

5. Халқ сўзи. 2011 йил, 14 июнь, 116-сон

тирик балиқ ташиш машиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жойларда эса 190 та замонавий балиқ сотиш шохобчалари ишга туширилгани шундан далолат беради.

2011 йилга келиб республикамизда интексив балиқ хўжаликлари 230 тани ташкил қилиб, уларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда.

Халқимизда асаларичилик етти хазинанинг бири сифатида азалдан эъозланиб келинади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки тармоқда етиштирилаётган маҳсулотлар бугунги кунда озиқ-овқат ва фармацевтика саноатида зарур хом ашё сифатида кенг қўлланилади. Шу соҳани ривожлантириш учун республикамизда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009-2011 йилларда асаларичилик тармоғини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилинди<sup>1</sup>.

2010 йилда асал ишлаб чиқариш 2840 тоннани ташкил этди. 2008 йилда асаларичилик билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектлари сони 4 мингтани ташкил қилган бўлса, 2011 йилга келиб 7 минг кишидан ошиб кетди. Бугунги кунда дунё бўйича 120 дан ортиқ давлатлар асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни қайта ишлаш ва экспорт қилиш орқали катта фойда олади<sup>2</sup>.

Хулоса қилиб айтганда бугунги фермер хўжаликлари кўп тармоқли хўжаликларга айланиб улгурди. Бугунги кунда фермерлар томонидан пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик, мева етиштириш ва уларни қайта ишлаш ва бошқа соҳалар жадал ривожланиб бормоқда. Бунга аввало ҳукуматимиз томонидан яратилиб берилаётган имкониятлармуҳим ўрин тутмоқда.

---

1. Халқ сўзи. 2011 йил, 17 август, 160-сон

2. Халқ сўзи. 2011 йил, 17 август, 160-сон

## **II. боб. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ижтимоий ва маданий**

### **II.1. §. Мустақиллик йилларида қишлоқ инфратузилмасидаги ўзгаришлар.**

Мамлакат қишлоқ хўжалигига умумий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги олиб боради. У Республика Президенти ва Олий Мажлис томонидан қабул қилинган расмий давлат ҳужжатларини қонун ва қарорларнинг ҳаётга татбиқ этилишини ўзининг вилоят ва туман бошқармалари орқали рўёбга чиқаради ва қишлоқда давлат сиёсатини йўлга қўяди<sup>1</sup>. Қишлоқда бевосита ишлаб чиқариш жараёнига мутасадди бўлган давлат ва жамоа хўжаликлари, ширкатлар уюшмалари ва ижара хўжаликлари юқори боқарув ташкилотлари раҳнамолигида фаолият кўрсатадилар. Бундан ташқари, республикада мустақил “Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг” компанияси ташкил этилган. У ихтисослаштирилган боғдорчилик, узумчилик, иссиқхона хўжаликларига раҳбарликни амалга оширади. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги “Қоракўл”, “Ўзбекипачи”, “Ўзпаррандасаноат” ва “Асал” каби номлар билан аталадиган ишлаб чиқариш уюшмалари фаолиятини ҳам бошқариб боради. Ўзбекистон Президенти мустақиллик йилларида қишлоқ инфратузилмасини ўзгартириш бўйича бир қатор фармонларни эълон қилди. Жумладан: “Республика деҳқон (фермер) хўжалиklarини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида” (1991 йил, 29 ноябрь), “Яйлов чорвачилиги (Қоракўлчилик, кўйчилик ва туячилик) ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қўшимча тадбирлари тўғрисида” (1992 йил, 22 октябрь), “Қишлоқ хўжалиги ишлаб ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” (1996 йил 3 апрель) каби Президент Фармонлари аграр соҳадаги ислохотларни амалга оширишга хизмат қилди.

Республика Президенти биргина 1996 йил 3 апрелдаги Фармони билан қишлоқ хўжалигини сифатли техника, минерал ўғитлар, эркинларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари билан таъминлаш бўйича 2000 йилга қадар республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг комплекс дастурини илгари сурди. 2001-2002 йилларда юз берган қурҳокчиликни назарда тутиб, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республикасида деҳқончиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакат ҳукумати алоҳида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурсларини мустаҳкамлаш, унинг илмий салоҳиятини юксалтириш ва юқори малакали кадрлар билан таъминлаш масаласига ҳам катта ғамхўрлик қилди. Биргина “Ўзқишлоқхўжалик таъминоттаъмир” тизимининг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси ва ўн иккита вилоят бирлашмаси, 166 та туман ишлаб чиқариш корхонаси, 28 та таъмирлаш заводи, 64 та кичик корхона ва 13 та корхона мамлакат қишлоқ хўжалигига хизмат қилади.

---

1. Ўзбекистон тарихи. 11-синф учун дарслик.-Т., “Шарқ”, 2004 йил, 142-б

Ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган ва замонавий билимлар соҳиби бўлган юқори малакали олий ва ўрта махсус таълим олган мутахассис кадрларни Тошкент давлат Аграр университети, Андижон ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти ва республикада фаолият кўрсатаётган 40 дан ортиқ техникум ва коллежлар тайёрлаб бермоқди.

2003 йилдан Тошкент Аграр университетининг Нукус филиали иш бошлади ва воҳа қишлоқ хўжалигини кадрлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Хуллас, мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон республикасида аграр соҳада амалга оширилган ислохотлар натижасида Совет мустамлакачилиги давридагидан кескин фўрқ қилувчи туб сифат тизими вужудга келди.

Қишлоқ иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳқида гапирар эканмиз, қишлоқда аҳоли турмуш шароитини яхшилашга Президент ва ҳукуматимиз доимий равишда эътибор бераётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. 1996 йилнинг 21 майида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ инфроструктурасини ривожлантириш Дастури” тўғрисида қарори қабул қилинди<sup>1</sup>.

Ушбу қарорда қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси “Ўзистикболстат” Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълим вазирлигига 2000 йилгача қишлоқ инфроструктурасини ривожлантиришга доир ишларни амалга оширишни топширди. Шунингдек, ушбу қарорда ҳукумат комиссияси тузилиб, ҳар уч ойда бир марта ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш ҳам кўзда тутилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқни ривожлантиришга доир ушбу қарори соҳада кескин ўзгариш ясашга асос бўлди. Комиссия йиғилишида таъкидланишича, кўпдан бери орзиқиб кутилган, том маъноси билан ўзбек қишлоғини маданий-маърифий юксалтиришга соғлом ёш авлодни камол топтиришга йўналтирилган ушбу қарордан сўнг Халқ таълим вазирлигида 23майда ҳукуматнинг бу муҳим қарорини турмушга тадбиқ қилишни таъминловчи ишчи гуруҳ тузилди.

Ишчи гуруҳ биринчи навбатда мамлакат “Истикболстат” Давлат қўмитаси масъул ходимлари билан биргаликда қишлоқ жойларида 24.3 минг ўқувчига мўлжалланган авария ҳолатидаги мактаблар учун бинолар қуриб фойдаланишга топшириш 1996 йил режа-дастурини Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимиятлари билан ҳамкорликда кўриб чиқиб

---

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3 жилдлик. 3-жилд.-Т., “Шарқ”, 2000 йил, 358-б. ҳукуматга тақдим этди.

Ушбу ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 8 июндаги Мажлис баённомаси билан ҳамкорликда кўриб чиқиб ҳукуматга тақдим этди.

Ушбу ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 8 июндаги Мажлис баённомаси билан тасдиқланганидан сўнг жойларга ижро учун юборилди. 1996 йилнинг 29 май куни ишчи гуруҳ кишлоқ мактаблари қурилишида асосий буюртмачи ҳисобланган Қишлоқ хўжалик вазирлигининг масъул ходимлари иштирокида йиғилиш қишлоқ мактабининг келажаги ҳақидаги Концепцияни яратиш масаласини келишиб олди.

Ҳукумат қарорини амалга оширишдаги муҳим тадбир шундан иборат бўлдики, 1996 йил 28 июнда барча вилоят халқ таълими бошқармаларининг бошлиқлари иштирокида бўлиб ўтган ҳайъат йиғилишида бу ўта долзарб ҳукумат тадбирларини ўз вақтида пухта бажариш соҳасида таълим муассасаларининг маҳаллий ҳокимиятлар, қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши кўзда тутилган вазифаларни бажариши муҳокама этилди, уларни амалга ошириш бўйича аниқ муддатлар тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамаси Қароридан нафақат қишлоқ мактаблари учун янги бино қуриш, балки уларни газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш, мактаб биноларини капитал таъмирлаш, реконструкция ва қўшимча бинолар қуриш замонавий техника воситалари, жиҳозлар, мебеллар билан таъминлаш вазифалари ҳам ўрин олди.

Таълим муассасаларини жиҳоз, мебеллар билан ўз вақтида тўлиқ таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги билан Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги “Файз” мебель ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ўртасида 1996-2000 йилларга мўлжалланган шартнома тузилди. Шартномага асосан ҳиссадорлик жамиятининг иккита цехида фақат таълим муассасалари, хусусан, мактаблар учун мебель, жиҳозлар ишлаб чиқарилиши ҳақида келишилиб, бу иш 1996 йилнинг биринчи чорагидаёқ бошлаб юборилди.

1996 йилнинг биринчи ярмида қурилиб фойдаланишга топширилган мактаблар учун 30 миллион сўмлик мебель (стол, стул, жавон, парта, тахта)лар жойларга етказиб берилди, булардан 21,5 миллион сўмлиги қишлоқ ҳудудларида топширилган мактаблар учундир.

Турли комиссияларнинг ҳулосаларига кўра халқ таълими тизимини ривожлантириш ва уни ислоҳ этиш бугунги кунда мактаб мебеллари тузилишига жиддий ўзгартиришлар киритиш, ислоҳ этиш, унинг ўқувчига мослиги, ёши соғлиғини инобатга олган ҳолда яратиш лозимлиги қайд этилган.

Умумий ўрта таълим мактабларидаги синфлар асосан уч хилдаги стол, стуллар билан таъминланди. Биринчиси А-гост-11015, ГОСТ 11016 тури бўлиб, столнинг узунлиги 1220 мм, эни 500 мм, баланлиги 640 мм; стуллари эни 320 мм, баландлиги 380 мм. Столлар ва стулларнинг ранги сарғиш, кўк, яшил металл қисми яшил ранг билан бўялган.

Металл қисмининг очиқ жойи пластик қопқоқлар билан беркитилган<sup>1</sup>. Худди ана шу тарзда (бунда ГОСТ талабларининг бошқа параметрлари ҳам бор) 5-7

синфлар учун стол-стуллар (ГОСТ-11015, ГОСТ-11016), 8-9 синфлар учун (ГОСТ-11015, ГОСТ-11016) комплект стол-стулларга талаблар белгиланди.

Давлат комиссиялари томонидан ушбу мебеллар педагогик, санитария-гигиена, эргономик, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва архитектура бадийлик жиҳатидаги характеристикаларга мос бўлиши муҳим ва шу параметрлар бўйича қабул қилинди. Мебеллар ўқувчиларнинг бўйи, ёшини инобатга олган ҳолда яратилиши шарт қилиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги Фармонида умумий ўрта таълим самарадорлигини ошириш, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий-техник базаси ҳамда жиҳозланишдаги тафовутларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш масаласига алоҳида ўрин ажратилди.

Таълим жараёнининг самарадорлиги фан кабинетидagi мебель, дарсда қўлланиладиган ўқув воситалари, кўرғазмали қуроллар, техник воситалар, ўқув жиҳозлар тизимининг мукамаллиги, уларнинг ёш авлод руҳиятига ижобий таъсир ўтказиши билан ҳам белгиланади. Бу техник воситалар ва мебеллар давлат комиссиялари томонидан уларда мавжуд бўлиши зарур бўлган жиҳатлар: функционал педагогик, илмий, руҳий-физиологик, хавфсизлик техникаси ва гигиеник, техник-эстетик каби талаблар қатори ўқув хонасига нисбатан қўйиладиган бир неча талаблар ҳам борки, буларнинг барчаси ўқувчининг таълим ва тарбия олишига мувофиқ шароит яратиш, унинг соғлиғига ижобий таъсир ўтказиш масалалари билан боғлиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, умумий ўрта таълим мактабларини тўлдирадиган бу жиҳозлар ҳоқ мамлакатнинг энг чеккадаги қишлоғи бўлсин, ҳоқ йирик шаҳарнинг марказида бўлсин, бир хил сифат, андоза, шакл, ранг, стандартлар билан тайёрланган моддий-техник воситалари билан таъминланади. Масалан, Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси маълумотига кўра, 13-сонли ўрта мактаб (шаҳар марказида) 211 комплект парта, 17 комплект ўқитувчи стол-стули, 17 дона синф доскаси, 15 дона китоб жавони, 2 тадан физика ва кимё лабораторияси, компьютер синфи билан таъминланди<sup>2</sup>.

2004 йилда бу мактаб қурилиши бюджет маблағлари ҳисобидан бошланиб, сўнгра ягона буюрмачи “Инжиниринг компания” ҳамда “Жайхун” пудратчи ташкилоти томонидан олиб борилди.

Самарқанд шаҳрининг 53-сонли ўрта мактаби мебелларнинг бошланғич синфлар учун (А класс) қисм “Стеклопластик”, 5-7 синфлари учун (В класс) “Отабек ва” 8-9 синфлар учун (С класс) “Мебель жиҳоз” фирма корхоналаридан харид қилинган мебеллар билан жиҳозланди<sup>3</sup>.

- 
1. Ма’рифат. 2005 йил, 2 апрель.
  2. Ма’рифат. 2005 йил, 2 апрель.
  3. Ўша жойда.

Вилоятда 2004 йилда 45 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган бўлса, 2005 йилда бундай мактаблар сони 56 тага етди. Вилоятда мактаблардаги қурилиш таъмирлаш ишларига 2005 йилда 5 млрд, 614,8 млн. сўм, 2006 йилда 9 млрд. 733,6 млн. сўм маблағ сарфланди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий Дастурини амалга ошириш учун 1 триллион 200 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши кўзда тутилди<sup>2</sup>. Ушбу дастур моҳият эътиборига кўра, **биринчидан**, мактаб биноларини тубдан янгилаш ва реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, **иккинчидан**, мактабларни замонавий ўқув-лаборатория анжомлари, компьютер техникаси, дарсликлар, ўқув-услубий материаллар билан жиҳозлаш, **учинчидан**, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, **тўртинчидан**, мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, улар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш, **бешинчидан**, мактабларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш ва уларда спортни ривожлантириш каби устувор вазифаларни амалга оширишни ўз ичига олган.

Хусусан, 2004-2009 йилларда 8 минг 476 мактабни янгилаш ва реконструкция қилиш белгиланди. Аввало, шунини айтиш керакки, бу вақт давомида 325 мактабни янгидан қуриш, 2 минг 313 мактабни капитал реконструкция қилиш, 3 минг 769 мактабни эса жорий таъмирлаш ишлари режалаштирилди. Мактабларни мебеллар ва ўқув жиҳозлари билан таъминлаш мақсадида тендер-танлов кўرғазмалари ўтказиб келинмоқда.

2005 йилги тендер-танловида 150 дан ортиқ фирма ва компаниялар орасидан маҳсулотининг сифати, ташқи кўриниши, дизайни, нархи каби кўрсаткичлар бўйича 47 та корхона ўзининг жиҳозлари билан қатнашди<sup>3</sup>. Тендерда “Файз” очик акциядорлик жамияти турли хил мактаб кабинетлари учун мебел, “Стеклопластик” очик акциядорлик жамияти 1-2, 3-4, 5-7 синф хоналари жиҳозлари, “Катрис” корхонаси расм-чизмачилик хонаси учун асбоб-ускуналар, “ЎзРусОлийгоҳ” корхонаси лингофон синфлари учун жиҳозлар, ҳисоблаш техникасига хизмат кўрсатиш корхонаси спорт анжомлари намуналарини намойиш этишди.

Бугунги кунда очик айтадиган бўлсак, қайси замонда, ким томонидан мактаб партаси қандай бўлиши кераклиги тўғрисида жамоатчилик фикри сўралган эди? Ахир, яқин-яқингача лоакал ўқитувчиларнинг бу ҳақдаги фикрлари инобатга олинганми? Йўқ, албатта. Шу маънода, янги замонавий мактабларимиз учун танлайдиган жиҳозлар, биринчи навбатда ўқувчиларга, ўқитувчиларга, ота-оналарга ва халқимизнинг дидига мос ва албатта, келажак мақсадларимиз йўлидаги барча талабларга тўлиқ жавоб берадиган жиҳозлар билан таъминланаётгани эътирофга лойиқдир.

---

1. Халқ сўзи. 2006 йил 25 август

2. Fidokor. 2005 йил, 3 май, 34-сон

3. Fidokor. 2005 йил, 3 май, 34-сон

Ўзбекистон Республикасида Вазирликка қарашли “Таълим-таъминот”, Бош бошқармаси қошида “Жаҳонгир” фирмаси, ҳамда бир қатор вилоят халқ таълими бошқармалари қошида ҳам кичик корхоналар тузилиб, уларда кунда зарур бўлган парта ва тахталар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси қошида эса устахона ташкил этилиб, унда мактаблар учун бўр ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бозор иқтисодиётига ўтишдаги мураккабликлар ҳисобга олиниб, таълим муассаларида мавжуд бўлган ўқув кўргазма қуроллари ва жиҳозларини таъмирлаш борасида вазирлик тасарруфидаги ташкилотларда амалий чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, мамлакат “Таълим-таъминот-жиҳоз” ва Андижон вилоят “Таълим-таъминот” корхоналари қошида Россия федерацияси билан лингафон, физика, химия кабинетлари, электр ускуналарини амперметр, вольтметр, осциллограф, универсал тўғрилагичларни таъмирловчи “Мактаб-лингофон”, Бухоро вилояти “Таълим-таъминот” корхонаси қошида эса, кодоскоп, эпидаскоп, эпипроектор, граффопроектор, телескоп ва фильмоскопларни таъмирловчи “Мактаб-жиҳоз-Бухора” қўшма корхоналари очилиб ишга туширилди<sup>1</sup>.

Кўқон шаҳридаги “Намойиш” номли ҳиссадорлик жамияти мебель ва бошқа жиҳозлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозир бу жамиятда коллеж ва академик лицейлар учун 11 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Мебелчилар йил охиригача буюртмачилардан тушган буюртма асосида 4,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар<sup>2</sup>.

Халқ таълими вазирлиги мактабларни замонавий техника жиҳозлари билан, таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратди, хусусан жорий йилда қишлоқ ҳудудларида жойлашган мактаблар учун энг замонавий техника воситалари-160 жуфт синф “IBM” компьютерлари ажратиш режалаштирилди ва булардан 100 жуфти дарҳол жойларга етказилди.

АҚШ ҳукумати билан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ўртасида ҳамкорлик бўйича иккита ўқув дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурлардан бири “Ўзбекистон мактабларига компьютерлар” лойиҳаси АҚШнинг халқаро ривожланиш агентлиги молиявий кўмагида юзага келди. Бу лойиҳа доирасида жойларда ресурс марказларини очиш режалаштирилди.

Яхши жиҳозланган компьютер синфлари негизида фаолият кўрсатадиган бу марказлар ўқитувчилар жамоаси ва мактаб маъмурияти компьютер саводхонлигини ошириш масалалари билан шуғулланади. Табиий фанлар, фуқарошунослик, тарих ва чет тилларини ўрганиш жараёнларида компьютер технологияларини жорий этиш методикасига доир машғулотлар ҳам ташкил этилиб келинмоқда<sup>3</sup>.

- 
1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3 жилдлик, 3-жилд.-Т., “Шарқ”, 2000 йил, 361-б
  2. Народное слово. 16 октября 1999 г. № 202
  3. Халқ сўзи. 2003 йил, 27 июнь.



2011 йилда мамлакатимиз бўйича 852 та мактабда замонавий ўқув компьютер синфлари ташкил этилди<sup>1</sup>. Бухоро вилоятидаги Қоракўл туманидаги 26-умум таълим мактаби Жанубий Кореянинг имтиёзли кредити эвазига компьютер жамланмаси билан жиҳозланди. Ушбу хайрли иш “Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш” лойиҳаси асосида амалга оширилди. Мазкур лойиҳа доирасида 2011 йили вилоятдаги 80 та умумтаълим даргоҳлари ана шундай замонавий компьютерлар билан таъминланди<sup>2</sup>.

Вазирлар Маҳкамаси қарорини бажаришда бошқа вазирликлар томонидан ҳам анчагина ишлар қилинмоқда. Хусусан, қишлоқ аҳолисининг саломатлигини яхшилаш масаласига ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Фақат 1996 йилнинг ўн бир ойи мобайнида республикада 62 та қишлоқ врачлик пунктлари қуриб ишга туширилди. Шу давр мобайнида 71 минг квадрат метр савдо ўринлари, 27,9 квадрат метр умумий овқатланиш шохобчалари, 1992 та маиший хизмат объектлари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Президент Ислом Каримовнинг ташаббуслари билан қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП)нинг олис ва чекка ҳудудларда иш бошлаши муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олинди. Бу ҳаракат қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш, халқимиз турмуш даражасини юксалтиришдек муҳим вазифаларни қамраб олиш бирга аҳоли ўртасида учрайдиган касалликларни аниқлаб, ташхис қўйишда, зарурий муолажаларни амалга оширишда ҳам қўл келади. Айниқса, инсон ҳаёти хавф остида турган лаҳзада бундай муассаса шифокорлари томонидан бирламчи тез тиббий ёрдамнинг уюштирилиши маҳаллий аҳоли учун қулайлик туғдиради.

Туман ёки вилоят марказидаги шифохонага етиб бугунча бемор ўз ҳаётига чанг солган дарддан азият чекади. Бундан фориғ бўлиш учун у ушбу муассаса шифокоридан малҳам топади. Бугунги кнуда юртимиздаги барча қишлоқ врачлик пунктлари замонавий талаб асосида жиҳозланган бўлиб, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконига эга. Жумладан, ушбу муассасада рўйхатхона, беморни вақтинча кузатиш хонаси, умумий амалиёт шифокори, менежер, акушерлик ва кўрик хонаси, стериллаш, функционал диагностика, физиотерапия, муолажа, патронаж ҳамшираси ва эмлаш хоналари фаолияти тўлиқ йўлга қўйилган.

Бу эса қишлоқ аҳолисига зарур профилактик ва даволаш хизматларини кўрсатиш муносиб шароит учун таъминланганини англатади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Тошкент тиббиёт академияси мутахассислари ҳамкорлигида қишлоқ врачлик пунктлари модули яратилди ва буни кўпчилик қўллаб қувватлади. Ана шу ҚВП модули бўлғуси шифокорларга дарс жараёнида намуна сифатида намойиш этилмоқда. Мамлакатимизда айнан ана шу йўналишдаги ишларга кейинги ўн йилликда

---

2. Халқ сўзи. 2012 йил, 3 март, 45-сон

3. Халқ сўзи. 2012 йил, 13 март, 50-сон

кўпроқ эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки республикада аҳолининг 60 фоизидан кўпроғи қишлоқда истиқомат қилади.

Бунёдкорлик билан банд бўлган қишлоқ аҳолисининг, аввало, саломатлиги муҳофаза қилиниши даркор, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базаси ҳам бугунги кун талабларига тўлиқ мос эканлигини иккиланмасдан айта оламиз. Биргина 2010 йилда қишлоқ врачлик пунктларига 1,2 миллион АҚШ доллари миқдорида тиббий асбоб-ускуналар харид қилинганини қайд қилиб ўтишимиз мумкин<sup>1</sup>.

575 та кимёвий анализатор, 250 та стоматологик асбоб-ускуна, 726 та компьютер билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктларида бир-бирига узвий боғлиқ бўлган ишлар амалга оширилади. 1056 та ҚВПда CSM стандартидаги стационар телефон апаратининг ўрнатилиши эса марказий тиббиёт муассасалари билан мунтазам боғланиш имконини беради. 1,5 миллиард сўмлик дори-дармон воситалари ва реактивлар харид қилишниб, ҚВПлар эҳтиёжига кўра тақсимланишига муваффақ бўлинди.

Реактивларни танлаш ва харид қилишда маҳаллий корхоналар иштирокида ўтказилган тендер савдолари натижасига мувофиқ иш кўрилди, яъни қулай, ихчам арзон маҳсулотни харид қилишга кўпроқ диққат эътибор қаратилди. Табиийки, беморни дори-дармонларсиз даволаш мумкин эмас. Ушбу тиббиёт муассасалари қошида ижтимоий дорихонанинг фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Кейинги йилларда қурилган ҚВПларидан 352 тасида энг зарур дори-дармонларни топиш мумкин бўлган ижтимоий дорихона хизмат кўрсатмоқда. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тиббиёт йўналишидаги олий таълим даргоҳларининг барчасида умумий амалиёт шифокори тайёрланади. Уларни қишлоқ врачлик пунктларига бириктириб қўйишга жиддий эътибор қаратилаёпти. Қишлоқ аҳли-ёш қари, эркак-аёл ҳар қандай вазиятда, аввало, умумий амалиёт шифокорига мурожаат қилади.

Улар ўз навбатида, беморни клиникага ва тор мутахассисга юбормасдан тиббий ёрдамнинг 85-90 фоизини кўрсата олади. Врачлар билим ва тажрибасини такомиллаштириб бориш ҳам долзарб масала.

Агар 2009-2010 йилларда 670 нафар бирламчи бўғин шифокорини ўн ойлик махсус курсларда ўқитишга эришилган бўлса, 2010-2011 ўқув йилида 684 нафар умумий амалиёт шифокорининг малакаси оширилмоқда<sup>2</sup>.

Вақт ўтиши билан бино ва иншоотларни таъминлаш, қайта тиклашга эҳтиёж сезилади. Анча йиллар аввал ишга тушган қишлоқ врачлик пункти таъмирдан сўнг бутунлай бошқача кўриниш касб этади. Кейинги йиллар ичида 392 та қишлоқ врачлик пунктларида турли даражадаги таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ана шу мақсадда 3,2 миллиард сўм маблағ сарфланди.

---

1. Ma'rifat. 2011 йил, 16 март, 21-сон

2. Ma'rifat. 2011 йил, 16 март, 21-сон

Қишлоқ аҳолисини ортиқча оворагарчиликдан халос этиш, узоқ йўлга яқин қилиш, мушкуллари осон қилишда қишлоқ врачлик пунктларининг хизмати катта бўлаётгани кенг жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини қарор топтириш, арзугулик тажриба ва усуллар бўлса кенг ёйиш, умуман, қишлоқ врачлик пунктларини ҳар томонлама намунали даражага кўтариш учун тиббиёт олий таълим муассасалари, ихтисослаштирилган ва етакчи клиникаларнинг профессор-ўқитувчилари, малакали мутахассислари ёрдамида 2009-2010 йилларда 524 та намунали қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди. 2009 йилда қишлоқ врачлик пунктларига 1 миллион АҚШ доллари миқдорда тиббий лаборатория анжомлари етказиб берилди<sup>1</sup>. 2011 йил бошига келиб републикамизда энг замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган 3 минг 200 та қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) фаолият кўрсатмоқда<sup>2</sup>.

Президентимизнинг “Ўзбекистон республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш, чоратадбирлари тўғрисида”ги (2006 йил, 17 апрель)<sup>3</sup> қарори мамлакатимизда тадбиркорлар фаоллигини кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратишда қўл келди. Жумладан, ушбу қарор бу борадаги расмиятчилик тўсиқларини бариарф этиш ва шу асосда хизматлар ҳажмининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш ҳамда 2010 йилгача уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш вазифасини қўйди<sup>4</sup>.

Бугунги кунда мамлакатимизда юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турлари ривожланмоқда. Мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражаси ва сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Булар асосида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватланаяпти.

Масалан, лизинг, суғурта, аудиторлик, бухгалтерия ҳисоблаш юритиш хизматлари, тери хомашёсидан ишлаб чиқилган маҳсулотлар ҳамда соатларни тузатиш, маиший электрон ва электр асбобларни таъмирлаш, ветеринария, таълим хизматлари, болалар спорти майдонлари ва ногиронлар ҳамда қариялар қарамоғи бўйича хизмат кўрсатувчи юридик шахслар 2006 йил 1 апрелдан бошлаб уч йил муддатга даромад солиғи ва ягона солиқ тўловларидан озод этилди. Қарорга давлатимиз раҳбарининг Фармони билан тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, яна бир қатор хизматлар билан ҳам бойиди.

---

1. Халқ сўзи. 2010 йил, 5-март, 45-сон

2. O'zbekiston ovozi. 2011 йил, 12 апрель, 45-сон

3. O'zbekiston ovozi. 2009 йил, 26 февраль, 25-сон.

4. O'zbekiston ovozi. 2009 йил, 26 февраль, 25-сон

Дунё тажрибасидан маълумки, мамлакат иқтисодиёти тараққий этгани сари такомиллаштирилган сервис хизматларига талаб ва эҳтиёж ортиб бораверади. Юртимизда ҳам ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохатлар кўлами кенг. Бунга жойларда кўплаб шохобчалар ташкил этилиб, улар томонидан юксак даражали хизматлар кўрсатилаётгани яққол мисол бўла олади.

2011 йили Сурхондарё вилоятида 588 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди<sup>1</sup>. Эътиборлиси, бундай хайрли ишлар нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки чекка ҳамда олис қишлоқларни ҳам қамраб олмоқда. Бунда президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Албатта, юрт равнақига хизмат қиладиган эзгу ташаббусларни амалга оширишда моддий рағбатнинг аҳамияти муҳим. Шу боис молия муассасалари томонидан ишбилармон ва тадбиркорларимизнинг бизнес лойиҳалари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. 2011 йили биргина “Микрокредитбанк” вилоят филиали томонидан 2 миллиард 782 миллион сўм маблағ ажратилгани бунинг тасдиғидир.

Сурхон воҳасида транспорт хизмати намунали йўлга қўйилмоқда. Деновдаги “Файз” маъсулияти чекланган жамият жамоаси 2010 йил “Асака” банкининг қарийб 270 миллион сўмлик кредити ҳамда 809 миллион сўмдан зиёд лизинг маблағи ҳисобига 20 та “Исузу” русумли автобус харид қилиб, аҳолининг узоғини яқин қилишга бел боғлади. Ва 30 та шундай транспорт воситаси келтирилди. Натижада 10 та янги йўналишда транспорт қантови йўлга қўйилди.

Термиз шаҳридаги “Набижонтранс” МЧЖ ҳам ана шундай фаолият турига ихтисослаштирилди. Корхона жамоаси “Исузу” автобусларидан 10 тасини сотиб олиб, 25 кишини иш билан таъминлади.

Қумқўрғон туманида ҳам молия муассасалари кўмагида тадбиркорларга мадад бўлмоқда. Хусусан, “Истиқлол-Сурхон-Парвоз” хусусий корхонасида банк томонидан ажратилган 50 миллион сўмлик кредит ҳисобига реклама баннерларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бойсун туманида эса 2011 йили мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида қабул қилинган дастурга мувофиқ, 20 та янги ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди. Тумандаги “Хумо” номли кўп тармоқли хизмат кўрсатиш мажмуаси-ана шундай иншоотлардан биридир. 2012 йил бошларига келиб аҳолига ўндан ортиқ турдаги хизматлар кўрсатилмоқда. Ушбу мажмуани барпо этиш учун худуддаги бир қатор ташкилотлар молиявий ёрдамидан фойдаланилди.

---

1. Халқ сўзи. 2012 йил, 2-февраль, 23-сон

Умуман олганда Сурхондарё вилояти бўйича 2011 йили хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига 24 минг 642 та иш ўринлари яратилди. Бундай йўналишдаги корхоналар томонидан аҳолига кўрсатилган хизматлар кўлами 1,3 триллион сўмни ташкил этди<sup>1</sup>.

Аҳолини табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам анчагина ишлар қилинди. 1991 йилгача мамлакатимизда 1 миллион 842 минг хонадон газлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич 1997 йил бошига келиб 3 миллион 155 мингтага етди.

1992-1996 йилларда Хоразм вилоятида 127 километр катта диаметрли сув ҳайдагич, 902 километр ичимлик суви тармоқлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиши 54,8 фоизга етказилди<sup>2</sup>.

1992-1996 йилларда Туямўйин сув омборидан Қорақалпоғистон Республикаси аҳоли пунктларига 2 минг 885 километр водопровод тармоғи олиб келинди, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 59,5 фоизга етди. Шу йилларда 16,3 километр канализация тармоқлари ётқизилди<sup>3</sup>.

2008 йилда Республикаимизда 2600 километрдан зиёд ичимлик суви тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жойларда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш орқали аҳолининг яшаши учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилгани туфайли шундай ижобий натижага эришилди<sup>4</sup>.

1991 йилгача мамлакатимизда 1 миллион 842 минг хонадон газлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич 1997 йил бошига келиб 3 миллион 155 мингтага етди. Аҳолининг табиий газ билан таъминланиши 86,7 фоизга етказилди.

Бу ғоят муҳим соҳада Наманган вилоятида ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. 1990 йилгача бўлган даврда вилоят бўйича жами 1480 километр газ тармоқлари тортилган бўлса, 1991-1995 йиллар давомида 2025 километр газ тармоқлари фойдаланишга топширилди<sup>5</sup>.

1992-1996 йилларда Қорақалпоғистонда 4057,5 километр газ тармоқлари ётқизилди. Қорақалпоғистон республикаси аҳолисининг табиий газ билан таъминланиши 85,4 фоизни, шу жумладан, шаҳарда 99,4 фоизни, қишлоқда 72,4 фоизни ташкил этди<sup>6</sup>.

---

1. Халқ сўзи. 2012 йил, 2-февраль, 23-сон

2. Ўзбекистон тарихи. 11-синф учун дарслик.-Т., “Шарқ”, 1998 йил, 214-б

3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3 жилдлик, 3-жилд.-Т., “Шарқ”, 2000 йил, 145-б

4. Халқ сўзи. 2009 йил, 14-март, 54-сон

5. Ўзбекистон тарихи. 11-синф учун дарслик.-Т., “Шарқ”, 1998 йил, 214-б

6. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3 жилдлик, 3-жилд.-Т., “Шарқ”, 2000 йил, 145-б

Истиқлолнинг илк йилларидан юртбошимиз қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бундай эзгу ишларнинг барчаси инсон манфаатларини таъминлашдек олижаноб мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Шунинг учун қишлоқ жойларида инфратузилма тармоқлари-уй-жой қурилиши, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминоти, йўлларнинг ҳолатини яхшилаш, транспорт ва коммуникация хизматларини янада ривожлантиришга, қисқача айтганда, қишлоқ ҳаётининг сифати ва маданиятини янги поғонага кўтаришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2009 йил августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори<sup>2</sup> асосида Ватанимиз қишлоқларида 2009 йилда қурилиши бошланган (2009 йил қишлоқ хўжалиги тараққиёти йўли), қулай ва барча коммунал хизмат шароитларига эга бўлган яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш борасидаги ҳаракатлар оммавий тус олди. Натижада 2010 йили мамлакатимизда 6 минг 800 та ана шундай уй-жой барпо этилиб, эгаларига топширилди.

Ушбу мақсадларга қарийб 430 миллиард сўм миқдоридаги капитал қўйилмалар, жумладан 250 миллиард сўмдан ортиқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар йўналтирилди. Бу маблағ 2009 йилдагига нисбатан 9 баробар кўпдир<sup>3</sup>. Дастурни амалга ошириш бошланганидан буён янги массивларда қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб яшаши учун зарур бўлган 165 та ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари барпо этилди.

Айни пайтда янги қурилаётган турар жой массивларида замонавий турдаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳам жадал бунёд қилинмоқда. 103 километрдан ортиқ газ, қарийб 100 километрлик сув қувурлари, 71 километрдан зиёд электр узатиш тармоқлари, шунингдек, умумий узунлиги 85 километр бўлган ички йўллар қурилди. Ичимлик суви, электр ва газ таъминоти, шунингдек аҳоли пунктларининг сонитария аҳолини яхшилаш бўйича янги коммунал инфратузилма тармоқлари ва объектларини қуриш, модеренизация ҳамда реконструкция қилиш ишлари тизимли асосда олиб борилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами, самаралари ва аҳамиятини Сурхондарё вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

2010 йили Термиз тумани Лимонзор массивида қисқа муддатда 60 та уй-жой қурилиб ишга туширилди. 2011 йилда эса яна 40 та шунга ўхшаш уй-жойлар қурилиб ишга туширилади<sup>3</sup>.

Бугунги кунда қишлоқларимизда нафақат ўзимизга, балки етти пуштимизга ҳам хизмат қиладиган мустаҳкам уй-жойлар бунёд этилмоқда. Чунки бизнинг олий мақсадимиз ҳам ана шундан иборатдир.

---

1. O'zbekiston ovozi. 2011 йил, 23 июнь, 75-сон

2. Халқ сўзи. 2011 йил, 14-июнь, 116-сон

3. Правда Востока. 9 июня 2011 г. № 111.

## **II. боб. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ижтимоий ва маданий ҳаёт.**

### **II.2.§. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасидаги муҳим ўзгаришлар.**

Ўзбекистон Республикасининг тарихан аграр қишлоқ хўжалик ўлкаси эканлиги бу ҳудудда объектив суръатда қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантиришни талаб қилса-да, совет ҳукумати бу тармоқ тараққиётига ҳам улуғ давлатчилик сиёсати нуқтаи назаридан ёндошди. Мамлакат қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжларини асосан “Тошкент трактор заводи” (ТТЗ), “Тошқишлоқхўжаликмаш” каби корхоналар қондириб келар эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида бу корхоналар деярли тўхтаб қолиш даражасига келиб қолди. Мамлакат иқтисодий ҳаёти ниҳоятда оғир бўлган бир шароитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов бу соҳада ҳам узоқни кўзлаб, қишлоқ хўжалигини зарур бўлган тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик тракторлари билан таъминлаш чораларини кўрди.

1990 йилларнинг охирида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нраҳлари ҳам бир неча марта оширилган бўлишига қарамай, бу ошириш саноат маҳсулотлари баҳолари ошиши олдида ҳеч нарса бўлмай қола бошлади. Натижада баҳоларнинг эркинлашуви қишлоқ хўжалиги корхоналарининг даромадлари ошишига олиб келмади, аксинча кўпчилик хўжаликлар танг иқтисодий аҳволга тушиб қолишди. Бунга эса биринчи сабаб, саноат товарлари билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳолари ўртасида вужудга келган йирик номутаносиблик сабаб бўлди. Саноат корхоналари товарларининг баҳолари чегараланмайдиган бўлганидан бошлаб, қишлоқ хўжалиги учун зарурий техника воситалари ва бошқа моддий ресурслар нархи кескин ошиб кетди.

Масалан, 1991 йилнинг январидан 1 июлга қадар пахта териш машинаси (ХНП-1,8)нинг баҳоси 14,38 марта, трактор (Т 28х4м)нинг баҳоси 11,68 марта ошди<sup>1</sup>. 1993 йилнинг биринчи ярмидан 1994 йилнинг биринчи ярмигача бўлган оралиқ вақтни олиб қарайдиган бўлсак, шу давр мобайнида картошка нархи 8,93 сабзавот 7,36, қўй ва эчки гўшти 6,22, сут 6,35 марта ошган бўлса, минерал ўғитлар баҳоси 10,98, ёнилғи-мой материаллари 19,44, комюикорма 11,89, трактор 15,99, юк автомобиллари 16,15 мартага қимматлашди.

Саноат товарлари баҳосининг бундай кескин ошиб кетиши қишлоқ хўжалик корхоналари учун оғир зарба бўлиб туша бошлади. Давлат йўли билан бу муаммони бартарф этиш чоралари излана бошланди. Қуввати 30 от кучига эга бўлган ТТЗ-30 трактори яратилди ва уни 1993 йилдан бошлаб ишлаб чиқариш йшлга кўйилди. Тошкент трактор заводининг давлат-акциядорлик жамиятига айлантирилиши ҳам ижобий натижалар бера бошлади.

1994 йили дизель двигателли ТТЗ 80/100 универсал чопиқ трактори синовдан мувақиятли ўтди.

---

1. Рашид Ҳакимов, Муҳитдин Юсупов. Давлат ҳомийлиги зарур. Иқтисод ва ҳисобот. 1996 йил, 6-сон, 48-бет

Шундан сўнг бу хил тракторларни оммавий суръатда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

1994 йилда Ўзбекистон-италия қўшма корхонаси-“Ўзиталмотор” акционерлик ташкилотига асос солинди. Унда АҚШнинг “Кейс” фирмаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилди ва қишлоқ хўжалиги учун янги тракторлар ва комбайнларни йиғиш амалга оширилмоқда.

Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг 15 та корхонаси “Қишлоқхўжалик машинасозлик холдинг” компаниясига айлантирилди. Унинг таркибига Тошкент трактор заводи, “Тошқишлоқ” ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент агрегат заводи “Чирчиқ қишмаш”, “Ўзбекқишмаш” сингари акциядорлик жамиятлари кирди. Бу компания 1996 йилдан бошлаб мамлакат қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлашни йўлга қўйиш мақсадида АҚШнинг “Кейс” ва “Магнум” корпорациялари билан биргалмқда тракторлар, комбайнлар йиғишни йўлга қўйди.

2002 йилдан бошлаб Тошкент трактор заводида Ўзбекистон-Хитой қўшма лойиҳасини амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналари, дехқон фермер хўжаликлари учун ихчам тракторлар ишлаб чиқариш технологиялари ўзлаштирилди. 2003 йилдан бошлаб эса автомобиллар учун ойна ишлаб чиқарадиган “Автоойка” акциядорлик жамияти ишга туширилди. Булардан ташқари, Ўзбекистонда пахта тозалаш тўқимачилик машинасозликги каби саноат тармоқлари ҳам ўз фаолиятларини миллий истиқлол талаблари асосида қайта қурмоқдалар. Биргина “Ўзбектўқимачилик маш” бирлашмасида тўқимачилик машиналари, аппаратлари ва автоматларининг 50 дан ортиқ намунаси ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини юксалтиришнинг асосий омили сермеҳнат юмушларни техника гарданига юклашдир. Жаҳон тажрибаси тармоқ ишлаб чиқаришининг барқарорлиги, юқори унумдорлиги ишлаб чиқариш кучларининг комплекс ривожланиши, илмий-техника тараққиёти, моддий-техника базасининг кучлилиги ва кадрлар учун шарт-шароит яратилганлиги билан бевосита мутаносиблигини кўрсатади.

Буни фермерлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ажратилган ер, техника, фан ютуқларидан унумли фойдаланилгандагина натижалар юқори бўлиши мумкинлигини фермерлар амалда исботлашмоқда.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 январдаги қарорига биноан қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқариш мақсадида “Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг” компанияси ташкил этилган эди<sup>1</sup>. Бу тузилма таркибига 16 та корхона, 9 та қўшма корхона, 17 та минтақавий техника маркази, 72 та туман ва туманлараро бўлинмалар, шу жумладан, машина-трактор парклари ва савдо уйлари кирди. 2001 йил натижаларига назар ташласак, компанияга қарашли корхоналар анчайин мураккаб даврни бошдан кечирганлиги аён бўлди.

---

1. Халқ сўзи. 2002 йил, 11 апрель, 77-сон



Кетма-кет рўй берган сув тақчилиги пировард натижаларга таъсир этмай қолмади. Аксарият жойларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини аввалги йиллардагига нисбатан камайтирмаслик, эришилган ютуқларни йўқотиб қўймаслик учун кураш кетди.

Кейинги йилларда компания ривожланган давлатларнинг тармоқ техникаси ишлаб чиқарадиган фирмалари билан ҳамкорлик қилаётганлиги ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Масалан, 9 та қўшма корхона ишга туширилди. “ЎзКейсмаш”, “ЎзКейстрактор”, “ЎзКейссервис”, “Агрихим” корхоналари шулар жумласига киради. Улар томонидан фақат 2001 йилнинг ўзида мамлакатимиз агросаноат мажмуига 2760 та трактор, 971 та тележка, 100 та пахта териш машинаси, 118 та плуг, 994 та борона, 80 та пичан ўрадиган комбайн, 1066 та культиватор ва 1 миллиард 239,5 миллион сўмлик эҳтиёж қисмлари ва бошқа техника воситалари етказиб берилди<sup>1</sup>. Шу жумладан, лизинг асосида 2 минг дона трактор ва 404 дона тележка ишлаб чиқарилиб, деҳқонларга жўнатилди.

2002 йил бошларида чет элдаги нуфузли компания ва фирмалар вакиллари билан ҳамкорликда бир қанча қўшма корхоналар тузиш бўйича лойиҳа-изланиш ишлари олиб бориш ишлари бошлаб юборилди. Германиядаги “Класс” ва “Амозоне”, Франциядаги “КЮН” фирмалари билан “Тошқишлоқмаш” ҳиссадорлик жамиятида ем-хашак ўриш комбайни, “Ўзқишлоқмаш” ҳиссадорлик жамиятида ғалла экадиган сеялка, “Агрегат заводи” корхонасида фрезерлик культиватори ишлаб чиқариш учун тайёргарлик кўрила бошланди.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги узлуксиз ва ўзаро чамбарчас тизимга эга. Бу илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва кетма-кетликни таъминлайди. Айни пайтда тармоқнинг илмий-тадқиқот, лойиҳа институтлари ҳамда конструкторлик бюрolari мавжуд. Компания муаммолар ечимини таъминлайдиган дастурлар ишлаб чиқиб, республика Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш кенгаши (собик фан ва техника давлат қўмитаси) билан ҳамкорликда иш олиб борди.

2001 йили компания бўйича 25 миллиард 255,9 миллион сўмлик техника воситалари, 622,5 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Эришилган ижобий силжишлар қаторида корхоналарнинг дебитор ва кредитор қарзлари камайганлигини тилга олиш мумкин.

Компаниянинг чет эл сармоясини жалб қилишдан, умуман унинг инвестиция фаолиятидан мақсади баъзи корхоналардаги ишлаб чиқариш техникасини янгилашдир. Масалан, “Тошкент трактор заводи”, “Тошқишлоқмаш”, “Агрегат заводи”, “Мотор заводи”, “Технолог” ҳиссадорлик жамиятларида хориж сармоясини жалб этиш, замонавий талабларга жавоб берадиган техника воситалари ишлаб чиқариш кўзда тутилди.

---

1. Халқ сўзи 2002 йил, 11 апрель, 77-сон

2002 йилгача компанияга қўшма корхоналар устав жамғармасини шакллантириш учун 28,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги чет эл сармояси олиб кирилди.

Ҳукуматимизнинг маҳаллий хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дастурига кўра “Кейс” пахта териш комбайнлари ва тракторларига бутловчи қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 2001 йили “ЎзКейсмаш”да пахта териш машиналарининг замонавий бўйиш мажмуаси ва бошқа баъзи қисмлари таъмирланди. “Тошқишлоқмаш” корхонасида пахта териш машинасининг бункери, унинг баъзи қисмларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Тармоқ техникаси учун гидроцилиндрлар тайёрлайдиган чет эл дастгоҳи сотиб олинди.

2001 йилда Урганч шаўридаги “Урганч ўт ўриш машиналари заводи” акциядорлик жамиятида хорижнинг “Кейс” ва “Класс” русумидаги тракторлари учун айланма плуг ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 100 миллион сўм сарфланди. Корхона жамоаси ўтган қисқа муддатда яна 100 дона ана шундай маҳсулот тайёрлаб, фермер хўжаликларига етказиб берди. Умуман кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида жамият томонидан жами 2 миллиард 700 миллион сўмликдан ортиқ, 15 турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда 200 турдаги эҳтиёж қисмлар ишлаб чиқарилди<sup>1</sup>.

“Тошкент трактор заводи” давлат акциядорлик бирлашмасида хориж сармоясини жалб қилиш икки йўналишда олиб борилди. Аввало, “Кейс-Нью-Холланд” фирмасининг универсал-ҳайдов тракторларига комплектловчи қисмлар ишлаб чиқариш бўйича ва иккинчиси эса Хитой кредити асосида мини тракторлар тайёрлашга сарфланди.

2001 йилда корхона 2966 дона трактор, 1033 дона тлежка ишлаб чиқарди. Агар уни 2000 йилдаги натижага таққослайдиган бўлсак, кўп, қишлоқ хўжалигидаги эҳтиёжимизни назарда тутадиган бўлсак-оз. Алабатта, ҳеч бир ҳаракат беиз кетмаганидек, ишлаб чиқариш бўғинидаги бирор узилиш ўз таъсирини сездирмай янги муаммо туғдирмай қолмайди. Гап фақат техника воситаларини бутлаш учун айрим қисмларнинг тақчиллигидагина эмас, балки айнан шу техникага муҳтож бўлган хўжаликларнинг тўлов қобилияти паст бўлиб қолиши ҳам бунга сабаб бўлаяпти. Айтайлик, 1997 йилда тракторлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш 97,6 фоизга чиққан бўлса, 1999 йилда бу кўрсаткич 56,4 фоизни ташкил этди. Эҳтиёжнинг бундай паст даражада қондирилиши ҳосил салмоғига ҳам, даромад чўғига ҳам таъсир этмай қолмайди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги кенг миқёсдаги ислохотлар ўз самарасини бера бошлади. Жумладан, рентабеллиги паст ширкатлар ўрнига мамлакат бўйича 100 минг дан ортиқ фермер хўжаликлари барпо этилди<sup>2</sup>. Фермерлар эса ерга ўз мулки сифатида жиддий эътибор бериб, унинг унумдорлигини ошириш тўғрисидаги мунтазам ғамхўрлик қилишмоқда,

---

1. Халқ сўзи, 2012 йил, 10 февраль, 29-сон

2. Халқ сўзи 2005 йил, 18 май

ишлаб чиқаришга янги технологияларни фаол жорий этмоқдалар. Бу ишлар табиийки, фақатгина янги, замонавий қишлоқ хўжалик техникалари ёрдамида амалга оширилади.

Аввалги йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши трактор ва бошқа турдаги машиналар ҳамда асбоб-ускуналар билан марказлаштирилган тартибда таъминланган бўлса, ҳозирги кунда фермерлар керакли қишлоқ хўжалик техникаларини ўзи хоҳлаган ишлаб чиқарувчилардан танлаб олишлари мумкин.

Дехқонлар қишлоқ хўжалик техникаларини кенг миқёсда танлаш имкониятига эга эканлиги янаям мақсадга мувофиқдир. Аммо уларнинг танлаб ва сотиб олган техникалари, ҳақиқатдан ҳам, сифатли, самарадор ва хавфсизми? Улар ишлаб чиқарувчиларнинг реклама ва қизиқтирувчи далилларига чув тушиб қолмаяптиларми? Қолаверса, бу техникалар бизнинг дала шароитимизга мосми? Синаб кўрганми? Негаки тупроқ шароити ҳар жойда турли хил бўлади. Бу эса нафақат минтақаларда, балки битта туман худудида, ҳаттоки хўжаликларда шароит бир хил бўлмаслиги мумкин, деганидир.

Жумладан, Россия ёки Украина шароитида яхши баҳоланган техника ёки ускуна Қорақалпоғистон ва Фарғона водийси шароитида шундай самара беради, деб бўлмайди. Хўш, шундай экан, деҳқонларнинг қишлоқ хўжалик техникаларини тўғри танлаб олишида, унинг сифатлилигини аниқлашда уларга кимлар ёрдам бериш мумкин?

Шундай ёрдамчилардан бири “Ўзагромашсервис” уюшмаси таркибига кирувчи Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ва техника технологияларини синаш ва сертификатлаш давлат маркази (ЎзКТТСДМ) ҳисобланади. Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарорига мувофиқ 1998 йили март ойида ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад республикада ишлаб чиқарилаётган ва хориждан келтирилаётган тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ҳамда асбоб-ускуналарини давлат сертификация, назорат ва мослашув назорати ва бошқа хил синовлардан ўтказиш сифатини тубдан яхшилаш, бу соҳани техника билан жиҳозлаганлик даражасини ошириш, экинларни ўстириш ва ҳосилни йиғиштириш бўйича барча технологик жараёнларни бажаришда машина-трактор паркларининг пухта ишлашини таъминлашдан иборатдир.

Ушбу қарорга асосан, республикамизда ишлаб чиқарилаётган ҳамма турдаги тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналарининг барча намуналари ҳамда хориждан келтирилган техникалар ЎзКТТСДМда мажбурий тартибда (қишлоқ хўжалигида ишлаш ишончилиги ва самарадорлигини текшириб кўриш мақсадида) давлат синовларидан ўтказилади. Бу ерда хориждан келтирилаётган техника синови эса, қоидага кўра, танлов асосида ташкил этилади.

Демакки, ҳар қандай қишлоқ хўжалик техникаси, ким томонидан, қаерда ишлаб чиқарилганлиги ва қаердан келтирилганлигидан қатъий назар, белгиланган тартибда синовдан ўтиши лозим ва синов натижаларига кўра

аниқ тавсиялар қабул қилинади. Ижобий натижа олинган тақдирдагина техникага мувофиқлик сертификати берилади.

Ҳозирги вақтда бу марказ республикамиз миқёсида, юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича фаолият юритувчи ягона давлат ташкилотидир. Марказ асосида “Ўзстандарт” агентлиги томонидан аккредитланган сертификатлаштириш иродаси, синов лабораторияси мавжуд ва улар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ҳамда хориждан келтирилган трактор, қишлоқ хўжалик машиналарини синаш ва сертификатлаш ишлари билан шуғулланади.

Республика далаларида сертификатга эга бўлмаган бирорта трактор, қишлоқ хўжалик машинаси ишлатилмайди ва бирорта ҳам асбоб-ускуналардан фойдаланилмайди. Ушбу қондан бузувчилар қонуний жавобгарликка тортилади.

ЎзКТТСДМ республикамизда техник омилкорликка эга бўлган ягона давлат ташкилоти ҳисобланади. У ҳар хил турдаги қишлоқ хўжалик техникаларини давлат, сертификатлаштириш, назорат ва турли хилдаги синовларни ўтказиш учун керакли бўлган қуйидаги моддий базага ва техник имкониятларга эгадир:

- занжирли ва ғилдиракли қишлоқ хўжалик тракторлари, ўзи юрар шассилар;
- осма ва тиркама қишлоқ хўжалик машиналари;
- ерга чуқур ишлов берадиган ва ер юза қисмига ишлов бериш (омочлар, ерни чуқур юмшаткичлар, борона ва чизеллар) машиналари;
- ҳамма турдаги қишлоқ хўжалик экинларини экувчи, шунингдек ерга минерал ва органик ўғитлар берувчи машиналар;
- қишлоқ хўжалик экинларини йиғиштириш (пахта ва дон йиғувчи комбайнлар, хашак-сомонсимон материаллари ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик ва сабзавот экинларини тўпловчи машиналари);
- юклаш ва тушириш учун ишлатиладиган машиналар;
- тракторли тиркамалар ва яримтиркамалар;
- кичик габаритли тракторларни, мотоблокларни ҳамда кичик габаритли ерга ишлов берувчи ва экиш машиналари.

Қишлоқ хўжалик техникасини синовдан ўтказиш жараёни уларнинг конструкциявий, агротехник, технологик фойдаланиш ва пухталиқ кўрсаткичларини аниқлаш, шунингдек, технологик ишлаш ва машина хавфсизлик кўрсаткичларининг меъёрий ҳужжатлардаги кўрсаткичлари (ҳар бир машина учун давлатлараро ва Ўзбекистон Республикаси стандартлари, техник талаб ва техник шартлар) талабларига таққослаб кўриб чиқилади.

Комлекс илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба ўтказиш нафақат стэнд ёки лаборатория шароитида, балки дала шароитида ишлаш жараёнида ҳам амалга оширилади.

ЎзКТТСДМ таркибида иккита тажриба ўтказиш хўжалиги мавжуд. Улар ишлаб чиқарилган ҳамма турдаги техника ва технологияларни маълум бир тупроқ шароитида синовдан ўтказиш учун майдон (полегон) вазифасини ўтайди. Белгиланган вазифаларни бажариш, яъни кўрсатилган турдаги

синовларни ўтказиш учун марказда ҳамма шарт-шароитлар, жумладан, моддий база, синов ускуналари, ўлчаш воситалари, синов стендлари ва энг асосийси, юқори малакали мутахассислар ҳам бор.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, ЎзКТТСДМ жамоаси кўп йиллик тажрибага эга. Марказ шу пайтгача республикамиз акциядорлик жамиятларида, қўшма корхоналарида (“Кейс”, “Нью Холланд”, “Класс”), хориж фирмалари ва корхоналарида, шу жумладан МДХ давлатларидаги (Олтой, Волгоград ва Харьков) трактор заводлари ва бошқа корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни давлат қабулий, даврий ва сертификатлаш синовларини ўтказган ва ҳозирги кунда ҳам ўтказиб келмоқда.

Кейинги вақтда кўплаб тадбиркор ва фермерлар қишлоқ хўжалик техникаларини сертификатлаш мақсадида марказга мурожаат қилиб келишмоқда. Чунки тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналарнинг мувофиқлик сертификати бўлмаса, улардан фойдаланиш асло мумкин эмас.

Ривожланган хориж давлатлари халқ хўжалигида лизинг хизматининг алоҳида ўрни бор. XX-асрнинг 1940-1950 йилларидан бошлаб Америка Қўшма Штатларида илк бор жорий этилган лизинг хизмати тури айни пайтда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар ушбу хизмат турини жорий этиш масаласини тақоза этди. Кўп маблағ сарфламасдан ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш, замонавий техникага эга бўлиш унинг афзалликларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 30 октябрдаги қарори билан республикамиз қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш ва тармоқ машинасозлигини ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компаниясини ташкил қилди. Компания ўз фаолиятини бошлаган йилидаёқ, яъни 2000 йилда лизинг асосида тармоққа 700 миллион сўм миқдоридаги 471 дона техника етказиб берди<sup>1</sup>.

Тўғриси, ўша пайтда техникага бўлган талабнинг юқорилиги лизинг ҳажмини ошириш заруриятини тақозо қилар эди. Бунинг учун паст фоизли, йирик миқдордаги кредит маблағларини жалб этиш, машинасозлик заводлари билан компания фаолиятини мувофиқлаштириш. Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш, хўжаликларга имтиёзлар бериш зарур эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги Қарори ушбу муаммоларни ҳал этишга қаратилди.

Бу ўтган йиллар лизинг учун шаклланиш, яъни оёққа туриш даври бўлди. Ишни тўла йўлга қўйиш ва лизинг хизматини кенг миқёсда амалиётга киритиш учун бир қанча масалалар босқичма-босқич ҳал этилди. Маълумки, компания республикамиз лизинг бозорида фаолият кўрсатаётган энг катта ташкилотди.

---

1. Халқ сўзи, 2002 йил, 11 апрель, 77-сон

2001 йили компаниянинг жойлардаги 13 та филиали орқали 2339 дона трактор, 100 дона “Кейс-2002” русумли пахта териш машинаси ва 494 дона турли хил техника воситалари ширкат ва фермер хўжаликларига етказиб берилди.

Компаниянинг 2001 йил якуни бўйича молия бозоридаги фаолияти мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўринга эга эканлигини кўрсатди. Биринчидан, қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга бериш соҳаси жорий этилди. Иккинчидан, мулк шаклидан қатъий назар тармоқдаги жамоалар давлатнинг ғамхўрлигини сезишди. Лизинг хизмати жорий этилгач, одамлар иш билан таъминланди ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари ҳам жонланди.

Лизинг компанияси айна пайтда мижозларига берилаётган техника қийматининг 15 фоизини олдиндан тўлашни таклиф қилиб, уларга катта қулайлик яратди. Лекин техниканинг тўлиқ қиймати тўлангунга қадар у компаниянинг мулки ҳисобланади. Шу боис лизингга олинган техникадан самарали фойдаланиш ва унинг тўғри ишлатилишини назорат қилиш нафақат мижознинг, балки компаниянинг ҳам бевосита фаолиятига киради.

Лизинг хизмати фермерлар учун катта имконият яратди. Ҳозир янги тартибда техника олувчиларнинг учдан бир қисмини фермерлар ташкил қилмоқда. Маълумки, илгари фермер бирор-бир техника воситаси учун ширкат хўжалиги ёки МТПга мурожаат қилар эди. Бу унга ортиқча ташвиш келтирар, яъни қўшимча харажат қилишга тўғри келар эди.

Бугун эса ушбу хизмат туфайли ўз машина-трактор паркани тузаётган фермерлар сони ошиб бормоқда. Техникаларнинг лизинг асосида берилиши рақобатнинг кучайишига, хизмат сифатининг яхшиланишига ва етиштирилаётган маҳсулот таннархи пасайишига олиб келади.

“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик компаниясининг Фарғона вилояти филиали 2005 йилнинг бошларида 160 дона турли хил русумдаги қишлоқ хўжалик техникаларини лизинг асосида ширкат ва фермер хўжаликларига олиб келиб берди.

Фарғона вилояти филиали томонидан ўтган йиллар давомида 970 дона турли русумдаги техника воситаларини лизинг асосида ширкат ва фермер хўжаликларига етказиб берилди. Масалан, Ёзёвон туманидаги “М.Шербўтаев” номли ширкат хўжалилари шулар жумласидандир<sup>1</sup>.

Акциядорлик тижорат “Пахта банк”и 1996 йилдан бошлаб тижорат банклари ичида биринчилардан бўлиб ўз тизимида лизинг хизматларини кўрсатиш бўлимини ташкил этди. “Пахтабанк” қишлоқ хўжалик корхоналарининг техника воситалари ва эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжларини ўз капитал ресурслари ҳисобидан қондира бошлади. 2005 йил ва 2006 йил январь-февраль ойларида 2173 та қишлоқ хўжалик техникаси ва эҳтиёт қисмлар харид қилиш учун жами 35,9 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилгани шундан далолат беради.

---

1. Ishonch. 2005 йил, 5 апрел

Ушбу кредитлар ҳисобига Россияда ишлаб чиқарилган 247 дона “ВТ-150”, 137 дона “Т-4А” ва 8 дона дон ўриш комбайни ҳамда республикамиз “Ўзмашхолдинг” холдинг компанияси тизимидаги Тошкент трактор заводида ишлаб чиқарилган 577 дона “ТТЗ”, 729 дона бошқа русумдаги тракторлар, 498 дона культиватор, 36 дона плуг ва 172 дона тиркама, 121 дона “ОВХ” пуркагичлари ва эҳтиёт қисмлар харид қилиниб, қишлоқ хўжалиги корхоналарига фойдаланиш учун берилди<sup>1</sup>.

“Пахтабанк” томонидан, шунингдек, қишлоқ хўжалик корхоналари ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Халқаро молия мусасаларининг кредит линиялари ҳисобидан ҳам техникалар олиб берилмоқда. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққаъла, Андижон вилоятининг Марҳамат, Қашқадарё1 вилоятининг Нишон ва Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманларидаги 218 та қишлоқ хўжалиги корхонаси ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга халқаро тараққиёт ва тикланиш банки маблағлари ҳисобидан республикамизда ва хорижда ишлаб чиқарилган 269 дона қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмлар харид қилиш учун 4,2 миллиард сўм ёки 3,6 миллион АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли кредитлар ажратилди.

Россияда ишлаб чиқарилган 54 дона “ВТ-150”, 3 дона “Т-4А” ва дона дон ўриш комбайни, республикамизда ишлаб чиқарилган 108 дона “ТТЗ-80/1”, 3 дона “ТТЗ-80/10”, 30 дона тиркама, 31 дона культиватор, 36 дона плуг ҳамда эҳтиёт қисмларнинг сотиб олингани бунинг яққол мисолидир.

Шу билан бирга, 2006 йилда Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки ҳамда Осие тараққиёт банки маблағлари ҳисобига Германиядан 7,7 миллион АҚШ долларилек 100 дона “Доминатор-130” русумли дон ўриш комбайнини келтириш юзасидан қишлоқ хўжалиги корхоналари билан “Клаас” компанияси ўртасида шартномалар имзоланди.

“Пахтабанк” 2005 йилнинг ўзида 425 та лизинг олувчига 573 та лизинг объекти белгилаб, 4,9 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилди. Лизинг объектлари таркибида 201 та “ТТЗ” русумли 17 та “ВТ-150” русумли, 18 та дон ўриш комбайни, 100 дона культиватор, 132 дона тиркама, 104 дона “ОВХ” пукагичлари ва бошқа техникалар мавжуд эди. Жумладан, Қашқадарё вилояти деҳқонларига 2005 йили умумий қиймати 2267 миллион сўмлик 176 дона объект лизинг асосида берилди.

“Пахтабанк” маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ўзқишлоқмаш-холдинг” холдинг компанияси корхоналари билан узоқ муддатли келишув асосида битимлар имзолаган. Унга кўра Тошкент трактор заводида ишлаб чиқарилган 3327 миллион сўмлик 173 дона “ТТЗ-80” русумли трактори ва 92 дона тиркама, “Агрегат заводи” АЖда ишлаб чиқарилган 259 миллион сўмлик 183 дона “ОВХ” пуркагачи, “Тошқишлоқмаш” АЖда ишлаб чиқарилган 763 миллион сўмлик 159 дона

---

1. Халқ сўзи. 2006 йил, 24 март

культиватор лизинг асосида қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб берилди<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунга келиб, амалга оширилаётган ислохотлар ушбу соҳанинг таракқий этишига замин яратди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқларининг самарали фаолият юритишини таъминлашда қўл келмоқда. Хусусан, юртимиз ялпи ички маҳсулотида лизинг операциялари улуши йил сайин ўсиб бораётгани ҳамда шу фаолият билан шуғулланадиган молия муассасалари, компаниялар ва кредит уюшмалари кўпаётгани эътиборлидир. 2011 йил апрель ойида иш бошлаган 3-Тошкент Халқаро Лизинг Форуми (ТХЛФ-2011)нинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар шулар хақида таъкидлаб ўтдилар.

2010 йил якунларига кўра, мамлакатимиз лизинг хизматлари бозорида умумий миқдори 430 миллиард сўмликдан ортиқ 5500 дан зиёд битимлар имзоланди. Бу 2009 йилдагига нисбатан 7-8 фоизга кўпдир<sup>2</sup>.

Лизингга берилаётган объектларнинг энг катта улуши қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келмоқда. Ушбу соҳада мазкур тармоқ вакиллари билан имзоланган шартномалар салмоғи 28,7 фоизни ташкил этади. Шунингдек, юк автотранспортига доир битимлар 18,6, кўчмас мулкка доир келишувлар 14,1, ирригация ускуналарига доир келишувлар 9,9 ва йўловчи транспортига доир битимлар эса 9,9 фоизни ташкил этди.

Форум лизинг бизнеси ишбилармонлари учун тажриба алмашиш, мулоқот қилиш ҳамда ҳамкорликни йўлга қўйиш ва алоқаларни мустаҳкамлаш имконини берувчи интерфаол майдонга айланди. 2011 йилда Республикамизда 50 та лизинг компанияси ва 31 та банк ана шу хайрли юмуш билан шуғулланиб келаётир<sup>3</sup>.

---

1. Халқ сўзи. 2006 йил, 24 март.

2. Халқ сўзи. 2011 йил, 29 апрель, 84-сон

3. Халқ сўзи. 2011 йил, 9 июнь, 113-сон



## Хулоса

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги салмоғи саноатдан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди. Совет мустамлакачилиги йилларида юритилган шовинистик ва зўравонлик сиёсати туфайли Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги бир томонлама, фақат пахтачиликка мослаб ривожлантирилди ва мамлакатда пахта якка ҳокимлиги вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллика эришганидан сўнг мамлакат қишлоқ хўжалигини миллий мустақиллик талаблари асосида ҳар томонлама (комплекс) ривожлантириш имкониятини берадиган шарт-шароитларни яратишни кўзлаб туб ислоҳатларни амалга ошириш долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилди. Ўзбекистон аҳолининг менталитети ҳар томонлама ҳисобга олиниб, бозор иқтисодиёти йўли танлаб олинди.

Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб бу соҳага алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ислоҳот йилларида мамлакатимиз парламенти бир қатор қонунларни қабул қилдики, бу қонунлар ҳозирда ҳаётга тадбиқ қилинмоқда. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасида қабул қилган Қарорлари бу соҳанинг ривожланишига катта ҳисса бўлиб кўшилмоқда. Маълумки, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборат.

Бугун халқимиз шуни яхши англаб олдики, ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истиқболимизни режалаш-хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади.

Бунинг учун аввало, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, ишсиз юрганларни ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига жалб қилиш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, шунинг учун юртимизда биринчи навбатда қишлоқ жойларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш тадбиркорлик билан шуғулланиш ишларига кенг ўрин ажратишга кенг эътибор бериб келинмоқда.

Натижада қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, боғдорчилик, чорвачилик ва бошқа соҳалар билан шуғулланувчи янги мулкдорлар жамоаси шаклланимоқда. Уларни ҳуқуқий томондан ҳимоя қилиш учун янгидан-янги қонунлар ишлаб чиқилимоқда.

Қишлоқ жойларида таълим, соғлиқни сақлаш, банк, кредит, сув, газ, электр энергияси ва бошқа соҳаларни яхшилаш ва халққа муносиб яшаш шароитларини яратиш бериш борасида республикамизда қатор ишлар амалга оширилаётганлиги халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилимоқда.

Қишлоқ жойларда фермерлик, таълим, тиббиёт ва бошқа соҳаларда кўплаб кўрик танловларнинг ўтказиб борилиши қишлоқ ҳаётининг тубдан ўзгаришига катта хизмат қилмоқда. Қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш учун хорижий ҳамкорлар билан биргаликда қўшма корхоналар, лизинг, суғурта, банк хизматлари кенг йўлга қўйиб келинаётганлиги бу борада катта ишларга қўл урилганлигини яна бир тасдиқлайди.

# Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## I. Президент асарлари

- I.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўли.-Т., “Ўзбекистон”, 1992 йил.
- I.2. Каримов И.А. Дехқончилик тараққиёти-фаровонлик манбаи. Туркистон. 1994 йил, 19 февраль, 14-сон
- I.3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т., “Ўзбекистон”, 1995, 29-68 б
- I.4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т., “Ўзбекистон”, 1997 йил

## II. Китоблар

- II.1. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи.-Т.2000, 95-б
- II.2. Ўзбекистон тарихи. 11-синф учун дарслик.-Т., “Шарқ” 2004, 141-142, 214-б
- II.3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3 жилдлик. 3-жилд.-Т., “Шарқ”, 2000, 145, 358, 361-б

## III. Журналлар

- III.1. Р.Ҳақимов, М.Юсупов. Давлат хомийлиги зарур. Иқтисод ва ҳисобот. 1996 йил, 6-сон, 48-б

## IV. Газеталар

- IV.1. ISONCH. 2005 йил, 5 апрель
- IV.2. ISONCH. 2005 йил, 18 май, 79-сон
- IV.3. Ма’rifat. 2005 йил, 2 апрель
- IV.4. Ма’rifat. 2011 йил, 16 март, 21-сон
- IV.5. Народное слово. 17 августа, 2011г, №-66
- IV.6. Народное слово. 16 октября, 2011г, №-202
- IV.7. Правда Востока. 9 июня, 2011г, №-111
- IV.8. Правда Востока. 22 июня, 2011г, №-120
- IV.9. Сурхон тонги. 2006 йил, 7 сентябрь
- IV.10. Сурхон тонги. 2006 йил, 7 декабрь
- IV.11. Халқ сўзи. 2000 йил, 7 январь, 5-сон
- IV.12. Халқ сўзи. 2001 йил, 4 декабрь
- IV.13. Халқ сўзи. 2002 йил, 11 апрель, 77-сон
- IV.14. Халқ сўзи. 2002 йил, 14 март
- IV.15. Халқ сўзи. 2003 йил, 15 март
- IV.16. Халқ сўзи. 2003 йил, 13 август
- IV.17. Халқ сўзи. 2003 йил, 14 октябрь, 209-210 сон

- IV.18. Халқ сўзи. 2003 йил, 28 ноябрь  
IV.19. Халқ сўзи. 2003 йил, 27 июнь  
IV.20. Халқ сўзи. 2004 йил, 18 март  
IV.21. Халқ сўзи. 2005 йил, 18 май  
IV.22. Халқ сўзи. 2006 йил, 24 март, 57-сон  
IV.23. Халқ сўзи. 2006 йил, 19 апрель  
IV.24. Халқ сўзи. 2006 йил, 25 август  
IV.25. Халқ сўзи. 2008 йил, 13 июнь, 116-сон  
IV.26. Халқ сўзи. 2009 йил, 29 январь, 22-сон  
IV.27. Халқ сўзи. 2010 йил, 5 март, 45-сон  
IV.28. Халқ сўзи. 2010 йил, 16 октябрь, 201-сон  
IV.29. Халқ сўзи. 2011 йил, 1 апрель, 64-сон  
IV.30. Халқ сўзи. 2011 йил, 7 апрель, 68-сон  
IV.31. Халқ сўзи. 2011 йил, 29 апрель, 84-сон  
IV.32. Халқ сўзи. 2011 йил, 9 июнь, 113-сон  
IV.33. Халқ сўзи. 2011 йил, 14 июнь, 116-сон  
IV.34. Халқ сўзи. 2011 йил, 25 июнь, 124-сон  
IV.35. Халқ сўзи. 2011 йил, 6 июль, 131-сон  
IV.36. Халқ сўзи. 2011 йил, 20 июль, 141-сон  
IV.37. Халқ сўзи. 2011 йил, 17 август, 160-сон  
IV.38. Халқ сўзи. 2012 йил, 5 январь, 3-сон  
IV.39. Халқ сўзи. 2012 йил, 2 февраль, 23-сон  
IV.40. Халқ сўзи. 2012 йил, 10 февраль, 29-сон  
IV.41. Халқ сўзи. 2012 йил, 14 февраль, 30-сон  
IV.42. Халқ сўзи. 2012 йил, 24 февраль, 39-сон  
IV.43. Халқ сўзи. 2012 йил, 3 март, 45-сон  
IV.44. Халқ сўзи. 2012 йил, 13 март, 50-сон  
IV.45. Халқ сўзи. 2012 йил, 14 март, 51-сон  
IV.46. Халқ сўзи. 2012 йил, 29 март, 61-сон  
IV.47. Халқ сўзи. 2012 йил, 11 апрель, 77-сон  
IV.38. Fidokor. 2004 йил, 2 ноябрь  
IV.49. Fidokor. 2005 йил, 3 май, 34-сон  
IV.50. Чағониён. 2011 йил, 4 март, 10-сон  
IV.51. Чағониён. 2012 йил, 6 январь, 2-сон  
IV.52. O'zbekiston ovozi. 2006 йил, 9 ноябрь  
IV.53. O'zbekiston ovozi. 2009 йил, 26 февраль, 25-сон  
IV.54. O'zbekiston ovozi. 2011 йил, 12 апрель, 45-сон  
IV.55. O'zbekiston ovozi. 2011 йил,  
IV.56. O'zbekiston ovozi. 2011 йил, 23 июль, 75-сон  
IV.57. O'zbekiston ovozi. 2011 йил, 28 июль, 89-сон

**Мавзу: Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.**

**Кириш.**

**Муаллифлик аннотацияси**

**Адабиётлар таҳлили**

**I. боб. Иқтисодиётнинг аграр соҳасидаги муҳим ўзгаришлар.**

I.1. §. Қишлоқда туб ислохотларни амалга ошириш зарурати ва унинг ҳуқуқий асослари.

I.2. §. Қишлоқда фермерлик фаолиятининг йўлга қўйилиши.

**II. боб. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ижтимоий ва маданий**

**ҳаётнинг мустақиллик мафқураси асосида ташкил этилиши.**

II.1. §. Мустақиллик йилларида қишлоқ инфратузилмасидаги ўзгаришлар.

II.2. §. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасидаги муҳим ўзгаришлар.

**Хулоса.**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**



**Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Термиз давлат университети**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

**Ҳайитов Тўра Бойсоатович**

**5220200-тарих таълим йўналиши бўйича  
бакалавр даражасини олиш учун  
“Жарқўрғон туманининг иқтисодий, ижтимоий ва  
маданий ривожланиши” (1920 – 1940 йиллар)  
мавзусидаги**

# **Битирув малакавий ИШИ**

**Илмий раҳбар:**

**т.ф.н. А.Тўхтаев**

**Термиз - 2015**

Термиз давлат университети  
Тарих факультети IV-курс талабаси  
Ҳайитов Тўра Бойсоатовичнинг  
“Жарқўрғон туманининг иқтисодий,  
ижтимоий ва маданий  
ривожланиши”(1920 – 1940 йиллар)  
мавзусида бажарган битирув  
малакавий ишига

### **Тавсиянома**

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг 60 фоизга яқини қишлоқларда истиқомат қилади. Юқоридаги маълумотнинг ўзи Ўзбекистон ҳаётида қишлоқ хўжалиги, саноат ва ижтимоий соҳанинг қанчалик муҳим ўрин тутишини тасдиқлайди. Тадқиқотчи Ҳайитов Тўра томонидан ушбу битирув малакавий иши Жарқўрғон туманининг 1920 – 1940 йиллардаги қишлоқ хўжалиги, саноати ҳамда ижтимоий – маънавий ҳаёти тарихига бағишланган бўлиб, унинг даврий чегараси 1920- 1940 йилларни қамраб олган.

Тадқиқотчи томонидан 1920-1940 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муҳим ўзгаришлар, қишлоқда туб ислоҳотларни амалга ошириш зарурияти ва унинг ҳуқуқий асослари, қишлоқда кўп укладли тармоқнинг жорий этилиши, қишлоқ инфратузилмасидаги муҳим ўзгаришлар, қишлоқ хўжалигини замонавий қишлоқ хўжалик машиналари билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишларнинг амалий самараси ва келтириб чиқарган салбий ҳолатлари ҳам ёритиб берилган.

Шунингдек ишда саноат ривожланишида ҳунармандчиликнинг тутган ўрни, тиббиёт соҳасида ҳамда маориф соҳасида бу йилларда туманда амалга оширилган ишлар ва унинг амалий натижалари ҳамда келтириб чиқарган салбий ҳолатларига кенг тўхтаб ўтилган.

Ишнинг ёзилишида тадқиқотчи томонидан жуда кўп манбалардан фойдаланилганлиги ишнинг илмий аҳамиятини янада оширган. Ҳайитов Тўра томонидан бажарилган ушбу битирув малакавий иши Олий таълим талабларига жавоб беради деб ҳисоблайман ва ушбу битирув малакавий ишни ҳимояга тавсия этаман.

Илмий раҳбар:

т.ф.н. Тўхтаев А

Термиз давлат университети  
Тарих факультети IV-курс талабаси  
Ҳайитов Тўра Бойсоатовичнинг  
“Жарқўрғон туманининг иқтисодий,  
ижтимоий ва маданий ривожланиши”  
(1920 – 1940 йиллар) мавзусида бажарган  
битирув  
малакавий ишига

## Тақриз

Ҳайитов Тўра томонидан бажарилган битирув малакавий иши кириш, икки боб, тўрт параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг **биринчи боби** 1920 – 1940 йилларда Жарқўрғон туманининг Совет ҳокимияти йилларида иқтисодий ҳаёти деб номланиб, бу бобда қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат соҳасида туб ислохотларни амалга ошириш борасида Жарқўрғон туманида амалга оширилган ишларга кенг тўхталинган. Қишлоқда жамоа хўжаликларининг тузилиши фаолиятининг жорий қилиниши масалаларига эътибор қаратилган.

**Ишнинг иккинчи боби** Жарқўрғон туманининг Совет ҳокимияти йилларида ижтимоий - маданий ҳаёти деб номланиб бу бобда 1920 -1940 йилларда Жарқўрғон туманида маориф, маданият ва тиббиёт соҳасида амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари ҳақида фикр юритилган.

Ҳайитов Тўра томонидан бажарилган ушбу битирув малакавий иши Олий таълим талабларига жавоб беради деб ҳисоблайман ва ДАК аъзоларидан ишни ижобий баҳолашларини сўрайман.

Илмий тақризчи:

т.ф.н.



Термиз давлат университети  
Тарих факультети IV-курс талабаси  
Ҳайитов Тўра Бойсоатовичнинг  
“Жарқўрғон туманининг иқтисодий,  
ижтимоий ва маданий ривожланиши”  
(1920 – 1940 йиллар) мавзусида бажарган  
битирув  
малакавий ишига

## Тақриз

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида саноатдан сўнг иккинчи ўринни эгаллаган соҳа бу қишлоқ хўжалиги, маориф ҳамда тиббиёт соҳасидир. Ҳайитов Тўра томонидан танланган ушбу битирув малакавий иши мавзуси ана шу томонидан ҳам долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотчи томонидан Жарқўрғон тумани қишлоқ хўжалиги, саноати борасида Собиқ совет ҳокимияти бошқаруви йилларида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши масаласига кенг ўрин берилган. Шунингдек ишда сув, газ, электр ва бошқа инфраструктуралар борасида қишлоқ жойларида олиб борилган ишларга кенг ўрин берилган.

Шунингдек, юртимизда қишлоқ хўжалигини қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш борасида МТС, суғурта, банк ва бошқа инфратузилмаларнинг аҳамиятига тўхталинган. Бу маълумотларнинг барчаси ишнинг илмий салоҳиятини оширишга хизмат қилган.

Ушбу бажарилган битирув малакавий иши Олий таълим талабларига жавоб беради деб ҳисоблайман.

Ташқи тақриз берувчи:

ўқитувчи

Термиз давлат университети тарих факультети битирувчиси Ҳайитов Тўра Бойсоатовичнинг 5220200-тарих йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун “Жарқўрғон туманининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиши” (1920 – 1940 йиллар) мавзусидаги битирув малакавий ишининг муаллифлик **аннотацияси**

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиётида қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутди. Чунки Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизга яқини қишлоқларда истиқомат қилади.

Бугун халқимиз шунини яхши англаб олдики, ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истиқболимизни режалаштириш-хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади.

Бунинг учун аввало, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, ишсиз юрганларни ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига жалб қилиш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, шунинг учун юртимизда биринчи навбатда қишлоқ кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, таълим, соғлиқни сақлаш, банк, кредит, сув, газ ва электр энергияси билан таъминлаш, халққа муносиб ҳаёт тарзини таъминлаб бериш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

#### **Ишнинг мақсади ва вазифалари.**

Ҳозирги тарих фанининг замонавий талабларидан келиб чиқиб, янги тарихий ёндашув асосида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг бугунги аҳоли, қишлоқ хўжалиги борасида юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳаётга кенг тадбиқ қилиниши масалаларини тадқиқ этиш ушбу битирув малакавий ишининг асосий мақсадини ташкил этади. Қўйилган асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда ишни ёзишда умумий вазифалар белгилаб олинди.

#### **Тадқиқот объекти ва предмети.**

Тадқиқот объекти этиб Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини янги босқичга олиб чиқиш, бу борада қишлоқда туб ислохотларни амалга ошириш учун аввало фермер хўжалиқларини жорий этиш, кўп укладли тизимни амалга ошириш, қишлоқда таълим, соғлиқни сақлаш, инфратузилмани тубдан янгилаш ва бошқа соҳаларда мустақиллик йилларида эришилаётган тарихий йўли танлаб олинди.

Тадқиқотда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида эришилаётган барча ютуқлар ва муаммоларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишларни тадқиқ қилиш орқали кенгроқ ёритишга ҳаракат қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдаг янгилик даражаси, амалий аҳамияти ҳамда тадбиғи**-шундан иборатки, қишлоқ хўжалиги

соҳасида амалга ошириладиган ислохотлар ва уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши масалалари илк бор янги маълумотлар асосида ҳолисона ўрганишга ҳаракат қилинди.

Бу мавзуга оид республикамизда кичик-кичик тўпламлар, мақолалар ва рисоалар эълон қилиниб келаётган бўлса-да, яхлит ҳолда битирув малакавий иши тайёрланмаганлиги ҳисобга олиниб, уни яхлит ҳолда илмий-тадқиқот ишлари олиб борувчиларга етказиб бериш мақсадида ушбу ишга қўл урилди.

**Битирув малакавий ишнинг тузилиши ҳамда таркиби.** Ушбу битирув малакавий иши кириш, аннотация, адабиётлар таҳлили, икки боб, тўрт параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**Иқтисодий самарадорлиги.** Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳар йили 5 миллион тоннадан ошиқ мева маҳсулотлари, 6 миллион 800 минг тоннага яқин ғалла, 3 миллион 200 минг тонна яқин пахта толаси, пилла, қорақўл тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан энг юқори даромад олишга эришилмоқда

Бундай ютуқлар қишлоқ соҳасининг хусусий кишилар қўлига ўтказилиши қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ва унинг самарадорлигининг оширилишига катта туртки берди.

**Хулоса ва таклифлар.** Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида кичик ва ўрта бизнесни, ҳунармандчилик, савдо ва маиший хизматларни узлуксиз ташкил қилиш учун узлуксиз энергия билан таъминлаш зарурати юзага келмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қайта ишланишига катта эътибор бериш зарур, хом ашёни узок муддат сақлаб тура оладиган музхоналарни кўпайтириш эҳтиёжи ҳали ҳам бартараф этилгани йўқ. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қиладиган сервис хизматини такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз. Рекламани кучайтириш ҳам самара беради деб ўйлаймиз.

### Адабиётлар таҳлили.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги тарихига доир кўплаб мақола ва тадқиқот ишлари эълон қилинган.<sup>1</sup>

Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги соҳасида янги ташкил қилинаётган кооператив, ширкат, оилавий, фермерлик, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва бошқа кўп тармоқли тизимларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, шу билан бирга парламент томонидан қабул қилинган қатор қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорларнинг мазмун моҳияти очиқ берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг янги тарих марказида тайёрланган китобда<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тарихига ҳам тўхталиб ўтилган. Ушбу китобда қишлоқ хўжалик инфратузилмаси, фермерлик хўжаликларининг жорий этилиши, қишлоқ жойларида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларга кенгроқ ўрин берилган.

Р.Ҳақимов, М.Юсуповларнинг 1996 йил Иқтисод ва ҳисобот журналида эълон қилинган. “Давлат ҳомийлиги зарур” номли мақоласида<sup>3</sup> қишлоқ хўжалиги соҳаси билан шуғулланаётган фермерлар, кооператив хўжаликлар ва бошқа тармоқдаги бошқарув тизимларида албатта давлат ҳомийлиги зарурлигига эътибор қаратганлар.

Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситалари бўлган “Қишлоқ ҳайти”, “Халқ сўзи”, “O’zbekiston ovozi” ва бошқа кўплаб газеталарда ҳам қишлоқ хўжалиги ҳаётига оид кўплаб янгиликлар ёритиб борилмоқдаки булардан ҳам битирув малакавий ишини тайёрлашда кенг фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Мавжуд адабиёт ва тадқиқотлар таҳлили шундан далолат берадики, биз танлаган мавзу янги тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилишини яна бир бор кўрсатиб берди. Муаммонинг ўрганилмаганлигини унинг ҳозирги кунда нафақат мамлакатимиз иқтисодий ва маданий тараққиёти учун, балки илмий-назарий ва амалий аҳамияти ҳам долзарблигини ҳисобга олиб, уни тадқиқот объекти сифатида танладик.

---

1. Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи.-Т. 2000

2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3 жилдлик. 3-жилд.-Т., “Шарқ”, 2000, 145, 358-361 б.

3. Р. Ҳақимов, М.Юсупов. Давлат ҳомийлиги зарур. Иқтисод ва ҳисобот. 1996 йил, 6-сон, 48-б.

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиётида қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутади. Чунки Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизга яқини қишлоқларда истиқомат қилади.

Бугун халқимиз шунини яхши англаб олдики, ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истиқболимизни режалаштириш-хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади.

Бунинг учун аввало, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, ишсиз юрганларни ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига жалб қилиш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, шунинг учун юртимизда биринчи навбатда қишлоқ кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, таълим, соғлиқни сақлаш, банк, кредит, сув, газ ва электр энергияси билан таъминлаш, халққа муносиб ҳаёт тарзини таъминлаб бериш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

**Мавзунинг хронологик кўлами.** Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тарихини ўрганишда 1991 – 2011 йиллар хронологик давр сифатида танлаб олинди. Бундан мақсад Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида эришаётган ютққларини кенг омма аҳлига ва талаба ҳамда ўқувчиларга етказиш масаласи мақсад қилиб қўйилди.

Шунингдек, бу давр ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида юзага келаётган муаммоларга жавоб топиш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Мавзунинг мақсади ва вазифалари.** Бугунги тарих фанининг замонавий талабларидан келиб чиқиб, янги тарихий ёндашув асосида қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хўжалик хусусиятлари, тарихи, маданияти, қадимдан давом этиб келаётган ўзаро алоқаларнинг айниқса мустақиллик йилларида қайтадан тикланишини тадқиқ этиш битирув малакавий ишининг мақсадини ташкил этади.

Қўйилган асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- қишлоқ хўжалигининг узоқ йиллик тарихий тараққиёт босқичини анализ қилиш, орқали муҳим хулосалар чиқариб олиш;
- Қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган ва эришаётган ютуқларнинг сабабларини очиқ бериш ва улардан ўрганиш;
- Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва уни қайта ишлаш соҳасидаги ютуқлари билан танишиш;
- Қишлоқ жойларда таълим тизими соҳасидаги ютуқлар ва уларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши борасида олиб бораётган ишлар билан танишиш;

- Қишлоқ хўжалигининг маданий соҳада қўлга киритаётган ютуқлари билан танишиш ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишда эришилаётган ютуқлар билан танишиш;

- Ўзбекистон ва жаҳон халқларининг мустақиллик йилларида ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйишдаги саъйи-ҳаракатлар ва уларнинг натижалари билан танишиш;

- Хорижий мамлакатлар сармоядорлари амалга ошираётган ишларни кенгроқ ёритиб бориш.

**Мавзунинг манбавий асосини.** Ўзбекистон Республикаси миллий энциклопедияси, Президентнинг қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашувлари, қисқача сиёсий луғатлар, республика оммавий ахборот воситалари материаллари ҳамда илмий мақолалар ва тўпламлар ташкил қилди.

Шунингдек, статистик тўпламлардан, турли даврларда нашр этилган илмий ишлар ва мақолалардан кенг фойдаланилди.

**Мавзунинг илмий янгилиги.** Шундан иборатки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасини ҳолисона ўрганишга ва кенгроқ ёритишга ҳаракат қилинди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг мустақиллик йилларида эришаётган ютуқлари ҳамда бошқа давлатлар билан узоқ йиллик ҳамкорлиги тўғрисида кичик-кичик мақолалар, эсдаликлар ва рисоалар эълон қилинган бўлса-да, яхлит ҳолда битирув малакавий иши тайёрланмаганлиги ҳисобга олиниб, ўзаро ҳамкорликни янгидан ривожлантириш сари дадил қадам қўйилаётганлигини ва муваффақиятларга эришиб борилаётганлигини кенгроқ ёритиб бериш мақсадида ушбу битирув малакавий иши мавзусига қўл урилди.

**Мавзунинг тузилиши.** Ушбу битирув малакавий иши кириш, аннотация, адабиётлар таҳлили, икки боб, тўрт параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**Мавзу: Жарқўрғон туманининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиши” (1920 – 1940 йиллар)**

**Кириш.**

**Муаллифлик аннотацияси**

**Адабиётлар таҳлили**

**I- боб. Жарқўрғон туманининг Совет ҳокимияти йилларида иқтисодий ҳаёти.**

**I. 1. §. 1920-1940 йилларда Жарқўрғон қишлоқ хўжалиги.**

**I.2. §. Жарқўрғонда саноат қурилиши ва уни амалга ошириш муаммолари (1920 -1940 йиллар).**

**II- боб. Жарқўрғон туманининг Совет ҳокимияти йилларида ижтимоий - маданий ҳаёти.**

**II.1. §. Жарқўрғон халқ маорифи тараққиёти соҳасида эришилган ютуқлар ва муаммолар (1920-1940 йиллар).**

**II.2. §. жарқўрғон тиббиёти тарихи ва унинг асосчилари (1920-1980 йиллар)**

**II.2. §. Жарқўрғон туманида маданий соҳада эришилган ютуқлар ва муаммолар (1920-1940 йиллар).**

**Хулоса.**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

## **I- боб. Жарқўрғон туманининг Совет ҳокимияти йилларида иқтисодий ҳаёти.**

### **I. 1§. 1920-1940 йилларда Жарқўрғон қишлоқ хўжалиги.**

Большевиклар октябрь тўнтаришидан сўнг ҳокимиятни қўлга киритгач, ҳақиқий халқ ҳокимияти ва чинакам демократия ҳукмронлик қиладиган жамиятни барпо этишни ваъда қилган эдилар. Бу жамият кенг халқ оммасининг эҳтиёжларини қондириши, унинг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим эди.

Тарих тажрибасининг далолат беришича, халқ ҳокимияти ғояси бир гуруҳ инқилобий ҳаёлпарастларнинг ўйлаб чиқарган нарсаси эмас, балки мазлум «қуйи» табақаларнинг одамни одам эксплуатация қилмайдиган, инсоннинг эркин камол топиши учун ижтимоий адолат тантана қиладиган ва тенг имкониятлар мавжуд бўладиган ижтимоий тузумни кўп асрлардан буён орзу қилиб келган интилишининг якунидир.

Халқ ҳокимияти бу ўзини-ўзи идора қиладиган давлат бўлиб, унда ҳар бир кишининг эркинлик даражаси бошқарувда бевосита ёки вакиллик йўли билан иштирок этиши билан белгиланади. Халқ ҳокимияти бу маданиятли демократиянинг базали негизини ташкил этади, афсуски, большевиклар марксча назарий қоидаларга амал қилиб, илғор халқ ҳокимияти ғояларини ҳалокатли, мустабид тузумни барпо этишнинг мафкуравий қуролига айлантирдилар.

Бухоро амирлиги даврида катта ҳарбий, иқтисодий, сиёсий мавқега эга бўлган Сурхон воҳасини советлар ҳукумати ўз қўлида маҳкам сақлаб қолишга жиддий киришди. У оддий меҳнаткаш халқни зудлик билан ўз томонига ағдариб олиш мақсадида халққа бепул, ўйлаганидан ортиқча мулк ваъда қилиб, ишлаб чиқариш қуролига эга бўлмаган, ҳуқуқий тушунчаси йўқ, сиёсий билимларни етарли эгаллаб олмаган халқни ўз сиёсати чегарасига киритиб олди.

Натижада совет ҳукумати миллий хусусиятларни чуқур ўрганиб, ички зиддиятлардан фойдаланишга, қариндош-уруғларни, миллий этник



гурухларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга ҳаракат қилди. Бундан сиёсий манфаатлар йўлида усталик билан фойдаланди. Миллатнинг фахри бўлган олиму фозиллар, йирик маҳаллий бойлар, ўткир зеҳнли дин вакиллари, маҳаллий халқ ўртасида ишбилармон, иш бошқарувчиликда катта обрўга эга бўлган нуфузли одамларни сиёсий ҳаёт йўналишидан олиб ташлаш ва йўқотишга жиддий киришди.

Бу сиёсат туфайли 1920-йилларда воҳанинг минглаб аҳолиси қаттиқ сиқув остига олинди, бир қисми қатағонлик сиёсати билан сургун қилиниб, иккинчи қисми эса қириб ташланди. Халқнинг асосий қисми эса қурук ваъдалар таъсири остида советларнинг нотўғри сиёсатига эргашиб кетди.

Собиқ совет ҳукумати ўзининг дастлабки кунлариданоқ қишлоқ хўжалигини янгича ташкил қилиш изидан бора бошлади. Бунинг учун совет ҳукумати тортиб олинган мол-мулк, экин майдонларининг бир қисмини халққа бепул тарқатиб, маълум бир қисм оммани ўз сиёсатига йўналтирди.

1924 йилнинг 12 июлида ВКП (б) Марказий Комитетининг “Ўрта Осиё Республикаларида миллий чегараланиш ўтказиш тўғрисида”ги қарори асосида Сурхондарё Ўзбекистон ССРнинг Бухоро вилояти таркибига округ сифатида киритилди. Орадан икки йил ўтгач, яъни 1926 йилнинг 29 сентябрида бошқа туманлар қатори Жарқўрғон тумани ҳам ташкил топиб, 1926 йил Сурхондарё воҳасида 186433 нафар аҳоли, Жарқўрғон туманида эса 21387 нафар аҳоли истиқомат қилар эди.<sup>1</sup>

Жарқўрғон ҳудудига Сурхондарёнинг икки қирғоғидаги воҳа ва паст текислик зоналари киритилди, шунингдек, Жарқўрғон паст текислик зонаси ҳам киритилди. Сурхон воҳаси қишлоқларида ер-сув ислоҳоти ниҳоят даражада оғир - синфий кураш таъсирида бўлиб маҳаллий аҳоли ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли халқ хўжалиги катта зарар кўрди. Жарқўрғон туманидаги қишлоқларда бойларнинг мол-мулкини тортиб олиш ёки ер эгалари томонидан хўжаликларнинг мол-мулкини йўқотиш кучайди.

1925-1926 йилларда Сурхондарё округида олти мелиоратив, Оққўрғон,

Дашнобод, Шоқишлоқ, Ҳазорбоғ, Жарқўрғон ҳамда Қорлиқ ширкатлари ташкил этилди ва ушбу ширкатлар жамоалаштиришнинг бошланғич палласини ташкил этди.

1926 йилда Жарқўрғон «Мелиоратив ўртоқлик уюшмаси»нинг кучи билан Занг каналининг бош қисмини тиклаш бўйича анча ишлар амалга оширилиб, 800 гектар янги ер ўзлаштирилди. Шунингдек, Сурхондарё бўйидаги Жалоир ва Оқтепа ариқлари ҳамда Жарқўрғон - Занг тўғони қурилиб ишга туширилди.

Мавжуд мелиоратив хўжаликлар ва «Қўшчи уюшмаси» томонидан Жарқўрғон колхозларни ташкил этишга жиддий киришилди. 1926 йилда Жарқўрғонда дастлабки қишлоқ хўжалик артели тузилди. Совет ҳукумати томонидан амалга оширилган ер-сув ислоҳоти маҳаллий аҳолининг жиддий қаршилигига дуч келди. 1929 йилдан эътиборан, жамоалаштиришни зўравонлик асосида яъни сунъий тарзда тезлаштириш бошланди.

Бунга И.В.Сталиннинг 1929 йил 7 ноябр куни «Правда» газетасида эълон қилинган «Буюк бурилиш йили» мақоласи сабаб бўлди. Шундан сўнг янги ерларни ўзлаштириш, сунъий суғориш тизимини кенгайтириб, янги суғориш иншоотларини ишга тушириш соҳасида маълум тадбирлар амалга оширилди.

Чунки Совет ҳукумати пахтага бўлган талабини қондириш мақсадида жиддий ёндошиб, янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш иншоотларини қуриш зарур эканлигини англаб етган эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда суғориш ишларини ривожлантириш мақсадида қуйидаги аниқ вазифалар ва тадбирлар ишлаб чиқилди:

Дастлабки хўжаликлар 1926 йилда тузилиб, “Қўшчи” иттифоқига деҳқонлар бирлаша бошлади.

1928 йилда Жарқўрғонда ташкил топган “Минор”, “Янги куч” ва “Намуна” колхозлари ихтиёрида 4 та қўш хўкиз, 4 та ёғоч омов, 4 та темир тишли омов, 18 кетмон, 15 та бел, 8 та ўроқ бор эди. “Минор” артелига маҳаллий бойлардан ҳисобланган Чўнг аминнинг 200 гектардан ортиқ ери, 30

та оти, 50 дан ортиқ қора моли ва бир неча отар майда моли ўтказилди. Бу кичик колхозлар ўрнида кейин ягона “Коммунизм” колхози ташкил этилди.

Жарқўрғондаги Гарангтўқай, Оққўрғон ва Заркамар ботқоқликлари ўзлаштирилиб, янги майдонларда деҳқон хўжаликлари ташкил этилди. Қақайди канали қайта таъмирланиб, 20 м<sup>3</sup>сек.сув ўтказиш имкониятига эга булди.

Собиқ совет ҳукуматининг ерларини жамоа ихтиёрига ўтказиш ташаббуси туфайли шахсий ва хусусий ер эгаллиги тугатилиб, оммавий жамоа хўжаликларини тузиш кучайтирилди. Сурхондарёдаги жами деҳқон хўжаликларига 1926-1928 йилларда совет ҳукумати 1702 минг сўм микдорида пул ажратиб, 1927 йили 130 та хўжалик учун янги ерларни ўзлаштиришга мўлжалланган Қизириқ ва Занг каналлари қурилишига 41450 сўм пул сарфланди.<sup>2</sup>

Деҳқонларга қишлоқ хўжалигини чуқур билиб олишга кўмаклашиш, ҳосилдорликни кўтариш, ерларнинг ҳолатини яхшилаш, экин турларини кўпайтириш, суғориш иншоотларини кўпроқ қуриш, ерларнинг шўрланишининг олдини олиш мақсадида, 1926 йил 1 апрелдан бошлаб Жарқўрғон туманида агроҳудуд бўлимлари вужудга келтирилди.

Жарқўрғон тумани ташкил этилган дастлабки йилларда бутун ўлкада ер-сув ислоҳоти, жамоалаштириш амалга оширилаётган эди. Жарқўрғонда ҳам дастлабки қишлоқ хўжалик коммуналари артеллар, “Қўшчи” уюшмалари тузилди.

Жамоалаштириш натижасида “Меҳнат роҳат”, “Чегаралик”, “Янги усул”, “Қизил соқчи”, “Чинобод”, “Маданият”, “Иттифоқ”, “Ижтимоят”, “Ёш куч”, “Деҳқон иттифоқ” ҳамда “Кооператив” номли кичик-кичик колхозлар тузилди. 1930 -йилларнинг ўрталарига келиб, туман ипак пахта етиштириб берувчи ҳудудга айлантирилди.

Пахта етиштириш, хусусан, ипак пахта майдонларини кенгайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин. Натижада кўплаб ер эгалари мажбурий тортиб олиш сиёсатидан

кўрқиб, ўз мол-мулкини совет давлатига топширди ҳамда совет ҳукумати хизматига ўтди. Лекин, 1926 йилдан бошланган сталинча социализм куриш бошқа жойларда бўлгани каби Жарқўрғон туманида ҳам оғир кечди.

Маҳаллий миллатнинг кўплаб фаол кишилари камокқа олиниб, тухмат йўли билан қириб ташланди ёки қийноқ остига олиниб бошқа жойларга сургун қилинди. Сурхондарё округи Жарқўрғон тумани молия бўлими томонидан 1930 йил март ойида 134 та хўжалик «қулоқ» сифатида рўйхатга олинди.

Бу хўжаликлар ичида йиллик даромади 150 сўм бўлган ва тўлайдиган солиқ миқдори 1 сўм 89 тийин бўлган хўжаликлар ҳам бор эди. Бундай ҳолат сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар рўйхатида ҳам мавжуд эди. Юқорида қайд этганимиз каби бу сиёсат кўплаб бегуноҳ кишиларнинг хонавайрон бўлишига, эркинлигининг бутунлай йўқолишига олиб келди.

Маҳаллий деҳқончиликни яхши биладиган тадбиркор кишилар, мироблар ва ҳисобчилар жамоа хўжаликларини тузиш даврида халқ душмани сифатида қувғин қилинди. 1929 йили хўжаликларни оммавий тузиш таъсирида йирик ер эгалари ихтиёридан воҳамизда 8995 гектар суғориладиган, 8049 гектар лалми ерлар, 646 от, 845 хўкиз ва кўплаб қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари тортиб олинди.

Бу олинган нарсалар 4382 нафар ерсиз ва кам ерли камбағал деҳқонларга тақсимланди, округдаги 10,1 фоиз деҳқон хўжаликларига 11107 гектар суғориладиган, 4097 гектар лалми ерлар ва 1357 бош ишчи, ҳайвонларнинг барчаси бўлиб берилди.

1928 йил баҳор кунларининг бирида Гулҳовуз, Зартепа, Оқтепа, Қаришоҳ ва Ғур-ғур қишлоқлари аҳолисини йиғиб мажлис ўтказилди. Йиғилишда "Минор" артели тузилди. 1928 йил ёзида Қаришоҳ, Оқтепа, Кўртўқай, Зартепа ва Ғур-ғур қишлоқларида ҳам ана шундай артеллар тузилиб, уларга «Янги куч», «Соқчи», «Гулистон» ва «Намуна» деб ном берилди.

Оддий деҳқонлардан Жума Тўхлиев, Қурбон Маматқулов, Чори

Туропов, Хўжаёр Худойбердиев ҳамда Турдимурод Ортиқовлар артеллар раисликларига сайландилар. Ўшанда ҳар бир артел ҳисобида 120-150 гектардан ер бўлиб, асосан бу ерда пахта экилар эди. 1929 йил «Қишлоқ хўжалик иттифоқи» («Сельхозсоюз») давлат ташкилоти томонидан берилган олти - етти дона тракторлар «Қизил аскар отряди» номидаги гуруҳга бирлашиб, биринчи бор артеллар даласини хайдаб берди.

1928-1929 йиллар бошларида Бозор Қақайди қишлоқ кенгаши тузилди. Қишлоқ кенгашига дастлаб Норбой Музропов, кейинроқ Норхол Шукурова сайланди. Шу йиллар ичида мазкур қишлоқ кенгашига қарашли қишлоқларда «Қизил Юлдуз», «МОПР», «Й. Охунбобоев», «Куйбишев», «Қизил Қахрамон», «Пахтаобод» ва «Иттифоқ» номи жамоа хўжаликлари давлат ёрдамида қишлоқ-хўжалик ускуналари сотиб ола бошладилар.

1928 йили май ойида тумандан Салмонов деган вакил келиб артел тузиш ҳақида мажлис ўтказди. Чангоёқ қишлоғи деҳқонларининг умумий йиғилишида беш кишидан иборат артель бошқармаси ва ушбу бошқарма раиси этиб Ҳожи Тоғайназаров сайланди. Қишлоқ хўжалик артелининг низоми (устави) ҳам қабул қилинди. Хўжаликка ҳамма ютуқ ва ғалаба иттифоқлик орқали келади деган мақсадда «Иттифоқ» деб ном берилди. Артелга йигирма бешта хўжалик аъзо бўлиб кирди.

1929 йил айниқса кўплаб жамоа хўжаликлари ташкил топган йил сифатида тарихда қолди. Шу йили Лойканд қишлоғида «Социализм» жамоа хўжалиги (колхоз) тузилиб, унга Тоғаймурод Раҳматуллаев, "Карл Маркс" хўжалигига Тоғаймурод Райимов раис этиб сайланди. Жарқўрғоннинг катта Жинжак қишлоғида «Ўзбекистон» номи жамоа хўжалиги тузилиб Аликул Жонназаров унга раис қилиб тайинланди.

1929 йилнинг март ойида Юқори ва Қуйи Оққўрғон қишлоқларининг деҳқонлари бирлашиб жамоа хўжалиги туздилар ва унга «Миллий уйғониш» деб ном берилди. Унга Исмоил Исматов раис қилиб сайланди. Одина Аллашукуров, Ҳасан Тошқулов ва бошқалар биринчилар қаторида ана шу жамоа хўжалигига аъзо бўлиб кирдилар.

Жамоа хўжалигининг 100 гектарга яқин ери бўлиб, у ерда тўртта бригада ташкил қилинди ва бу ерларда пахта ва буғдой экинлари экила бошланди. 1929 йили Қорақурсоқ қишлоғида эса тўрт хўжалик «Кооператив», « Серҳаракат», “Туман” ва “Янги усул” номли жамоа хўжаликлари ташкил этилди.

Бу илк хўжаликларнинг биринчи раислари Бобо Эшназаров. Худойшукур Абдурахмонов. Чори Нурматов кабилар эдилар. Ўша йили «Кооператив» жамоа хўжалигининг 160 гектар ер майдони бўлиб, шундан 110 гектарида пахта етиштирилди.

1929 йили Жарқўрғоннинг Кўртўқай қишлоғида ҳам жамоа хўжалиги ташкил этилди. Хўжалик дастлаб йигирма икки оиладан иборат бўлиб, унда саксон саккиз нафар жамоа аъзолари бор эди. Уларда 6 бош от, 200 бош қўй-эчки, 26 та эшак, 28та сигир мавжуд эди.

Хўжаликда 2 та омов, 26 та белкурак, 28 та ўроқ ва кетмон билан 35 гектар суғориладиган ерга ишлов берилди. 1929 йили Кўртўқай қишлоғи деҳқонлари йиғилишида «Батрак» хўжалиги тузилиб, унга Искандар Жўраев раис бўлди. Хўжаликка 5 гектар обикор ер ,18 бош от, 12 бош хўкиз 22 та омов, 150 бош қўй ва эчкилар ажратиб берилди.

1930 йилда хўжаликнинг номи «Меҳнат-роҳат» деб ўзгартирилди. Хўжаликда 110 гектар ерга пахта, 7 гектар ерга беда, 4 гектар ерга эса дон экилди. 1933 йили хўжаликка раис этиб Норали Боймуродов сайланди. Хўжалик иқтисодий жиҳатдан кучли ривожланиб, Е.Я.Чикилдин, С.М.Твинлар хўжаликда агроном бўлиб ишладилар.

Ҳосилдорликнинг ошишида Юнус Маматқулов бошчилигидаги МТС бригадаси ва унга қарашли СХТЗ маркали ғилдиракли учта трактор, битта «Универсал» тракторининг хизмати катта бўлди.

XX - асрнинг 30-йилларида Жарқўрғон туманига қарашли ерларни суғорадиган Занг каналини қайта қуришдек йирик ирригация тадбирлари амалга оширилиб, Жарқўрғон туманида ҳам «Оқ-Қопчиғай» номли дастлабки давлат хўжалиги ташкил этилди.

Ўзбекистон КП (Б) Марказий Қўмитасининг 1930 йил 28 январь ҳамда 18 февралда қабул қилган «Жамоа хўжаликларини оммавий тарзда тузиш тўғрисида»ги қарори асосида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Жарқўрғон ва Денов туманларида жамоа хўжаликларини тузиш, бу соҳада бўлаётган кийинчиликларни бутунлай тугатиш, чекка жойларда сақланиб қолган ер эгаллигига яқун яшаш каби масалалар ўз вақтида ҳал қилиб борилди.

Қишлоқ хўжалигида 1930 йилга келиб туманда 64 та жамоа хўжаликлари фаолият юргизди. Биринчи марта ингичка толали пахта 1932 йилда экилди. Ўшанда 28,5 гектарга бундай пахта экилиб 63 тонна ҳосил олишга эришилди.

Бундан ташқари Жарқўрғон туманида 72 та йирик бой хўжалиги рўйхатдан ўтказилиб, мол мулки тортиб олинди, ўзлари сургун ва қувғин қилинди. 1931 йилга келганда кўпгина қулоқ хўжаликлари катта миқдордаги қишлоқ хўжалик солиқларини тўлаш ва турли мажбуриятларни бажаришга қурби етмай хўжаликларини ташлаб қочиб кета бошладилар.

1931 йил февраль ойида Ўз ССР Молия Халқ комиссарлигининг махсус бригадаси Қашқадарё ва Сурхондарё округларида текширув ўтказганида бу округдаги туманларда рўйхатга олинган «қулоқ» хўжаликларининг кўпчилиги Тожикистон Республикасига қочиб ўтиб кетганлиги аниқланган. Бу округларда катта миқдорда тўланмаган солиқ суммаси вужудга келган.

Шу боис Молия Халқ комиссарлиги қочқинликда юрган қулоқларни тутиб келтириш ва маъмурий жавобгарликка тортиш масаласи юзасидан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) га махсус мурожаатнома юборган эди.

Бу ички сиёсатдан ташқари яна марказда ВКП (Б) Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси 1931 йил 20 июнда Ўрта Осиёдан қулоқларни кўчириш тўғрисида қарор қабул қилди ва қулоқлар бўйича комиссия раиси СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ўринбосари А.А.Андреев тақдим этган қарорни ҳам тасдиқлади.

Унда. а) Ўртоқ Бауманнинг (Бауман К.Я.-ВКП(б) МҚ, Ўрта Осиё

бюросининг биринчи котиби (1931-1934 йиллар) Ўрта Осиёдан олти минг кулоқ хўжалигини кўчириб, ундан уч мингини Украина худудига, уч мингини эса Шимолий Кавказга кўчириш ҳақида С.Косиор (Косиор С.В.-ВКП(б) Украина Марказий Қўмитасининг биринчи котиби (1928-1938 йй) ва Шеболдаев (Шеболдаев Б.П.-Шимолий Кавказ ўлка партия қўмитасининг биринчи котиби (1931-1934 йй) лар билан келишилган таклифи маъқуллансин.

Б) Бу кулоқ хўжаликларини Украина ва Шимолий Кавказга жойлаштириш ўртоқ Евдокимов (Евдокимов Е.Г.-ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича ваколатли вакили (1931 йил) га топширилсин» дейилган. Ушбу қарор асосида Ягода ва Евдокимовлар Тошкентга ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги вакили Матсонга телеграмма йўллаб, телеграммада сургун қилинаётган ҳар бир оилада меҳнатга яроқли киши, оила бошлиғи бўлиши шарт қилиб кўйилди.

Сургун қилинаётган ҳар бир оила камида уч ойлик озиқ-овқат захираларини, қишлоқ кийимларини, уй-хўжалик анжомларини ўзи билан бирга олишлари, меҳнатга яроқли кулоқлар қочиб кетмасликларининг олдини олиш учун ГПУ ходимлари бундайларни олдиндан, тахминан аниқлаб, уларнинг ижтимоий аҳволини пухта текшириб чиқишлари телеграммада кўрсатиб ўтилган эди. Ушбу директивани бажариш шахсан Г.П.Матсон зиммасига юклатилди.<sup>3</sup>

Натижада Москванинг Ўрта Осиё Бюросининг кўрсатма ва талаблари асосида Ўзбекистон КП(б) Марказий Қўмитаси прокуратура ва ГПУ билан биргаликда республика бўйича кулоқ қилиш, сургун қилиш бўйича йигирма кишидан иборат, 6 августда эса беш кишидан иборат ўз вакилларини тасдиқлаб, уларни махсус йўриқнома билан жойларга юборди.

1931 йил 23 август соат ўнгача Жарқўрғон туманида 50 та кулоқ хўжаликлари қўлга олинди. Хуллас, 1931 йил августдаги операция натижасида Термиз оператив сектори (Жарқўрғон, Сариосиё ва Денов туманлари) бўйича 100 хўжалик (482 жон) Ўзбекистон Республикаси бўйича



жами 3795 та хўжалик (17839 жон), Ўрта Осиё бўйича эса 5681 та хўжалик (27745 жон) кулоқ қилиниб Шимолий Кавказга сургун қилинди.<sup>4</sup>

Кулоқларни сургун қилиш, қамоққа олиш 1932 йилда ҳам давом этди. Ўша йили Сариосиё туманидан 110 нафар, Денов туманидан 162, Паттакесардан 27 нафар, Жарқўрғон туманидан 15 хўжалик, Шерободдан эса 86 та хўжалик Шимолий Кавказга сургун қилинди.<sup>5</sup>

Ўзбекистонлик кўчирилганлар Шимолий Кавказда асосан ғаллачилик, пахтачилик ва қўйчилик билан машғул бўлдилар. Улар 1934 йилгача ўша ерда яшаётганларида СССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1934 йил 27 майдаги «Меҳнат кўчкиндиларининг фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида» ги Қарорининг чиқиши натижасида кўплаб меҳнат кўчкиндилари озод қилиниб, ўзларининг аввалги доимий яшаш жойларига қайтиб кела бошладилар.

1934 йил 1 ноябрига қадар Шимолий Кавказ ўлкасидаги 1698 нафар меҳнат кўчкиндиларининг ҳуқуқи тикланиб, улардан 399 киши меҳнат посёлкасида қолиб, қолганлари ўзларининг аввалги яшаш жойларига қайтиб келдилар. Аммо озод қилиш жараёни кўп ўтмай тўхтаб қолди. Фақат сургун қилинганлар собиқ «кулоқ» ларнинг бир қисми 1944 йилда, аксари қисми эса 1945-1946 йиллардагина ўз она юртларига қайтиб келдилар.

1930 йили Жарқўрғоннинг Тўпқора участкасида «Хўжалик», «Бирлик», «Пўлат» ва «Шарқ» номли жамоа хўжаликлари бирлаштирилди. 1930 йилга келиб Бозор Какайди қишлоқ кенгашига қарашли «Қизил юлдуз» ва «Қизил Қаҳрамон» жамоа хўжаликлари ҳам бирлаштирилиб «Қизил юлдуз» жамоа хўжалиги деб ном берилди.

1931 йили «Қизил юлдуз» номли жамоа хўжалигида яна иккита жамоа хўжалиги янгидан ташкил этилди. Раисликка Сайфи Мардаев, қишлоқ кенгаши раислигига Тошпўлат Ойназаров сайланди. Жамоа хўжалигида иккита бригада тузилди.

1930 йил кузигача Жарқўрғон туманидаги 36 та жамоа хўжалигида 2435 хўжалик бўлган бўлса, кузда яна кўшимча 1548 хўжаликни ўзига

бирлаштирган 28 та жамоа хўжалиги тузилиб, тумандаги жамаи деҳқон хўжаликларининг 69,4 фоизини ўзига жалб этди. Вилоятимизда ингичка толали пахта биринчи марта 1932 йилда Жарқўрғон туманида 281,5 гектар ерга экилиб, шу йили 63 тонна ҳосил олинди.

Ўзбекистонда олти МТС (Машина Трактор Станцияси) 1930 йилда тузилган бўлиб, шунинг биттаси Сариосиё туманида ташкил этилди. 1933 йилга келиб Сурхондарёда ўртача бир МТС ихтиёрига 56 та трактор тўғри келди.

Совет давлати қишлоқ хўжалигининг моддий-техникавий таъминотини яхшилаш мақсадида қатор амалий ишларни бажариб механизатор мутахассисларни тайёрлашни кўпайтириш, олий ва ўрта маълумотли муҳандис ходимларни етказиб бериш ва уларнинг илм олишларига алоҳида эътибор берилди.

Айниқса, жамоа хўжаликларига техникавий ёрдамни кучайтириш кун тартибидаги муҳим масала қилиб қўйилди. 1932 йилда Жарқўрғонда МТС ташкил қилинди. Туман марказида жамоа хўжаликларининг раҳбар ва аъзоларидан кадрлар тайёрлаш ва тарбиялашга катта эътибор берилди. Жамоа хўжаликларида кўпгина кишилар МТСда очилган курсларда ўқидилар.

«Пахтаобод» жамоа хўжалигидан А.Қурбонов, С.Зиёев, «Бауман» номли жамоа хўжалигидан Қ. Ойназаров, Р.Тўраев, С.Йўлдошев, Х.Тўраев, Х.Эрназаров, А.Мамаюсупов, Т.Ойназаров ва И.Бакировлар Жарқўрғон МТСи ҳузуридаги ун ойлик курсда ўқишиб, агроном ҳисобчи, иқтисодчи ва тракторчи мутахассисликларини эгаллашиб ўзлари яшаётган қишлоқларига қайтдилар.

Н. Алиқулов, Эрназаров, Пирназаров ва Б. Эсонқуловлар эса Москва шаҳрига олти ойлик курсларга ўқишга жўнатилди. Бу соҳада кўшни «Қизил юлдуз», «МОПР», «Меҳнат-роҳат», «Тельман» ва «Охунбобоев» номли жамоа хўжаликларида ҳам ана шундай ибратли ишлар амалга оширилди.

Жарқўрғон МТСида ташкил қилинган қисқа муддатли тракторчилар курсини собиқ «Партия XXII съезди» жамоа хўжалигидан Узоқ Жумаев, Аваз Абдурахмонов, Абдурасул Мамарасулов кабилар ҳам тугатдилар. Қишлоққа МТСдан тракторни Бурков деган рус йигити бошқариб келди.

У кишлоқ аҳлига анчагина ерни ағдариб кўрсатгач, туман МТСида ўқиб таълим олиб келган Узоқ Жумаевга топширди. 1933 йилга келиб, деҳқонлар талабига кўра хўжалик яна қайта бўлинди. «Большевик», «Маданият» ва «Имконият» номли жамоа хўжаликлари қайта тикланиб, мустақил фаолият юрита бошлади.

1933 йилнинг охирига келиб, Жарқўрғон туманида мавжуд 6511 деҳқон хўжалигидан 4206 нафари жамоа хўжаликларига аъзо бўлиб кирди. Туманда жамоалаштириш ишлари 64,6 фоизни ташкил қилди. Бу юқоридаги рақамлар жамоа тузумининг сунъий тарзда тезлаштирилишидан дарак берар эди.

Давлат бу жамоа хўжаликларига ҳар томонлама ёрдам бериб турди. Чигит экишни юз фоиз уддалаган жамоага нормадан ташқари дон, ёғ, чой, қанд, гуруч ва бошқа маҳсулотлардан бериб борилди.

Бу эса жамоа тузумининг мустақамланишида катта аҳамиятга эга бўлди. 1933 йилга келиб «Большевик» жамоа хўжалигига жами 60 хўжалик бирлашган бўлиб, кўпроқ майдонда пахта етиштирилди. Жамоада ферма ташкил этилди.

Жамоа ерлари хўкиз ва отларга қўшилган омочлар ҳамда МТС тракторлари ёрдамида ҳайдалди. Араваларда маҳаллий ўғитлар чиқарилди. Натижада ўша йили давлатга ғалла топшириш режалари ошиғи билан бажарилди.

1935 йилда «Бауман» номли жамоа хўжалиги ҳаётида ҳам муҳим янгилик рўй берди. Шу йили биринчи марта «ХТЗ», «ЧТЗ» ва «Универсал» номли тракторлар бу жамоа хўжалигига олиб келинди.

Бу тракторларни жамоа хўжалигининг тракторчилари яъни жамоанинг биринчи қалдирғочлари бўлган Олтибой Кунаров, Ихтиёр Фармонов, Ортик Исмоилов, Абдувоҳид Болтаев ва Холиқ Йўлдошевлар бошқардилар. 1937

йилда «Қизил Юлдуз» жамоа хўжалигига пахтачилик устаси, бригада бошлиғи Тошпўлат Ойназаров раис, Абдулла Мамаюсупов бошланғич партия ташкилотининг котиби (секретари) қилиб сайланди.

Жамоа хўжалиги ихтиёрида 1480 гектар ер бўлиб, шундан 75 гектарида пахта, 50 гектарида ғалла, 48 гектарида беда, 4 гектар ерда полиз маҳсулотлари етиштирилди. 8 гектар ерда боғ барпо қилинди. Жамоа хўжалиги шу йили ҳар гектар ердан 10-12 центнердан пахта ҳосили олиб, давлатга топширди.

Шунингдек, 12 центнер ғалла, 2 тонна гўшт, 3 тонна сут, 1,5 тонна жун, 200 дона тухум етказиб бериб йиллик режани бажарди. Жамоа хўжалигининг иқтисодий қуввати ошиб, давлатдан кўшимча равишда иккита от плуги, иккита от сеялкаси, иккита от культиватори, иккита от плуги ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоблари сотиб олинди.

Бундай катта ўзгаришлар кўшни «Қизил Юлдуз», «Охунбобоев», «Большевик», «Пахтаобод» ва «Тельман» номли жамоа хўжаликларида ҳам рўй берди. Жамоа хўжаликлари иқтисодий жиҳатдан мустақамланиб борди.

Тумандаги "Қорақурсоқ" қишлоғидаги тўртта жамоа хўжалиги 1936 йили қайта бирлаштирилиб, унга «Сталин» номи берилди. Хўжалик раислигига шу пайтгача «Кооператив» жамоа хўжалигида комсомол ячейкаси котиби (секретари) бўлиб келган Холмурод Омонов раис қилиб сайланди.

Хўжаликнинг умумий ер майдони 500 гектарга яқинлашиб қолди. Шу йили жамоадаги мавжуд тўртта бригада, ўн олти зveno ўртасида меҳнат мусобақалари кенг авж олдирилди. Жамоада ўша йили ғалладан 11 центнер ўрнига, 20 центнердан ғалла ҳосили олинди. Ҳайит Хўжақулов бошлиқ зveno 30 центнерлик маррага эришди.

«Сталин» номли жамоа хўжалиги ўша йили 1 млн. 200 минг сўм даромад қилди ва вилоятда санокли бўлган миллионер хўжаликлар сафига кўшилди. Бу эса аҳил бўлиб иш кўрсатган жамоа хўжалиги азаматларининг руҳини янада кўтариб юборди. келгуси йили улар тагин ҳам кўпроқ куч-ғайрат

сарфлаб, меҳнат қилдилар.

Натижада жамоа икки миллион икки юз минг сўмлик даромад олишга эришди. «Социализм» номли жамоа хўжалиги 1938 йили экин майдонларининг ҳар гектаридан бир миллион сўмдан даромад қилгани учун «Миллионер колхоз» деган ном олди.

Минор қишлоқ шўроси ҳудудидаги «Янги куч» жамоа хўжалигида Холик Сафаров раислик қилган йилларда яъни 1939 йилда жамоа хўжалиги мусобақа ғолиби бўлиб, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўрғазмаси дипломига сазовор бўлди.

Бу ўтган йилларда туманда янги ерларни ўзлаштириш ва суғориладиган экин майдонларини тубдан яхшилаш масалаларига ҳам жиддий эътибор бериб борилди. Узунлиги 76 километр бўлган Қумқўрғон (1932 йил) канали қуриб ишга туширилди.

Узунлиги 23 километр бўлган Какайди канали ҳар йили тозалаб борилди. 1929-1930 йилларда Занг канали қурилиши учун 1,5 миллион сўм сарфланди. Муҳими туманда амалга оширилган ана шундай турли тадбирлар натижасида пахта ҳосилдорлиги ўсиб, суғориладиган ерлар ва лалми экин майдонлари кенгайиб, янги агротехник экиш усуллари ҳамда янги пахта навлари яратилди.

Бугунги кунда баъзи ерлардаги жойлар атамаларининг сақланиб қолганлиги ана шу юқоридаги тарихи келтириб ўтилган жамоа хўжаликлари ва сув иншоотларини амалга оширган кишилар номлари билан ҳам боғлиқ. «Иттифоқ», «Соқчи», «Ижтимоиёт», «Қаноат», «Пахтаобод», «Қизил Қаҳрамон», «Тельман» ва «Исмоилтепа» каби.

Туманимиз ёшлари бу атамаларнинг келиб чиқиши билан қизиқишса бутун бир жамоалаштириш, суғориш даври ва қизгин меҳнат курашлари даврига дуч келадилар.

## **I- боб. Жарқўрғон туманининг Совет ҳокимияти йилларида иқтисодий ҳаёти.**

### **I.2.§. Жарқўрғонда саноат қурилиши ва уни амалга ошириш муаммолари (1920 -1940 йиллар).**

Республика халқ хўжалигини тиклаш жараёни давом этаётган бир даврда мамлакат марказий органлари 1925 йили мамлакатни саноатлаштириш масаласини кун тартибига қўйди. Мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёти ривожланган замонавий саноатни вужудга келтиришга тўла - тўқис боғлиқ эди.

Бу мақсадга тез муддатда эришишнинг аниқ йўлларини ишлаб чиқиш талаб этилар эди. Мамлакатнинг яққаланиб қолгани чет эл капитали келишига умид боғлашга имкон бермас эди. Фақат биттагина имконият бор эди.

Бу ҳам бўлса ички жамғармаларни тўплаш ва мамлакатнинг ўзидаги маблағлардан ва хом ашёлардан бир мунча оқилона фойдаланиш масалалари эди. Жарқўрғон тумани саноати ҳақида гап кетганда иккинчи жаҳон урушигача бўлган йилларда маълум бир ижобий ишлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз.

Вилоятда 1920-1930 йилларда янги саноат корхоналари қурилиши билан бир қаторда, халқ талабини қондириб келаётган майда ҳунармандчилик корхоналарини тиклашга ҳам алоҳида эътибор берилди. Ўша даврда майда саноат корхоналарини қайта тиклашга эътибор берилишининг ўзига хос сабаблари бор эди албатта. Чунки бу корхоналар қуйидаги энг муҳим асосий вазифаларни адо этар эди:

**А).** йирик саноат корхоналари бўлмаганлиги сабабли аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган талабини қондирди;

**Б).** қишлоқнинг саноат маҳсулотига бўлган талабини, маълум даражада бўлса-да, қондиргани ҳолда, қишлоқ хўжалигининг ривожига ижобий таъсир кўрсатди.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтмоқ жоизки, Сурхондарёдек чекка вилоятда хунармандчилик саноати ишлаб чиқариши ўзининг алоҳида ўрнига эгадир. 1920 - йилларда вилоятга фабрикада тўқилган матоларнинг кам олиб келиниши натижасида аҳолининг Бойсун ва бошқа туманларидаги тўқувчи хунармандларнинг ишлаб чиқарган матоларига бўлган талаби бир неча бор ортган эди.

Маҳаллий хунармандлар аҳолининг пахта матоларига бўлган талабини кондирибгина қолмасдан, балки Россияга ҳам ўз маҳсулотларини экспорт қилганлар. Ўзбекистон ва унинг жанубий вилоятларида хунармандчилик саноатини ривожлантириш тўғрисида 1929 йил 31 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президиумининг қабул қилган қарориди: хунармандчилик саноатининг аҳолини яхшилаш ва унинг фаолиятини юқори даражага кўтариш, хунармандларга камёб маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бериш ва Ўзбекистонда хунарманчиликни кооперациялаштиришни 35 фоизгача камраб олиш ҳақидаги вазифани қўйди.

Шу қарорга асосланиб, 1929-1930 йилларда Сурхондарё округи туманларида янги хунармандчилик артеллари ташкил қилина бошланди. 1929 йилда Жарқўрғон туманида «Қизил аскар» номли транспорт (аравакашлик) хунармандчилик артели ташкил этилиб, фаолият кўрсата бошлади.

Дастлабки саноат биринчи саноат ячейкаси “ Қизил аскар” деб номланиб, у 1929 йилда, туманда дастлабки ғишт заводи эса 1935 йил ишга туширилди.

1933 йилда геолог Н.П. Туаев тавсиясига кўра Ховдак майдонида биринчи марта разведка мақсадида қазилган ишлари бошлаб юборилди. 1934 йилнинг 6 феввалида 158 метр чуқурликдан нефть отилиб чиқди ва бу кудуқдан суткасига 100 тонна нефть қазиб олина бошланди.

Ўша йили яна тўртта нефть кудуқлари қазилиб, ҳар бир кудуқдан суткасига 75 - 100 тоннадан нефть қазиб олина бошланди. 1934 йил 14 сентябрда академик И. М. Губкин Сурхондарё округи газетасида «Ўрта Осиё

нефти учун» номли мақоласида шундай деб ёзган эди: «Ховдак фақат нефть чиққанлиги учун машхур бўлиб қолмасдан, балки у Ўрта Осиё нефти тарихида янги саҳифа очади ва у биз учун бундан кейин бошқа жойларда ҳам нефть маконларини излаш ва очиш учун хизмат қилади».

Ҳақиқатдан ҳам Ховдак нефть конидан кейин Учқизил, Кокайди, Лалмикор, Жайронхона ва бошқа жойларда ҳам янги нефть конлари аниқланди. Мавжуд нефть конларида ишларни яхши йўлга қўйиш учун 1936 йилгача Сурхондарё нефть конлари «Средазнефть» таркибида бўлган бўлса, 1936 йилдан бошлаб «Ворошиловнефть» трести ташкил этилди.<sup>6</sup>

Сурхондарё геологларининг ҳисоб - китобларига қараганда вилоятимиз энг кам ва нодир ҳисобланган металллар, вольфрам, молибден, симоб, уран, ванадий, кумуш ва олтинга бой воҳа ҳисобланади.

Жарқўрғон тумани марказидан шарққа томон Сурхон дарёсининг чап қирғоғида жойлашган Кокайди майдонларида 1937 йилдан қидирув ишлари бошланди. 1939 йили Кокайдидаги иккита қудуқдан нефть олинди ва 1940 йили Кокайди нефть кони очиб ишга туширилди ҳамда бу ерда ҳам саноат нефти қазиб чиқариш йўлга қўйилди.<sup>7</sup>

Сурхондарё округи нефть конларида ишчилар етишмаслиги муаммоси вужудга келди. Бунинг бош сабаби Сурхондарё воҳаси аҳолиси учун бу мутахассислик ҳали янги касб бўлиши, бу нефть қудуқларининг узоқ жойларда (асосан чўл жойларда) очилганлиги, ётоқхоналар ва бошқа шарт - шароитларнинг йўқлиги ҳам бу нефть корхоналарини кадрлар билан таъминлашга халақит берар эди, амалда эса бу ишларни ҳал қилиш учун анчагина ишлар олиб борилди.

Жарқўрғон тумани комсомол қўмитаси Ховдак ва Учқизил нефть конларини ишчилар билан таъминлашга ўз аъзоларидан 200 нафар кишини, Бойсун тумани 30 нафар, Шеробод тумани 8 нафар, еттита туман касаба қўмиталари эса 58 нафар комсомолларни Ховдак ва Учқизил нефть конларига ишга юбордилар.

Бироқ бу юборилган кишилар ҳам ишлаш учун шароитларнинг йўқлиги



туфайли қайтиб келдилар.<sup>8</sup> Шундай қийинчиликларга қарамасдан Ховдак ва Учқизил корхоналарида кўп миқдорда нефть қазиб чиқарила бошланди. 1939 йилда фақат Ховдак нефть конининг ўзидан 1938 йилга нисбатан уч марта кўп нефть қазиб олинди.

1939 йилда Кокайдидаги иккита янги нефть конидан саноат нефти олинди. 1940 йил Ўзбекистон Республикасининг нефтчилари мамлакатга 119 минг тонна нефть етказиб берди.<sup>9</sup>

Ховдак нефть саноати ходимлари «Ворошилов нефть» трести стахановчиларининг йиғилишида йиллик ишлаб чиқариш режасини 1940 йил 15 декабргача юз фоизга бажариш мажбуриятини олди. Улар йиллик режага кўшимча яна 1600 тонна нефть ишлаб чиқаришга эришишни ўз зиммаларига олдилар.<sup>10</sup>

Ховдак нефть кони жамоаси 1935-1940 йилларда жами шу беш йил ичида мамлакатимиз саноати учун 885540,0 минг тонна саноат нефти қазиб чиқаришга эришиб мавжуд қийинчиликларга қарамасдан катта муваффақиятларни қўлга киритдилар.<sup>11</sup>

Вилоятни саноатлаштириш йилларида бу борада анчагина катта ишлар қилинди, бундан кўз юма олмаймиз албатта, аммо бу йилларда юқорида айтганимиздек кўпол хатоларга ҳам йўл қўйилди. Ишчилар синфининг моддий манфаатдорлиги, талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиш бобида жиддий нуқсон ва бузилишларга ҳам йўл қўйилди. Корхоналарда ишчилар деярли уй- жой билан таъминланмаган, ётоқхоналари ҳам талабга жавоб бермас эди.

Шунинг учун ҳам ишчилар қўнимсизлиги бу саноат корхоналарида анчагина юқори эди. Саноат корхоналарида мана шундай ҳолатларнинг юзага келишига ўша даврда олиб борилган сиёсат ҳам маълум даражада сабабчидир.

Шунга қарамасдан, аста - секинлик билан бўлса-да, туманда ва воҳада янги саноат корхоналари барпо этила бошланди. Энди, галдаги вазифа воҳани электрлаштириш эди. Чунки янги қурилаётган саноат

корхоналарини электр энергияси билан таъминлаш муаммоси юзага кела бошлади.

1933 йилга келиб иккинчи беш йиллик (1933-1938 йй) даврида Сурхондарё округида саноат корхоналари сони ҳам ўсиб борди.

Саноат корхоналари сонининг ўсиб бориши Сурхондарё округида янги электростанцияларни қуриш эҳтиёжини келтириб чиқарди. 1933 йилнинг 23 мартида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлиги ўзининг қабул қилган 6- сонли қарорида эскириб қолган катерпиллер типдаги иссиқлик энергияси тарқатувчи дизель тракторларни қайта жиҳозлаш, электр энергиясидан фойдаланиш имконини бермаслигини назарга олиб Қумқўрғон ГЭС ини қуриш ва бош қурилишнинг зарурийлигини текшириш ва асослаб беришни Марциновичга топширди.

Шу билан бирга Ўзбекистон КП (Б) Марказий Қўмитаси ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлигининг 1933 йилда қабул қилинган 122 - сонли қарорида Қумқўрғон ГЭСи қурилишига Главхлопкомнинг техника кенгаши томонидан 1930 йил 1 июлда тасдиқланган лойиҳаси асосида, 1931 йилга келиб, ҳали ГЭС қурилишини иқтисодий ва техник жиҳатдан давом эттиришни Президиум йиғилиши нотўғри деб топди ва ВТЭСХ ва «Ўзсовхлопка» ташкилотидан қурилиш ишларини тезда тўхтатиш таклиф қилинди.

Шу тариқа Қумқўрғон ГЭС и қурилиши 1943 йилга қадар тўхтатиб қўйилди. Лекин иш ва турмуш шароитлари оғир бўлишига қарамасдан, туман ишчилари юксак кўтаринкилик билан меҳнат қилиб, стахановчилик, изотовчилик ҳаракатларига фаол қўшилдилар.

1936 йил апрелига келиб Сурхондарё округида кўп тармоқли хунармандчилик иттифоқи ташкил қилинди. Бу эса округда барча майда хунармандчилик артелларини бир марказдан бошқариш имконини берди.

1936 йил сентябрида Жарқўрғонда «Путь Стаханова» номли хунармандчилик артели ташкил қилинган бўлса, 1938 йилда туманда ташкил қилинган «Янги турмуш» номли хунармандчилик артели қурилиш

материаллари: металчилик, силикат-керамикаси, кўнчилик, тикувчилик, озиқ-овқат, маданий саноат, ёғочни қайта ишлаш, умумий овқатланиш ошхоналари ва ҳар хил саноатчилик машғулоти яъни ўн хил турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, йиллик режа бўйича жами 1077,5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, йиллик режани 677,8 фоизга бажаришга эришди.

1939 йилда артелнинг йиллик ишлаб чиқариш режаси 79 фоизга бажарилди холос. Бу йиллик режанинг бажарилмай қолишининг сабаби, маҳаллий хом ашёдан етарлича фойдаланмаслик, округ хунармандчилик иттифоқи томонидан шакар, ун, кўн хомашёси ва бошқа маҳсулотларнинг ҳам ўз вақтида артелга етказиб берилмаганлиги йиллик режанинг бажарилишига тўсқинлик қилди.

«Янги турмуш» номли хунармандчилик артелининг 1940 йил 11 мартда бўлиб ўтган йиғилишида артелнинг 1939 йилдаги ишлаб чиқариш фаолияти таҳлил қилиб чиқилди. Йўл кўйилган хато ва камчиликлар ўрганиб чиқилиб, бу камчиликларни тузатиш учун бундан кейин артелда маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда ғишт заводи, арава ишлаб чиқариш, кулолчилик нуқталарини очиш ва этикдўзлик, темирчилик цехларини кенгайтиришга эътиборни қаратишга келишиб олинди.

Натижада ана шу саъйи ҳаракатлар туфайли «Янги турмуш» хунармандчилик артели 1940 йили 325,8 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб йиллик режани 198,7 фоизга бажаришга эришди. «Қизил аскар» номли транспорт артели эса 1940 йили 832,4 минг сўмлик иш бажариб, йиллик режани 80,4 фоизга уддалади холос.

**Умуман олганда**, бу йилларда округ хунармандчилик иттифоқи таркибида бўлган бундай хунармандчилик артеллари саноат корхоналарига нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариб, халқнинг саноат маҳсулотларига бўлган талабини қондирдилар.

Аҳолининг ва давлат муассасаларининг маданий турмушини яхшилаш мақсадида, 1935 йилда туманда ғишт заводи қурилиши бошлаб юборилди.

1937 йилга келиб бу ғишт заводида эллик нафар ишчи иш билан таъминланди.

Ғишт заводи туманда мактаблар, боғчалар, касалхоналар ва бошқа муассасалар қуришда ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

Воҳамиз ва туманимиз ишчилари ана шу саноатлаштириш ишларини амалга оширишда ўзларида куч ва матонат топа олдилар. Воҳа ва Ўзбекистонимиз саноатининг ривожига ҳар бир туман фуқароси ўзининг амалий иши билан жавоб беришга ҳаракат қилди ва бунга маълум даражада эришди ҳам.

## **II- боб. Жарқўрғон туманининг Совет ҳокимияти йилларида ижтимоий - маданий ҳаёти.**

### **II.1. §. XX аср бошларида Сурхон воҳасида халқ таълимининг аҳволи**

Маълумки, меҳнаткашлар орасида саводхонликни оширишнинг бирдан-бир йўли бу мактаб, фан-техника, халқ зиёлиларини такомиллаштириб бориб, уни ривожлантиришдан иборатдир. Бу масалани ечишда омманинг онгли ҳаракати зарур бўлади. Бу эса халқнинг маданий даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Аҳоли маданий савияси кўрсаткичларидан бири саводхонлик даражаси билан белгиланади. Сиёсий қарашларнинг ноҳолислиги ва миллий камситиш руҳидаги ёндашувлар бирор мамлакат ёки миллат саводлилик даражасини белгилашда салбий таъсир кўрсатади. Чунончи чор Россиясида чиқадиган “Вестник воспитания” журналида Туркистон аҳолиси ниҳоятда қоқ ва мутлоқо саводсиз элатлардан иборат ва уларни саводли қилиш учун 4600 йил керак деган ғирт сохта хулосани ёзган.<sup>12</sup> Шўро давридаги деярли барча илмий манбаларда эса 1917 йил октябр тўнтаришига қадар Ўзбекистон аҳолисининг саводхонлик даражаси атиги 1,5-2 % деган ёлғондан иборат маълумотлар кўрсатилар эди.

Ҳолбуки, 1897 йилги аҳолини руйхатга олиш маълумотларига кўра Туркистон аҳолисининг саводхонлик даражаси 19,5 % га тенглиги қайд этилган. Сўнгги даврларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида аниқланган, аммо ҳали ҳам унчалик тўла бўлмаган маълумотларга кўра 1913 йилда Туркистон ўлкасида 7665 мактаб ва мадрасалар фаолият кўрсатган. Биргина Сурхондарё округида 1924 йилда 205та эски мактаб, мадраса ва масжидлар фаолият кўрсатган.

Хусусан, Саид Оталиқ мадрасасида инқилобдан олдин 400га яқин талаба таҳсил олган бўлиб, уларга 33та мударрис сабоқ берган. Улардан домулла Парда (Сариосиёнинг Оқтумшук кишлоғидан) 20 йил мударрислик қилган. Домулла Хидир (Олтинсойлик), домулла Эрмат

(Ҳазарбоғлик), Домулла Саид шу мадрасада 10 йил таълим олганлар ва 15 йил Бухорода ўқиб келиб, шу ерда бир неча йил мударрислик қилганлар. 1823-1934 йилларда кичик мадраса биноси бузилиб туман халқ таълими бўлими, милисахона, 1-сон Ломоносов номли мактаб устахонаси ва бошқа бинолар қурилган.

Албатта бу даврда Термиз шаҳри атрофида истиқомат қиладиган маҳаллий аҳоли ҳам ўз масжид ва мадрасаларига эга эдилар. Ўзбеклар, туркманлар, тожиклар, яҳудий ва форсларнинг фарзандлари маҳаллий муллалар қўлида таълим-тарбия олишарди. Бундан ташқари, шаҳар ичида 1916 йили Имомалибой томонидан мусулмон масжиди Мурчбобо қурилди. Шу йили мусулмонларнинг шиа мазҳаби учун ҳам масжид (ҳозирги халқ табобати маркази) биноси барпо этилди. Бу масжидлар қошида мусулмон болалари таълим оладиган диний мактаблар ҳам бор эди<sup>13</sup>. Бизнингча бу рақам ва далиллар ўлкамиз аҳолисининг саводхонлик даражаси расмий маълумотларда қайд этилганига қараганда анча баланд бўлганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, ноҳолис сиёсий қарашлар ва миллий камситиш руҳидаги ёндашувлар ҳамда саводхонликни ҳисоб-китоб қилиш жараёнида кирилл алифбосини билганларни саводхонлар доирасига киритиш, араб имлосида ўқиш ва ёзишни билганларни саводсизлар доирасига қўшиш асосида олиб борилган нотўғри мустабид сиёсат оқибатида бутун ўзбек халқи қаторида воҳа аҳолиси ҳам оммавий тарзда "саводсиз" деган асоссиз тавқи лаънатни бўйнига олишга маҳкум этилди.

Маълумки, Чор ҳукумати Ўрта Осиё хонликларини босиб олгач, шаҳарларда амалдорлар ва офицерларнинг болалари учун мактаблар оча бошлаган. Бу мактабларда машғулотлар рус тилида олиб бориларди. 1914 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жами 160 та шундай мактаблар бўлиб улардан 135 таси бошланғич, 13 таси тўлиқсиз ўрта ва 12 та ўрта мактаблар эди. Уларда атиги 17300 бола ўқир эди.<sup>14</sup>

Европаликларнинг фарзандлари учун очилган бу рус мактаблари қавм ва шаҳар мактабларига бўлинарди. Вилоят шаҳарларида гимназиялар, Тошкентда эса ўқитувчилар семинарияси ва реал билим юрти ҳам мавжуд эди.

1906 йил Термиз шаҳрида мустамлакачилар томонидан ҳарбий черков хузурида 35 болага мўлжалланган христиан черкови қавми учун биринчи рус мактаби очилди. У икки хонали уйга жойлашган эди, уларнинг бирида “батюшка” (рус муллеси) имтиёзли шаҳарликларнинг болаларига “Илоҳиёт қонунлари”дан дарс ўтарди, иккинчисидан эса 4 йилга мўлжалланган дастур асосида ёзиш, ўқиш ва арифметикадан бошланғич машғулотлар ўтказиларди. Мактабда 35 ўқувчи ва 4 та ўқитувчи бор эди. Мактабнинг харажатлари учун бир йилга 18 сўм пул ажратиларди.<sup>15</sup> 1913 йилда зобитларнинг болалари учун бошланғич мактаб очилди. Болаларига бошланғич мактаб хажмидан юқори маълумот беришга қурби етган русийзабон ота-оналар ўз болаларини, Тошкент, Самарқанд, Бухорога юбориб ўқитар эди. Битта мактаб камлик қиларди, шу боис болалар учун гимназия очиш масаласи кўндаланг бўлди. Ота-оналарнинг ўз маблағига бўлса ҳам, ўғил болалар учун гимназия ташкил этишга рухсат олиш йўлидаги уринишлари ҳеч қандай натижа бермади. 1915 йилда бошланғич мактаб қуришга Термиз шаҳрининг бюджетидан 180 сўм маблағ ажратилди<sup>16</sup>. Чор ҳукумати, сўнгра эса А.Ф.Керенскийнинг муваққат ҳукумати ҳам гимназия очиш Термиз учун ортиқча дабдаба орзу-ҳавас деб қаради. 1917 йилнинг ўрталаридагина ота-оналарнинг маблағига бошланғич мактаб очишга рухсат олинди. Бухоро амири Термизда бошланғич мактаб қуриш учун 10 минг сўм ҳадя қилишни ваъда қилган эди, бироқ бўлажак гимназия оталиғи сифатида пул ўрнига дасхат ёзилган суратини юборди. Чунки Бухоро амирини турли-туман солиқлар ва тўловлар йиғиб олиш қизиқтирар, Чор ҳукумати эса Термизга ҳарбий жиҳатдангина аҳамият бериб туб ерлик аҳолига мутлақо эътибор бермас эди. Чор маъмурлари халқ таълимига арзимаган маблағлар ажратишар, унинг ҳам кўп қисми рус

мактабларини сақлаб туришга сарфланарди. Кўп сонли мактаблар ва янги усул мактаблари, мадрасалар жамоат маблағи ҳисобига таъминланарди.

---

**Хулоса** килиб айтганда Чор ҳукуматининг мустамлакачилик ва «руслаштириш» сиёсати ўлка халқи маънавиятини бутунлай йуқ қила олмади. Халқ ўз интилиши, кураши билан миллий маънавиятини сақлабгина қолмади, балки уни янада мустаҳкамлади. Ўз мутафаккирлари, алломалари ва донишмандлари билан дунёга танилган халқ шўро манбаларида ёзилганидек 2% саводдилари билан эмас катта ғоизни ташкил этган масжид, мадрасаларида, янги типдаги мактабларда ўқиган, ўқиётган ёшлари билан ХХ асрга қадам қўйган эди.

1917 йил октябрь воқеаларидан кейинги янги жамият қуриш шароитида халқ таълими ҳақидаги илмий тамойиллар ва ғояларнинг яратилиши, ривожлантирилиши ва мустаҳкамланишига оид амалий масалаларнинг ишлаб чиқилиши шўролар ҳукумати фаолияти билан боғлиқдир.

Октябр тўнтаришининг дастлабки кунларидаёқ халқ таълими тизимининг асосий тамойиллари эълон қилинди. Бу тамойиллар халқ таълимининг ижтимоий вазифаларидан келиб чиққан бўлиб, мактабнинг давлат аҳамиятига моликлиги; мактаб билан халқ таълими барча бўғинларнинг бирлиги, изчиллиги; таълимнинг умумийлиги ва бепуллиги; мактабнинг диндан ажратилганлиги; таълим олишдаги тенглик, мактабнинг оммавий ташкилотлар ва жамоатчилик билан чамбарчас алоқаси; таълимнинг илмий асосида ташкил этилиши ҳамда унинг партиявийлигини қамраб олган эди. Унга кўра синфий имтиёзлар бартараф этилиши, таълимнинг барча бўғинларида кенг демократия ва инсонпарварлик қарор топиши, мактабнинг бутун фаолияти илмий асосида ташкил этилиши, у инсонни ҳар томонлама камол топтирувчи қудратли воситага айланиши лозим эди.

Янги ташкил этилган халқ таълими давлат қўмитаси айнан мана шу тамойилларини амалга ошириш, янги халқ таълими тизимини яратиш билан



шуғулланди. Мактабга ва бошқа болалар муассасаларига рахбарлик маҳаллий бошқарув ташкилотларга берилди. “Бош сиёсий маориф бошқармаси ҳақида» қарор қабул қилинди. Қарорда “партия ташкилотининг фақат мустақиллигини эмас, балки унинг рахбарлик, етакчилик ва бошчилик қилишини Маориф халқ комиссарлиги ишининг беистисно ҳамма соҳаларга нисбатан сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва кенгайтириш маъносида тушуниш мумкин” дейилишининг ўзи ўша даврдаёқ халқ таълимининг сиёсийлаштирилишини ва партия ҳукмронлигининг ўрнатилишини аңглатар эди.

Октябр тўнтаришидан сўнг кўп миллионли ёшлар оммасини янги жамият қуриш ишига жалб этиш вазифаси қўйилди. Ўрта мактабни тубдан қайта ташкил этиш лозим эди. Шу муносабат билан мактаб қурилишининг қўйидаги асослари жорий этилди: 17 ёшгача бўлган барча ўғил ва қиз болалар учун бепул мажбурий умумий политехник (назария ва амалиётда ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари билан таништирувчи) таълим жорий этиш; мактабгача тарбия муассасалари тармоқлари: яслилар, боғчалар ва шунга ўхшашларни барпо этиш; дарсларни тамомила она тилида олиб бориш, қиз ва ўғил болаларни биргаликда ўқитиш; Таълим ишини ижтимоий-фойдали меҳнат билан боғлаб олиб бориш; меҳнаткашларни мактаб ишида фаол иштирок этишга жалб этиш; 17 ёшдан юқори кишилар учун умумий политехника билимлари билан бирга, профессионал билим беришни кенг миқёсда ривожлантириш<sup>17</sup>.

Мактабнинг синфий характерини тубдан ўзгартириш халқ таълими соҳасидаги энг муҳим талаб бўлиб қолди. Шу сабабли таълим тарбия ишлари шўролар давлатининг сиёсати билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилди.

Янги шўролар мактаби меҳнат, политехника мактаби бўлиб, ўқувчиларга замон талаблари даражасида чуқур илмий техник билим бериш, ўқувчиларни ижтимоий ишлаб чиқаришда онгли ва ижодий иштирок этиш имкониятига эга бўлишларини таъминлаши лозим эди.

Шу тариқа, шўро ҳукумати раҳбарлари мактабни ривожлантиришнинг, таълим-тарбияни партия сиёсати билан, янги жамият қуриш иши билан бирга олиб бориш, ўқитишни ижтимоий фойдали меҳнат билан бирга қўшиб олиб бориш назария билан амалётни, фан билан турмушни уйғунлаштириш тамойиларини ишлаб чиқдилар.

Шўро ҳукумати ҳукмрон партия белгилаб берган қоидаларга амал қилиб мавжуд мактаб тизимини барҳам беришга ва мактабдаги таълим-тарбия иши моҳиятини ўзгартиришга киришди. 1918 йил 20 январда «Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида» декрет эълон қилинди.<sup>18</sup>

Бу декрет туфайли узил-кесил шўро таълими тизимига ўтилди. Шундан сўнг барча дин дарсларидан ўқитувчилик лавозимини бекор қилиш тўғрисида: Халқ мактаблари директори, инспектори лавозимларини; халқ мактаблари губерна дирекциялари ва инспекцияларини бекор қилиш тўғрисида, ҳар бир ўқув юрти учун белгиланган кийим формаси ва ўқувчилик нишонларини бекор қилиш тўғрисида; уғил ва қиз болаларни албатта бирга ўқитишни жорий қилиш тўғрисида; тарбия ва маориф ишларини диний маҳкама қўлидан олиб, маориф халқ комиссарлиги ихтиёрига топшириш тўғрисида; янги имло қоидаси жорий қилиш ва ҳоказолар тўғрисида декрет ва қарорлар чиқарилди.<sup>19</sup>

1919 йилнинг 26 декабрида халқ комиссарлари советининг «РСФСР аҳолисининг саводсизлигини тугатиш ҳақида»ги декрети чиқарилди. Декретда «Республиканинг бутун аҳолисига мамлакатнинг сиёсий ҳаётида онгли равишда иштирок этиш имкониятини бериш мақсадида бутун аҳоли ... ўқишни ёки ёзишни билмаган 8 ёшдан 50 ёшгача бўлган саводсиз фуқаролар ўз ихтиёрига кўра рус тилида ёки она тилида саводини чиқариши албатта зарур»<sup>20</sup> дейилган эди.

Бу вазифани ҳал этиш учун 1920 йилда саводсизликни тугатиш юзасидан бутун Россия фавкулудда комиссияси тузилди. Бундай комиссиялар жойларда ҳам ташкил этилди. Кейинроқ 1920 йил 17

сентябрда ТАССР Халқ комиссарлари совети «аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш ҳақида»ги декретни қабул қилди. Унда саводсизлик билан курашнинг фавқулодда муҳим аҳамияти ҳақида гапирилган ва ўлка шароитида аҳолининг умумий саводхонлигига эришиш йўллари белгиланган.

Декрет 8 ёшдан 40 ёшгача бўлган бутун Республика саводсиз аҳолисининг мажбурий равишда саводини чиқариш зарурлигини эълон қилди. Ўқитиш давлат мактабларида ҳамда саводсиз аҳоли учун ташкил этилган мактабларда амалга ошириш кераклиги кўрсатилди. Туркистонда саводсизликнинг тугатилиши, билим ва маърифатнинг ёйилиши аввало мусулмон аҳоли кенг оммасини янги ҳаёт куришда онгли иштирок қилишга жалб этиш учун зарур эди.

Шунинг учун дастлабки кунларданок Туркистонда маданий курилишнинг ҳал қилувчи муаммоларидан бири янги мактаб таълими тизимини яратиш бўлди. 1918 йилнинг 23 мартида РСФСР Маориф Халқ комиссарлиги “фармоишига биноан” Туркистон Халқ комиссарлари кенгаши Ўлка халқ таълими кенгашини ташкил этиш ҳақида буйруқ чиқарди.

Мазкур кенгаш Туркистон худудида халқ таълими тизимига раҳбарлик қилиши лозим эди. Жойларда уларнинг вилоят, шаҳар, уезд кенгашлари хузурида Халқ таълими кенгашлари ташкил этилди. Лекин дастлабки кунлардан бошлаб туркистонлик ўқитувчилар кўпчилик қисмининг манфаатларини ифодалаб умумдемократик йулда қаттиқ турди.

Бундан норози бўлган совет ҳукумати ва хусусан Маориф халқ комиссарлиги ўзининг тор синфий мақсадларига амал қилиб мазкур кенгашга нисбатан ажратувчилик сиёсатини амалга ошира бошлади. Большевикларнинг эски мактабга душманлиги хусусий ўқув юртларига бўлган муносабатда анча кескин намоён бўлди: янги усул мактабларига кредит ажратилмади, айрим хусусий рус мактаблари маъмурларнинг фармойишлари билан ёпиб қўйилди.

Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1918 йил 14 майдаги буйруғи билан ягона умумий мактабни ташкил этишга киришилди. Турли типдаги ўқув

юртлари “улар ўқишни хоҳлайдиганлар учун ёши, миллати ,кайси динга эътикод қилишдан қатъий назар гувоҳномаларсиз”очик қилиб қўйилди. Июнь ойида маориф халқ комиссарлиги барча мактабларда бепул ўқитиш жорий этишни эълон қилди.

1918 йил июн ойининг ўрталарида бўлиб ўтган Умумтуркистон халқ таълими арбобларининг қурултойида мактабни қайта қуриш масалалари муҳокама қилинди. Унда коммунистларнинг оз сонли гуруҳи “қурултойга коммунистик ўзак раҳбарлик қилиши лозим” деб қатъий туриб олди. Ўз навбатида мусулмон делегатларини гуруҳи қурултойни ваколатсиз деб ҳисоблаш таклифини киритди, чунки қурултойда туб ерли аҳолини оз сонли делегатларини вакил бўлиб катнашаётган эди.

Шу муносабат билан туб ерли миллатлар ўқитувчиларнинг вакиллари қурултойини ташлаб чиқиб кетдилар. Уларга европалик ўқитувчиларнинг бир қисми қўшилди, бу ўқитувчилар учун большевикларининг мактабга ҳуқумронлик қилиш усули мақбул эмасди. 1918 йилнинг ўрталаридан бошлаб янги типдаги мактабларнинг тез, асосан миқдор жиҳатидан ўсиши кўзга ташланди.

Контрибуция сиёсати, Туркистон жамияти аҳолиси бадавлат қатламларидаги жуда кўп миқдордаги маблағларнинг тортиб олинганлиги ўлка иқтисодиётини камбағаллаштириб қўйди, айти бир вақтда совет ҳокимиятини зарур маблағлар билан таъминлади, бунинг натижасида мактаб қурилишига раҳбарлик қилувчи Маориф халқ комиссарлиги 1918 йилга маълум даражада кредитга эга бўлди.

Большевиклар ижтимоий, синфий мазмунига кўра ягона мактабни ташкил этар эканлар, миллий шаклнинг зарурлигини эътироф этдилар, шу боисдан миллий асосда–украин, яҳудий, арман мактаблари ва табиийки “Туркистонда миллий турк оммаси устивор бўлганлиги” учун ҳаммадан кўпроқ ва биринчи навбатда ўзбек мактаблари ташкил қилинди.

Ўзбек совет мактабини ташкил этиш жараёни 1918 йил май ойида, халқ комиссарлари кенгашининг ҳамма учун қулай ягона мактабни ташкил

етиш ҳақидаги қароридан кейин бошланди. Бунда эски усул мактабларига тегилмади, янги усул мактаблари (жадид мактаблари) халқ таълими бўлимларига ўтди. Дастлабки ўзбек совет мактаблари маблағлардан қисиб қўйилган бўлиб, уларга ўқув воситалари ва қўлланмалар етишмасди. Моддий аҳволнинг оғирлигига қўшмадан маъмурларнинг ерли аҳолининг билимли бўлишига нисбатан мустамлакачилик муносабатида бўлиши таъсир қилди.

Бу эса 1918-1920 йиллар даврида рус тилидаги ўқув юртли ва туб ерли аҳоли болалари учун муҳажирланган мактабларни маблағ билан тенг асосда таъминламасликка олиб келди. Бундан ташқари, кўпинча халқ таълими учун ажратилган маблағни депутатлар кенгашлари бошқа мақсадлар учун ишлатишарди. Маориф халқ комиссарлиги учун кадрлар масаласи бош муаммо эди. Янги тузум педагоглари тайёрлаш, айниқса, биринчи навбатда маҳаллий мактаблар ўқитувчиларини тайёрлаш учун ҳар томонлама чора-тадбирлар белгиланди.

Бинобарин, ўқитувчилар тайёрлаш бутунлай янги негизга-қисқа муддатли курслар орқали йўлга қўйилди. Касб таълимнинг ниҳоятда паст даражада эканлиги шароитида қисқа муддатли курслар тизими, энг аввало бўлажак ўқитувчиларда сиёсий онгини шакллантиришга ва фақат янги режимнинг мафкуравий йўл-йўриқларини ўзлаштиришга қаратилган эди.

Ўлкадаги эски мактабларни тезроқ бузиб ташлаш мақсадида маориф комиссарлиги “мактабдаги инқилобни жадаллаштириш”га қаратилган “кескин чора-тадбирлар” белгилади. Синф мураббийси вазифаси бекор қилиниб, мактаб қўмиталари ва ўртоқлик судлари жорий қилинди. Бу тадбирлар халқ таълими раҳбарларининг фикрича “кучли инқилобий пойдевор” эди.

Ўқувчилар ташкилотининг тузилиши, баҳолар тизимининг бекор қилиниши, бир синфдан бошқа синфга ўтишнинг осонлаштирилганлиги мактабларнинг сиёсий тус олишга хизмат қилиши керак эди. Маҳаллий ўқитувчилар Бутунроссия ўқитувчилар иттифоқининг умумдемократик

платформасида туриб, иложи борича, большевикларнинг ана шу мактаб ислохатини амалга оширишга қаршилик кўрсатишди. 1918 йил ноябрда Туркистон халқ комиссарлари кенгаши черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш ҳақида декрет чиқарди.

Шу муносабат билан “билим юртларида Аллох қонунини ўқитиш” тақиқланди. Маъмурлар фақат “мусулмон билим юртларига нисбатан” истиснони сақлаб қолдилар. 1918 йилнинг охирида совет мактаби билан рақобат қиладиган турли типдаги мактабларни тугатишга қаратилган қонуний чора-тадбирлар белгиланди. 25 ноябрда Маориф халқ комиссарлигининг буйруғи билан барча хусусий ўқув юртлари “хамма асбоб-ускуналари, ўқув кулланмалари ва мавжуд ходимлари билан” халқ таълими маҳаллий бўлимлари ихтиёрига берилди.

Бу шакилдаги миллийлаштириш умумтаълим тарзидаги ўқув юртларини ташкил этишга давлат монополияларининг ўрнатилганлигини билдирар эди. Шунингдек, декабрда черков-қавм, рус-тузем, русча-яхудийча ва бошқа типдаги мактабларни бекор қилиш ҳақидаги фармойиш эълон қилинди. Уларнинг ўрнига рус, узбек, қирғиз, татар, яхудийча ва бошқа миллий мактаблар ташкил этилиши лозим эди. Булар ягона совет мактабининг миллий кўринишлари эди. Эски усул мактаблари ва мадрасалар ҳозирча қайта ташкил этилмади, лекин уларни давлат манбалари ҳисобидан маблағ билан таъминлашга йўл қўйилмайди деб ҳисобланди.

Ўлкада даставвал икки босқичли мактаблар очилди. Биринчи босқичга 8 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар (5 йиллик ўқитиш курси) ва иккинчи босқичга эса 13 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар (тўрт йиллик ўқитиш курси) мўлжалланган эди. Иккинчи босқич мактаблари жуда оз бўлиб, биринчи босқич билим юртлари, яъни энг оддий таълим берадиган мактаблар кўплаб ташкил этилган эди.

Уларнинг сони “1918 йилда (992 та мактаб) 1917 йилдагига нисбатан (576 та мактаб) анча ўсди. Туркистон ўлкаси ҳудудида “1918 йил учун халқ

маорифи сметаси” маълумотларга қараганда амалда қуйидагича мактаб муассасалари мавжуд бўлган:<sup>21</sup>

Мактаб муассасалари хили	Мактаб муассасалари сони	Синфлар сони
Эрлар гимназияси	12	102
Хотин-кизлар гимназияси	18	155
Реал мактаблар	4	27
Комерческий мактаблар	3	36
Олий бошлангич мактаблар	39	-
Бошлангич мактаблар	992	1568

Бу даврда мактаблар сони анча ўсган бўлсада туб ерли аҳолининг фарзандлари учун янги совет мактаблари ташкил этиш секинлик билан борар эди.

1919 йилнинг 1 июлида Турк МИК Туркистон республикасининг барча шаҳарларидаги ,қишлоқларидаги мактабларига энг яхши биноларни реквизиция қилиш тўғрисида қарор қабул килди. Хокимият идораларига шошилиш равишда маблағларни мактабларни тузатиш ва қуришга ажратиш буюрилди. Халқ таълими бўлимларининг асосий вазифаси (мусулмон) мактабини ташкил этишдан иборат деб ҳисобланди.

Айниқса тарғибот учун кўрғазмали мактаблар ташкил этилишига катта эътибор берилди. Таниқли педагог В.Ф Лубенцев томонидан ташкил этилган Тошкентдаги К.Либнехт номли тажриба меҳнат мактаби шуҳрат қозонди. 1919 йил Тошкентнинг эски шаҳар қисмида, Бешёғочда Алмай номлидаги биринчи ва иккинчи босқич мактаби очилди. Машғулотлар яхши жиҳозланган математика кимё, физика, тарих хоналарида ўтказиларди. Лекин бу мактаблар миллий асосларимиздан узилган, халқимизга ёд бўлган янги ғоя асосида ташкил қилинган эди.

Кадрлар масаласининг кескинлигини 1919 йилда ҳам сақланиб қолди. Мусулмон ўқитувчиларининг етишмаслигини шунга олиб келдики,

кўпчилик мактаблар коғоздагина мавжуд эди. 1920-1921 ўқув йилларининг бошларида Туркистоннинг туб ерли миллатларнинг болалари учун мўлжалланган, биринчи босқич мактабларнинг сони 802 тага етди, иккинчи босқич мактаблари 4 та эди, европаликлар учун мактаблар эса тегишли равишда 604 та ва 45 та эди.

Республиканинг барча вилоятларида европалар учун мактаблар ташкил қилиш устувор аҳамиятга эга эди. 1920 йилда мактаблардаги ўқувчилар сони 1910 йилдагига нисбатан 5,5 баробар ортиб, 165122 тага етди, бу ўқувчиларнинг 55% дан зиёдроғи (97 мингтаси) маҳаллий миллатларнинг болалари эди. Бироқ, 1917-1920 йиллардаги қисқа даврга, шу жумладан халқ таълими соҳасида рўй берган ўзгаришларга 1920 йилда яқун ясалди. Совет мактабларининг тез ўсиши туркистон мактаб тизимини боши берк кўчага олиб кирди.

Жиддий моддий таъминотининг йўқлиги ва кадрлар билан таъмин этилмаганлик кўпгина “коғоздаги мактаблар”нинг мавжудлигини шарт қилиб қўйди. Натижада мактаб ёшидаги болаларнинг 70% кўпи мактабга жалб қилинмади. Ҳокимият тепасида большевиклар турган қисқа даврда европача типдаги (“буржуа” мактаби )-рус, рус-тузем мактаблари, янги усул (жадид) мактабларига путур етди. Бироқ большевикларнинг Янги ягона меҳнат мактаби кўп жиҳатлардан путур етказилган мактабларга нисбатан етарли даражада билим беролмас эди.

1920 йилнинг охирига келиб ўқувчи ёшларнинг билим савияси ниҳоятда пасайиб кетди. Умуман, билим олиш 1 босқич бошланғич мактаби даражасида бўлди. Ташкил қилинган 2 босқич мактаблари ўқувчилар йўқлиги сабаб қилиб тарқатиб юборилди. Большевикларнинг таълим соҳасига бу қадар эътибор бериши узоқни кўзлаб қилинган стратегик сиёсат эканлигидан далолат эди.

Чунки шўролар раҳбарияти ҳокимиятни қўлга олиб, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳукмронлик қилиш мумкинлигини, бироқ маънавий ва мафкуравий томонидан бирданига халқни йўлга солиш мумкин эмаслигини,



бунинг учун маълум муддат ва халқни янги мафкура руҳида қайта тарбиялашда муҳим восита бўлган халқ таълими ва олий таълимни ривожлантириш кераклигини ва шулар асосидагина кўзланган мақсадга эришиш мумкинлигини яхши билар эди<sup>22</sup>.

Лекин совет хокимияти раҳбарлари тушунчасида халқ таълими ва олий таълимнинг хизмати бу билан чекланмас эди. Уларда социализмга хизмат қиладиган: ёшларни янги руҳда тарбиялайдиган миллий педагоглар, социализмни ижтимоий-иқтисодий маънавий ва мафкуравий мустаҳкамлашда ёрдам берадиган турли соҳалардаги мутахассис кадрлар тайёрлаш ҳам кўзда тутилган эди. Шу тариқа Шўролар ҳукмронлигининг дастлабки йилларида халқ таълими тизимини бир қолипга солишга, саводсизликни тугатишга ҳаракат қилинди.

Лекин бу ҳаракат кескин зиддиятлар билан олиб борилди. Сурхондарё округи таълим тизимида мустабид тузум сиёсатининг ўрнатилиши оқибатида юзага келган аҳвол, “маданий инкилоб” тадбирларининг амалга оширилиши жараёнида анъанавий миллий таълим тизимидаги мактаб ва мадрасаларнинг тугатилиши, совет таълим тизимининг вужудга келтирилиши катта муаммоларни келтириб чиқарди.

Эски усулдаги ўқитиш услубларидан воз кечиш, масжид ва мадрасалар қошидаги эски усул мактабларини асоссиз ёпиб қўйиш, янгитдан шакллантирилаётган таълим тизими асосларининг бақувват эмаслиги ҳамда таълим тизимини педагог кадрлар билан таъминлашдаги муаммолар бир талай қийинчиликларни юзага келтирди. Ушбу қийинчиликларни шошма-шошарлик билан, маъмурий- буйруқбозлик ва валинтаристик тартибга ҳал қилишга уринган совет ҳукумати бу соҳада жиддий нуқсон ва камчиликларни келиб чиқишига сабаб бўлди.

Ҳукмрон мафкуранинг таълим соҳасида олиб борган нотўғри сиёсати воҳа аҳлининг маънавий ҳаётида улкан йўқотишларга олиб келди. Оқибатда асрлар давомида халққа маърифат ва маданият бериб келган, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини шакллантирган, маънавият масканлари

саналган масжид ва мадраса ҳамда эски усул мактабларининг ёпиб кўйилиши, унинг ўрнида халқ маънавиятидан бир қадар узок ғоя ва мафкураларининг ўрнатилиши аҳолининг маънавий-рухий оламида жиддий бушлиқни юзага келтирди.

Совет ҳукуматининг маориф ва маданият соҳасидаги сиёсати зўравонлик ва кўр-кўрона маҳдудликка асосланган бўлиб, халқнинг тарихий анъаналарини, миллий ўзлигини ҳисобга олмас эди. Сунъий равишда ўтказилган “маданий инкилоб” халқининг асрий анъаналарини, миллий ўзлигини йўқотиш ҳисобига айна пайтда совет мустабид сиёсатининг асосларини сўзсиз бажарадиган шахсларни вояга етказишга қаратилди.

Совет ҳокимиятининг 20-30 йилларда амалга оширилган маъмурий буйруқбозлик ва зўравонлик сиёсати жамиятининг маънавий-маърифий соҳаларига ҳам ўз мафкуравий таъсирини ўтказа борди. Советлар ҳар бир соҳани бир қолипга, бир шаклга туширишга ҳаракат қиларди. Шунга қарамасдан, у дарвда мактаб ва маориф соҳасида ҳам бир қатор ислохотлар амалга оширилди, аммо бу ислохотлар бир ёклама бўлиб, асосан совет мафкурасини шакллантиришга қаратилган эди.

Шу даврда амалга оширилган нотўғри ва бир ёклама сиёсат оқибатида мавжуд 205 та мадраса масжид ва эски усул мактаблари тугатилди. Сурхондарёда шўро ҳокимияти урнатилган дастлабки кунларда битта рус мактаби бор эди. Унинг тарихи вилоят халқ маорифи тараққиёти билан боғлиқдир. Рус мустамлакачилари 1906 йилда асос солган бу черков кавми мактабида 1917 йил ўрталарида бир гуруҳ маърифатпарвар ота-оналарнинг маблағлари ҳисобига 1-рус бошланғич мактаби Термизда очилган эди.

Ушбу илм зиё маскани шўролар даврида ҳам фаолият юритиб тоборо ривожланиб борди. Мактаб аввал 7 йиллик сунг 8-10 йиллик ўқув муассасаси сифатида ишлаб, ўғил-қизларга рус тилида таълим-тарбия берди. 50 йилларда унга СССР Маориф халқ комиссари А.В.Луначарский номи берилди<sup>23</sup>.

1917 йил 1 ноябрда Термизда қуролли тўнтариш юз бериб, ҳокимият советлар қўлига ўтиши биланоқ бу мактаб ҳам ишга тушди. 1922 йилдан

бошлаб шу мактабда Т.К.Руднева директорлик қилди, 1921 йилда бу мактабда 6 та синф, 213 ўқувчи ҳамда 6 та ўқитувчи бор эди. 1925-1926 ўқув йилида эса мактабга 344 ўқувчи жалб қилиниб, уларга 14 нафар муаллим таълим бера бошлади. Мазкур таълим даргоҳи вилоятнинг етакчи ўқув муассасаларидан бири бўлиб, 1993 йилга қадар ишлаб келди.

Турли йилларда унга маориф аълочилардан Э.С.Леснова, Н.П.Саурова, Н.В.Тюрин, Н.В.Лелюх, В.А.Шеварнадзе сингари маҳоратли педагоглар раҳбарлик қилишди. Луначарский номли мактаб тарихи Сурхондарё халқ хўжалигида меҳнат қилаётган ва илгари фаолият кўрсатаётган бир неча ўнлаб ўқитувчилар, илмий ходимлар, харбийлар, врачлар, инженер, аграрном ва бошқа кадрлар номлари билан бевосита боғлиқ, чунки улар ўша мактабнинг собиқ ўқувчилардир.

Улардан харбий жарроҳ О.М.Секретарова, археолог олим В.А.Козловский қурувчи Р.Ф.Калашникова, болалар врачлари П.Т.Галкина СССР ва Ўз ССР маориф аълочиси Меҳнат қизил байроқ ва Октябр ревалюцияси орденлари совриндори С.В.Вдовкина, Меҳнат қизил байроқ совриндори, Ўзбекистон маорифи аълочиси В.С.Усмоноваларни айтиш мумкин. 1993 йилда ушбу даргоҳ 3 мактаб билан бирлаштирилди.

Унинг 1906 йилда қурилган биносида ҳозир 19-ИМИ жойлашган. Мустабид тузум советларига саводли шахсларни шакллантириш саводсизликни тугатиш борасида шиддатли қуришни авж олдириб юборди ва 1920 йилнинг 17 сентябрида ТАССР маориф халқ комиссарлиги томонидан 1921 йил томонидан ноябрда эса ТАССР ХКК томонидан республика аҳолиси орасида саводсизликни тугатиш тўғрисида декретлар чиқарилди.

Уларга биноан 8 ёшдан 40 ёшгача булган саводсиз фуқароларнинг хаммаси давлат мактабларида ва саводсизликни тугатиш курсларида ўқиши лозим эди. 1920 йилнинг охирига келиб саводсизликни тугатиш мактаблари ликбезларнинг сони бир мингдан ортиб кетди. Уларни битирганлар эса 70 мингга етди. 1921 йил охирларида биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 100 та саводсизликни тугатиш мактаблари иш бошлади.

1923йилда Туркистон АССР маориф Халқ комиссарлиги хузурида саводсизликни тугатиш билан шуғуланувчи ўлка фавқулудда комиссияси тузилди. Шундай комиссиялар маҳаллий советларнинг Халқ маорифи бўлимлари хузурида ҳам ташкил этилди. Республикада амалга оширилаётган ҳар бир тадбир, албатта Россия андозаси асосида қилинар эди. Жумладан РСФСРда “Битсин саводсизлик” жамияти тузилиш билан бундай жамият 1924 йилнинг бошида Туркистонда вужудга келди.

Унинг ўзагини ўқитувчилар, талабалар ташкил қилган. Саводсизликни тугатиш бўйича жамият томонидан дастлабки пайтда 35 та мактаб очилиб, 10200 киши ўз саводини чиқарди. Совет давлатининг туркистон халқлари саводсизлигини тугатиш, мактаблар қуриш, мутахассис ходимлар тайёрлаш, маданият ва маънавиятни ривожлантиришга бағишланган тадбирлари, маҳаллий миллий манфатлари кўзлаб эмас, балки маданий маърифий воситалар асосида ўлка аҳолисининг комунистик руҳда қайта тарбиялаш ва социализмнинг “одобли” мутахассис кадрлар қилиб етиштиришга қаратилган эди.

Мақсад барча ёшдаги аҳолини саводсизлигини тугатиш билан бир қаторда уларга ёппасига “коммунизм алифбоси”ни ўргатишдан иборат эди. Шунинг учун ҳам саводсизликни тугатиш маданий қурилишнинг муҳим вазифаси сифатида қаралди. 1920 йил сентябрда Бухоро амири тузуми тугатилгач, 1920 йилнинг 1 ноябрида РСФСР ва БХСР (Бухоро Халқ совет республикаси)ўртасида Бухоро амирлиги ерларидаги рус манзилгохлари БХСРга берилиши тўғрисида шартнома имзоланди.

Шартномага асосан Термиздаги барча идоралар БХСРга берилди. БХСР ҳукумати маориф ва маданият соҳаларини ислоҳ қилишга эътибор қаратди. Бу борада Бухоро ҳукумати таркибида ташкил қилинган Маориф нозирлиги, унинг биринчи нозирли Абдурауф Фитрат фаоллик кўрсатди. Инқилобий қўмитанинг 1920 йил 20 октябрдаги қарорида республика худудидаги барча эски мактаблар ва мадрасаларни ислоҳ қилиш ва уларга дунёвий билимларни кенгрок ўқитишни жорий қилиш кўзда тутилди.

Шу билан бир қаторда янги типдаги мактаблар ташкил қилиш, аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. 1923 йилга келиб Бухоро республикасида янги типдаги мактаблар сони 40 та бўлган бўлса, 1924 йилда 69 умумтаълим, 4 та мусиқий, 3 ҳунар мактаблари, 13 та интернат фаолият кўрсатди, уларда жами 5604 ўқувчи таълим олди. Бироқ, бу рақам мактаб ёшидаги болаларни фақат 3,1 %ини ташкил қиларди.

Бухорода 1923-1924 ўқув йилида 5 та Хотин-қизлар мактаби мавжуд бўлиб, уларда 306 та хотин-қиз ўқиган. Халқ маорифига 1923-1924 ўқув йилида давлат бюджетидан 21 фоиз миқдорида маблағ ажратилган<sup>24</sup>. Ҳукумати томонидан маориф соҳасида янги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши туб аҳоли орасидан чиққан зиёли инсонларнинг зўр бериб меҳнат қилиши натижасида 20-йилларнинг 1-ярмида Сурхон воҳасида ҳам маданий ҳаёт жонлана бошлади.

Илм-фан ва маорифни азалдан эъзозлаб келган халқ оммаси ўзининг асрий анъаналарига амал қилиб, мактаб ва маориф ишига амалий ёрдам бериб келди. Ана шу вазифани амалга ошириш мақсадида Сурхон воҳасида ҳам саводсизликни тугатиш мактаблари иш бошлади. Шундай мактаблардан 5 таси 1921 йил охири ва 1922 йил бошларига келиб округнинг Шеробод, Бойсун, Денов ва Термиз уездларида очилди ҳамда бу мактабларда 400 га яқин ўқувчи таълим ола бошлади.<sup>25</sup>

Совет ҳукумати маҳаллий халқ орасида саводсизликни тугатиш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказиб, янги тузум манфаатларига мос равишда ўқитиш тизимини яратишга, аънанавий савод чиқариш тизимидан воз кечишга астойдил ҳаракат қилди. Саводсизликни тугатиш иши тиклаш даврининг дастлабки йилларида катта қийинчиликларга дуч келди: ўқитувчилар, мактаб бинолари, асбоб жиҳозлар, ўқув қўлланмалари ва пул маблағлари етишмас эди. Бироқ бу соҳа, гарчи қийинчилик билан бўлсада, изга туша бошлади.

Катта ёшдаги кишиларни ўқитиш шакл ва услулари такомиллаштирилди, савод мактаблари тармоғи бир мунча кенгайтирилди,

саводсизликни тугатувчи мактабларда маҳаллий ўқитувчилар сони ошди. Бу дастлабки ютуқлар кейинги йилларда саводхонликни ошириш юзасидан авж олган умумхалқ ҳаракатининг дебочаси бўлди. 1920-1922 йиллардаёқ Сурхондарё худудида янги типдаги 1-босқич мактаблар ташкил қилина бошланган эди.

Ана шундай мактабларнинг биринчиси Термиз шаҳрида 1921 йилда 6 та синф хонаси бўлган дастлабки рус мактаби фаолият юрита бошлади. 1923 йилда 3 синф хонаси бўлган 56 ўқувчига мўлжалланган М.Бехбудий номли биринчи ўзбек мактаби очилди. Кейинчалик Шеробод, Бойсун Жарқурғон, Шурчи, Денов ва Сариосиёда иш бошлади. Масалан, 1920-1924 йилларда Сариосиёнинг Дашнобод, Хуфар, Дехқонандар қишлоқларида дастлабки мактаблар очилди. Улар асосан аҳоли ўртасида саводсизликни бартараф этиш мақсадида ташкил этилганди. Машғулотлар араб алифбосида олиб борилган, муаллимлар Тошкент ва Самарқанддан келган.<sup>26</sup>

1918-1924 йилларда очилган мактабларнинг эътибори асосан, аҳоли ўртасида саводсизликни тугатишга қаратилган эди. Шу муҳим масалани амалга оширишда кадрлар масаласи хал қилиниши керак эди. Мактабларни ўқитувчилар билан таъминлаш ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ўз-ўзидан бўлмади. Совет тузимини қабул қилган ва унга хайрихоҳ бўлган эски зиёлилар дастлабки даврда янги мактабларда муаллимлик қилдилар. Лекин “сиёсий мулоҳазалар туфайли улар аксилинқилобий” элементлар сифатида мактаблардан четлатилди.

Мактабларда (қишлоқ мактабларида) асосан қисқа муддатли курсларда ишчилар дехқонлар косиб ва хунармандларни ўқитиш йўли билан тайёрланган, оддий ўқиш ва ёзишни, ҳисобда эса қўшув, айирув ва бўлувни билган муаллимлар ишлар эди. Шунингдек, ўқитувчи кадрлар тайёлашни тезлаштириш мақсадида 7 та билим юрти, шу жумладан 1 та хотин-қизлар билим юрти, 5 та педагогика техникуми, 2 та педагогика билим юрти ва 1 неча қисқа муддатли курслар очилди.

---

Биргина 1921 йилнинг ўзида Туркистон Республикаси бўйича 850 ўқитувчиси ходимлари тайёрлаш қисқа муддатли курслари очилди. Шу билан бирга ўлкада 7 та маориф институтлари иш олиб борди ва уларда 1145 та талаба таълим олди. Лекин уларнинг кўпчилиги русийзабон аҳоли эди. Ана шундай қисқа муддатли ўқитувчиларни тайёрлаш курсларида Сурхондарё округидан Ж.Амирхонов, Р.Хўжамбердиев, А.Хидоятлов, Э.Пардаев, Д.Мирзаев ва шу каби кўпгина ёшлар ўқиб, 1-босқич мактабларида ҳамда ўша вақтда аҳоли яшайдиган ҳар бир пунктда ўнларча саводсизликни тугатиш курсларида ишлай бошладилар.

Умумий таълим мактабларини ташкил қилиш оммавий тус олди. Уларнинг сони кун сайин ортиб борди. 1924 йилнинг Туркистонда расмий рўйхатга кўра мактаблар сони 1100 тага етди<sup>27</sup>. 1924 йил 21 январда Ўзбекистон худудида 26715 ўқувчи ўқийдиган 373 та 1-босқичли мактаб ташкил этилиб, шулардан 7637 ўқувчи таълим оладиган 191 та мактаб қишлоқларда жойлашган эди.

Сурхондарё худудида эса 13 та 1-босқич мактабида 733 ўқувчи ўқирди. (дан 690 таси ўзбеклар эди.), шулардан 11 та шаҳар мактабларида 639 та ўқувчи ўқиган бўлса, 2 тагина қишлоқ мактабларида 94 та ўқувчи ўқир эди. Лекин бу мактабларнинг ҳақиқий аҳволи анча оғир эди. Чунки, мактабларни ташкил қилиш ҳеч қандай режасиз, маблағсиз, ўқув анжомларисиз пала-партиш суръатда олиб борилди. Кўп ҳолларда ташкил қилинган мактаблар қуруқ бинодан (бинолар ҳам кўпинча мактаб учун яроқсиз эди) иборат бўлиб, улар зарур жиҳозлар ўқув воситалари ва қуроллари билан умуман таъминланмаган эди.

Янги иқтисодий сиёсат жорий қилиниши билан қишлоқ мактаблари давлат бюджетидан маҳаллий бюджетга ўтказилди. Оқибатда, қишлоқ мактабларининг аҳволи янада ёмонлашди, ўқитувчиларни маош билан таъминлашда қийинчиликлар юзага келди. Натижада Ўзбекистон қишлоқларида совет мактабларининг сони қисқариб 1924 йилнинг охирида 908 тага тушиб қолди. Мос равишда Сурхондарё худудидаги совет

мактаблари сони 5 тага тушуб қолиб, уларда 67 та ўқитувчи 400 нафар ўқувчига таълим берди<sup>28</sup>.

Маориф тизимини пул маблағи билан таъминлаш масаласи ҳам жуда оғир кечди. Хусусан, 1922 йилнинг апрел-декабр ойларида мактаб учун зарур маблағнинг 3 дан 1 қисмигина берилди холос. Халқ хужалигининг 1 қатор тармоқлари ходимлари учун ўртача иш хақи 30 сўм белгиланган холда, халқ маорифи соҳасида бу рақам 12 сўмга аранг етарди.<sup>29</sup>

Таъминот масаласида шаҳар мактаблари устун даражада “имтиёзга” эга эди. Қишлоқ мактаблари эса, бундан мустасно бўлиб, асосий эътибор русийзабон аҳоли фарзандлари ўқийдиган шаҳар мактабларига қаратилганди. 1920 -1924 йилларда халқ хўжалигини тиклаш эҳтиёжлар учун малакали кадрлар етиштириши муносабати билан ФЗУ (фабрика завод ўқувчилари), ШКМ (дехқон ёшлари мактаблари) ташкил қилина бошланди. Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларда эса 1926 йилдан бошлаб шундай мактаблар очилди. Шунингдек, бундай мактаблар Шерободда, Денов ва Термиз районларида ҳам ишга тушди.<sup>30</sup>

Шундай қилиб, 1917 -1924 йиллар мамлакатимиз ҳудудида совет мактабини қарор топшириш даври, халқ маорифи соҳасида большевикча «янги» билан маҳаллий ва миллий тарздаги “эски” ўртасида беомон кураш борган давр бўлди. Совет давлатининг ҳукумронлиги, большевикча мафқуранинг яқка ҳокимлиги янги маориф тизимиغا кенг йўл очиб берди. Янги совет таълими тизими қанчалик миллий, анъанавий қадриятлар андозасига зид бўлмасин миллийликка хавф солмасин унга қаршилик кўрсатилмасин, У ўлкамиз ҳаётига секин-аста кириб бораверди.

Халқ эса, ўз одатига кўра ҳамиша янгилик сари интиларди. 1924 йил 27 октябрда СССР БМИҚ II-сессияси, ТАССР Марказий Ижроя Қўмитаси, Советларнинг Умумбухоро V-қурултойи Ўрта Осиёда Ўзбекистон ва Туркманистон республикалари, Тожикистон Автоном республикаси, Қорақалпоғистон ва Қирғизистон автоном вилоятлари ташкил этилганлигини тасдиқлади.<sup>31</sup>



Ўрта Осиёда миллий ҳудудий чегаралаш ўтказилиши халқнинг маданиятига, ижтимоий-сиёсий ҳаётига, анъаналарига катта таъсир кўрсатди. Минтақа харитаси қайтадан тузилди. РСФСРнинг Туркистон Автоном Республикаси билан бир қаторда миллий-ҳудудий чегараланишига ҳуқуқий жиҳатдан мустақил Бухоро ва Хоразм республикаларининг ҳам жалб қилиниши, уларнинг қисмларга бўлиниши ва улар асосида янги миллий тузилмаларнинг ташкил топиши, уларнинг СССР таркибига киритилиши натижасида Ўрта Осиёнинг бу икки қадимги давлати дунёнинг сиёсий харитасидан бутунлай йўқ қилинди.

Шу билан бирга, янги тузилмаларни Ўрта Осиё халқларининг “Миллий давлатчилиги” ташкил этилганлиги сифатида баҳолаш ҳам тўғри бўлмаса керак. Чунки СССР таркибига кириш ва СССРнинг ташкил топганлиги ҳақидаги шартноманинг имзоланиши, бу ерда РКП (б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг ва бошқа шунга ўхшаш бутуниттифоқ идораларнинг сақланиб қолиши билан давлатга хос бўлган ҳокимият вазифалари ва ваколатхоналарининг барчаси Марказ ихтиёрида бўлиб қолди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг жонли ибораси билан айтганда, Ўрта Осиёда ташкил қилинган бу тузилмалар давлат бўлиб шаклланмаган (давлатга ўхшаш) тузилмалар эди.<sup>32</sup> Мазкур тузилмалар суверенитет ва мустақилликдан батамом маҳрум эдилар, улар аслида СССРнинг маъмурий-иқтисодий районлари даражасига туширилган бўлиб, ташкил этилаётган вақтларидаёқ уларга асосан Марказнинг манфаатларига хизмат қилиш, хом ашё етиштириш каби вазифалар аниқ қилиб белгилаб берилган эди.

20-йилларнинг иккинчи ярми, 30-йиллар совет ҳокимияти учун ўзининг сиёсий ва иқтисодий мавқеини янада

мустаҳкамлаш даври бўлди. Истиклолчилар кураши, барча ихтилофлардаги сиёсий партиялар тугатилиши натижасида большевиклар мутлоқ яқка ҳоким партияга айланди. У жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида ўз мафкуравий таъсирини ўтказиб борди.

Айниқса бу кишилар онгини ўзгартиришда муҳим омил бўлган таълимда, илмда ва маданиятда жиддий тус олди. Дастлабки йилларда маданият ва уни бошқариш жабҳаларда демократик тамойиллар бирмунча мавжуд бўлиб, ҳокимият маҳаллий урф-одатлар ва хусусиятларни ҳисобга олишга мажбур бўлган эди. Кейинчалик эса, маъмурий-буйруқбозлик усуллари кенг қулоқ отиб мустаҳкамланиб боришли билан ялпи кўрсаткичлар ортидан қувиш, большевикча “маданий инқилоб” йўли ва усуллари устиворлик қила бошлади.

Халқнинг маърифатга, фанга ва миллий маънавиятга бўлган интилиши ҳукмрон кучлар томонидан узоқни кўзламай ва яхши ўйламай олиб борган сиёсатлари натижасида сиёсий манфаатлар йўлига бурилди. Янги зиёли кадрларни шакллантириш, эски мавжуд миллий зиёлеларни йўқ қилиш ана шу мақсадларни кўзлаб амалга оширилди. Саводхонлик даражасининг ўсиши бюрократик бошқарув тизимининг мустаҳкамланиб бориши, техника тараққиёти томон юриш ва илмий муассасаларнинг ташкил топиш жараёнлари улар устидан қаттиқ мафкуравий назоратнинг ўрнатилиши билан ҳамоҳанг равишда юз берди.

Совет давлатининг статистик маълумотларида кўрсатилишича 1924-1940 йиллар давомида халқ таълими мактаблари сони муттасил ортиб борган. Ўзбекистон СССР ташкил этилганда унинг ҳудудида 908 та мактаб бўлиб, бу мактабларда 75500 нафар ўқувчилар ўқиган. Қишлоқларда 640 та мактаб бўлиб, уларда 31600 киши ўқиган.<sup>33</sup> 1926 йил 1 июнда Ўзбекистон ҳудудида 1339

та биринчи босқич мактабларида 79701 ўқувчи ўқиган, улардан 1042 та қишлоқ мактабида 42559 киши ўқиган бўлса 1927 йил июнда республикада биринчи босқич мактаблар сони 1548 тага, улардаги ўқувчилар сони 83963 кишига, улардан қишлоқ мактаблари сони 1258 тага, ўқувчилар сони 48945 нафарга етди.

1924 йилда Сурхондарё ҳудудида 5 та янги совет мактаби мавжуд бўлиб, уларда 67 ўқитувчи 400 нафар ўқувчига билим берди. Воҳада “Саводсизлик”ни тугатиш ва янги совет мактабларини ташкил этиш кескин мафкуравий курашлар билан биргаликда давом этди. Шунга қарамасдан янги совет мактабларини кенг миқёсда ташкил этишга ҳаракат қилинди. Бу жараён аввало, дарслар она тилида олиб бориладиган I ва II босқич мактабларини ташкил этиш билан боғлиқ эди.

1924-1926 ўқув йилида I босқич мактабларининг сони 29 тага етди, улардаги синфхоналар сони 41 тага, ўқувчилар эса 1163 нафарни ташкил қилди. Улардан 309 нафар ўқувчи 15 та қишлоқ мактабида таълим оларди. 1926-1927 ўқув йилида мактаблар 32 тага, синфлар сони 46 тага, ўқувчилар сони 2170 ва ўқитувчилар сони эса 70 нафарга етди.<sup>34</sup>

1924-1925 ўқув йилида Ўзбекистонда 160 ға совет типдаги мактаблар ташкил қилиниб, уларда 17209 ўқувчи таълим олган<sup>35</sup>. 1926 йилда мактаблар аввалгидан 650 та ва улардаги ўқувчиларнинг сони эса, 40 минг тага ошди: қишлоқ мактаблари сони сони бу вақт ичида 432 тага ошди. Мактаблар тўрт вилоятда яъни Зарафшон, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида энг кўп очилди.

Хусусан, 1924 йилда Самарқанд вилоятида 409 та, Фарғонада 354 та, Тошкентда 409 та, Бухоро ва Хоразмда 83та, шундан 33 таси Зарафшонда, Хоразм ва Қашқадарёда 19 та ва Сурхондарё вилоятида 10 та мактаб ишга туширилди.<sup>36</sup>

Сурхондарёдаги биринчи ўзбек мактаби М.Бехбудий номли мактабда 1924 йилга келиб синфлар сони тўрттага етиб. Ўқувчилар сони 100 дан ошди. Мактабда 5 нафар ўқитувчи-мактаб асосчиси Абдурахмон Тоҳиров, Жумағози Амирхонов, Эшбой пардаев, К.Умаров ва Ш.Каракаевлар дарс берадилар. Кейинчалик мактабнинг янги биноси қурилган. 1937 йилда ўрта мактабга айланган<sup>37</sup>.

Шерабодда илк маротаба 1924 йилда ҳозирги 1-мактаб очилди ва унга 185 нафар ўқувчи жалб қилинди. Бу мактабда шаҳар марказидан ташқари Хўжги, Оққўрғон, Ғамбур, Чўйинчи, Қўштегирмон, Тароқли ва Қулликшо қишлоқларининг болалари ҳам ўқий бошладилар. Кейинчалик бу мактабда узоқдан қатнаб ўқийдиган болалар учун мактаб қошида интернат ташкил қилинди.<sup>38</sup>

Айни вақтда Бойсундаги Дарбанд ва Қумқўрғон қишлоқларидаги 2 та мактабга 53 ўқувчи жалб этилди. Шулар қаторига Дашнабод, Сариосиё қишлоқларида, Деновдаги Юрчи қўрғонида болалар уйи қошида (кейинчалик бу мактаб Денов марказига кўчирилиб Охунбобоев номи билан аталган) ва Шўрчи туманидаги 1-мактаб фаолият кўрсата бошлаган. Термиз шаҳридаги 3-мактабда 150 бола ўқиган.

1925 йил 29 январда тузилган маркази Шерабод бўлган Сурхондарё вилоятида 92 ўқувчиси ва 10 нафар ўқитувчисига эга бўлган партия-совет мактаби ташкил қилинди. Мактаб сони муттасил кўпайиб борди. Бироқ рақамлар ортидан қувиш ва шошма-шошарлик оқибатида умумий таълимни жорий қилишда кўпгина жиддий хатоларга йўл қўйилди. Жумладан, мактаб ёшидаги болаларнинг бир қисми ўқишга тортилмай қолди.

Ўқишни ташлаб кетаётган ўқувчилар сони (айниқса маҳаллий миллат ёшлари орасида) ортиб борди, кўпгина мактабларда

Ўқитиш савияси мутлақо талабга жавоб бермасди. Чунки муаллимларнинг билим даражаси етарли эмасди. Қатъий ўқув режалар ва дастурлари бўлмаганлиги сабабли мактаб ўқитувчилари ўзлари ўқиган педагогик курсларда тузилган кўчирмалардан фойдаланишга тўғри келарди. Айниқса уларнинг моддий аҳволи ёмон эди, мактаблар сон жиҳатдан муттасил ошиб бораётган бўлсада, уларнинг ўқув-моддий базаси эса ночор аҳволда қолаётган эди.

Сурхондарё маориф тизимида 1925-1926 ўқув йилида мавжуд 29 та совет мактабидан фақатгина 3 таси тўла қувват билан ишлаётган эди. Ушбу масаладаги оғир вазиятни Сурхондарё округ халқ таълими бошқармаси бошлиғи А.Бобоҳўжаев қаттиқ танқид остига олиб, миллий таълим беришнинг издан чиқиши билан янги таълим тизими ҳам ўзини оқламаганлигини қоралади. Айниқса халқ таълими учун зарур бўлган ўқув жиҳозлари, ўқув қўлланмалари, мебеллар, парта, стол ва стуллар етишмаслиги, синфхоналарнинг ёритилмаганлиги, мактаб учун керосин, ёқилғи, ёритгич асбоблари йўқлиги ошкор айтилди.

1927 йилда Бутуниттифоқ мактаблари рўйхатида кўрсатилишича, Сурхондарёдаги мавжуд 53 та мактабнинг 10 таси махсус биноларда, 17 таси мослаштирилган ва 26 таси ижарага олинган биноларда жойлаштирилган. Фақат 12 та бино таълим беришга яроқли эди, 21 таси таъмирлаш керак эди. Масалан, Сарийосиё тумани Тортувли қишлоғида ташкил этилган ҳозирги 24-ўрта мактаб (Н.Норов номли) 1927-1928 ўқув йилигача аниқ бир жойга эга бўлмаган. Хўжанд шаҳридан келган Олим Ғозиев раҳбарлик қилаётган бу мактаб 1929 йилдан бошлабгина бошланғич мактаб номини олган.<sup>39</sup>

1928 йилда ташкил этилган Бандихон қишлоғидаги мактабда машғулотлар 2 та қора уй (ўтов)да олиб борилган. Бойсунлик

Қозиев деган ўқитувчи бу мактабда биринчи устозлик қилган. 1930 йилда мактабга Акмал Икромов номи берилиб, махсус бино қурилган.<sup>40</sup>

Маориф тизимини пул билан таъминлаш масаласи ҳам жуда оғир кечди. Мактаблар учун зарур маблағнинг жуда оз қисми бериларди. Шундай бўлсада, совет ҳокимиятининг дастлибки йиллари халқ маорифи учун маълум миқдорда пул ажратилди. Масалан, 1924-1925 ўқув йилида республика бюджетининг 24 фоизи халқ маорифи учун ажратилди.

Халқ маорифига ажратилган маблағ кўрсаткичи:

1924 –1925	8908,2 минг сўм,
1925 - 1926	12532,8 минг сўм
1926 - 1927	15780,5 минг сўм
1927 - 1928	18146,2 минг сўм
1928 - 1929	25457,1 минг сўм

Ана шу ажратилган маблағлар ҳисобига округнинг қишлоқ жойларида ҳам бир қанча мактаблар очилди. Шўрчи районининг Хидиршо, Янгиобод, Култепа қишлоқларида, Денов районининг Юрчи, Анбарсой, Хайрабод қишлоқларида ва бошқа жойларда дастлабки мактаблар ташкил қилина бошланди.

1926-1927 йилларда Шўрчи районининг Жиндибулоқ, Хидиршо, Култепа, Сариосиё районининг Дашнабод, Хуфор, Девқаландар, Деновнинг Юрчи, Анбарсой, Хайрабод, Бойсуннинг Дарбанд, Тошпўлаткент, Кофурун каби қишлоқларида I босқич мактаблари ташкил этилди. Бу мактабларга юзлаб ўқувчилар қабул қилинди. Мактаблар қурилиши ва ўқув жиҳозлари учун маблағ ажратиш кўпайтирилди.

1926-1927 ўқув йилида сурхондарё ҳудудида иш олиб борган мактаблардан 32 таси, асосан мослаштирилган эски иморатларда, ҳатто битта мактаб Сайроб қишлоғидаги катта чинор дарахтининг

улкан ковагида жойлашган эди. Сурхондарё округи халқ маорифи ишларини ташкил этиш ва ривожлантириш учун 1926-1927 ўқув йилида 15780,5 минг сўм маблағ ажратилган бўлса, 1927-1928 ўқув йилида 18146,2 минг сўм, 1928-1929 ўқув йилида эса 25457, 1 минг сўм маблағ ажратилди.

Шу маблағлар ҳисобига Сурхондарё вилоятида 1926 йилда 8 та, 1928 йилда эса 32 та янги мактаб бинолари қурилди. Воҳанинг зиёга чанқоқ аҳолиси ҳам мактаблар қурилиши ва саводсизликни тугатиш ишларида фаол иштирок эта бошлади. 1926-1928 йилларда аҳоли мабалағи ҳисобига 11 та, маҳаллий бюджет ҳисобидан эса 1 та мактаб қурилди, 26 бино эса мактабларга мослаштирилди. Ҳашар йўли билан Паттакесар, Шеробод, Сариосиё, Жарқўрғон, Бойсун, Дарбанд, Қумқўрғон ва Деновда янги мактаб бинолари қурила бошланди. Масалан, 1927 йилда Қумқўрғон қишлоғида 1-маткаб биноти қурилди. Чкалов номидаги бу мактабда 2 та синфхона бўлиб, 18 нафар болага Қурбон Искандаров, Қорахонов, Азизов каби ўқитувчилар дарс беришган.<sup>41</sup>

1927-1928 ўқув йилида мактаблар сони 63 тага, ундаги ўқувчилар сони 2500 нафарга, синфхоналар сони 88 тага етди. Қишлоқ жойлардаги мактаблар сони 1926 йилга нисбатан қарийб уч марта кўпайди. Сурхондарё округи ташкил этилган мактабларнинг деярли барчаси I босқич бошланғич маълумот бериш билан кифояланарди. 1925 йил 25 ноябрда биринчи босқич мактаблари ўқитувчиларнинг Термиз шаҳрида бўлиб ўтган биринчи кенгашида мактабларни иккинчи босқичга ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.<sup>42</sup>

Шу қарор асосида 1925-1926 ўқув йилида ўрта маълумот берувчи I мактаб ташкил қилинди. Бу мактабларда 1 та синф ўрта маълумот беришга ихтисослаштирилган эди. 1926-1927 ўқув йилида ўрта маълумот берувчи синфлар сони 3 тага етган бўлса,

1927-1928 ўқув йилида эса 5 тага етказилди. 1926 йилдан Ўзбекистонда Дехқон ёшлари мактаблари (ШДМ) очила бошлади, бу мактабларнинг дастурларида ўқувчиларга қишлоқ хўжалигига оид ихтисос ва бирмунча қисқа ҳажмда умумий маълумот бериш кўзда тутилган эди.

1926-1927 ўқув йилида Сурхондарё округида ҳам 1 та Дехқон ёшлари мактаби очилди. Бу мактаблар дастлабки пайдо бўлган вақтлариданоқ уларнинг ўқув-тарбия ишларида жиддий камчиликлар бор эди:бу мактабларда ўқувчиларнинг фан асосларини эгаллашларига етарли эътибор берилмади<sup>43</sup>.

Маҳаллий хотин-қизларни маориф масканларига жалб қилиш осон бўлмади. Мавжуд мактаб ва ҳунар-техника ўқув юртларида маҳаллий миллатларнинг қизлари ўқувчиларнинг 7-8% ини ташкил қиларди. Қизларни мактабларга тортишда шошмасошарлик, урф-одатлар ва анъаналарни ҳисобга олмаслик бир қатор мураккабликлар туғдирди.

Хотин-қизлар учун алоҳида мактаблар, хотин-қизлардан ўқитувчи педагоглар бўлиши керак эди. Хотин-қизлар мактаблари 1923-1924 ўқув йилида 30 та, ундаги ўқувчилар сони 1344 бўлган бўлса, 1924-1925 ўқув йилида 34 та, улардаги ўқувчилар сони 2158 нафар, 1925-1926 ўқув йилида эса 96 та, улардаги ўқувчилар сони 9454 нафар қизлар ўқиди. 1925-1926 ўқув йилидан бошлаб, ўғил болалар мактаби қошида қизлар учун махсус синфлар очила бошлади. Бу синфларда 4563 киши ўқиди.

Шу билан бирга, хотин-қизлар мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлаш ҳам кучайтирилди. 1925-1926 ўқув йилида маҳаллий аҳоли хотин-қизларидан 128 киши, кейинги ўқув йилида эса 291 киши ўқитувчи бўлиб етишди. 1925 йил 21 ноябрда Термиз шаҳар халқ таълими бўлими шаҳарда маҳаллий миллат хотин-қизларига мўлжалланган биринчи мактабни очиш ҳақида қарор қабул қилди.



1926-1927 ўқув йилида Ўзбекистонда 101 та хотин-қизлар мактаби мавжуд бўлса, Сурхондарё округида шу ўқув йилида 5 та хотин-қизлар мактаби иш бошлади. Бу мактабларда фаолият кўрсатган, воҳада етишиб чиққан дастлабки хотин-қиз ўқитувчилардан Амина Файзиева, Инобат Рустамова, Хадича Ўрмонова ва бошқаларнинг номларини келтириб ўтиш мумкин.

1927 йилда Термиз шаҳрида ўқитувчиларнинг шаҳар, 1928 йилда округ конференциялари бўлиб ўтди. Унда округдаги барча мактаблардан 78 та ўқитувчи иштирок этди. Конференция қарорларида халқ маорифини кенгайтириш юзасидан амалий тадбирлар қабул қилинди. Ишчи-деҳқон ва қизил армия депутатлари Сурхондарё округи Советларининг II (1927) ва III (1928) съедларида округ аҳолисининг аксарияти ўқишга тортилмай қолаётганлиги қайд этилди.

Шу даврда округда мактаб ёшидаги болаларнинг 9,8 фоизи, ўқувчи-қизларнинг эса 1,3 фоизи мактабга жалб қилинган эди, холос. Мактабларда ўқув-тарбия ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, айниқса қишлоқ мактабларида асосан қисқа муддатли курсларда ишчилар, деҳқонлар, косиб ва ўунармандларни ўқитиш йўли билан тайёрланган, оддий ўқиш ва ёзишни, ҳисобда эса қўшув, айирув ва бўлувни билган муаллимлар дарс берганлиги туфайли айрм ота-оналар фарзандларини яна эски мактабларга беришга мажбур бўлдилар.

Маълумки, 20-йилларнинг бошларида совет мактаблари билан биргаликда эски учул мактаблари, диний ташкилотлар томонидан таъминлаб бериладиган вақф мактаблари ва мадрасалар ҳам ишлаб турарди. 1925-1926 ўқув йилида 97 та вақф мактаблари, 1600 дан ортиқ эски мактаблар бўлиб, улардан 250 таси яширин ҳолда иш олиб борган.<sup>44</sup> Янги совет мактаблари муаллимларга муҳтож бўлсада, эски мактаблар ва жаид усулидаги мактаблар

муаллимларидан фойдаланмади, аксинча, уларга “душман” сифатида қаралди. 1927 йилда “За партию” журнали орқали сиёсий доиралар эски усулдаги ва жаид мактабларига қарши кураш эълон қилди.<sup>45</sup>

Натижада, улар совет маъмурлари томонидан аста-секин беркитилди. 1924 йилда воҳамизда 205 та эски мактаблар фаолият кўрсатган бўлса, 1927-1928 ўқув йилига келиб эса, бу мактаблар сони 17 тага тушиб қолди. Уларда жами 136 киши: 121 нафар ўғил бола, 15 нафар қизлар таълим оларди. Мустабид жамиятнинг маданий соҳада олиб борган зўравонлик сиёсати оқибатида миллатнинг маънавий имконияти чекланди.

Ижтимоий ҳаётда қатор мушкулотлар юз берганидек, халқ маорифи соҳасида ҳам анаъанавий таълимни чеклаб қўйиш авж олди. Бунинг оқибатида 20-30 йиллар давомида миллий таълим ўрнида зўрлик йўли билан совет таълими тизими жорий этилди. 1928 йилнинг ноябрида Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия комитетининг 2-чақириқ IV сессиясида “Эски усул мактаблар ва қорихоналарни тугатиш тўғрисида” қарор қабул қилинди.

Совет ҳокимиятининг инсонпарварликка зид сиёсати натижасида эски мактаблар ва жаид мактаблари 1928 йилга келиб ўз фаолиятини амалда тугатишга мажбур бўлди. 20-йиллар охирида партия мафкура майдонида яна бир ғояни-маданий меросни инкор этиш ғоясини ташлади, бу аслида “маданий инқилоб”нинг асосий мақсадларидан бири эди. Компартиянинг маданий меросни инкор этиш сиёсати араб ёзувини лотин графикасига алмаштириш ҳақидаги қарорда ўз аксини топди.

СССР МИК ва ХККнинг ушбу қарори 1929 йил 7 августда қабул қилинди. Аслида ўзбек ёзувини лотинлаштириш ғоясини 1921 йилда ўзбек тили ва унинг имлосига бағишланган 1-Ўлка қурултойида ўртага ташланган бўлиб, кўпчилик томонидан қўллаб-

қувватланмаган эди. Съезд қабул қилган 6 банддан иборат қарорда ўзбек ёзувини араб имлоси асосида сақлаб қолиш, бироқ ўқиш ҳамда ёзувни ўрганишда енгиллаштириш мақсадида уни бир оз соддалаштириш зарурлиги таъкидланди. 1926 йил мартда Боқу шаҳрида бўлиб ўтган I Умумиттифоқ съездида ҳам бу муаммо қизғин мунозаларга сабаб бўлди.

Албатта, ислоҳат ўтказишдан мақсад, аввало араб имлосига қараганда анча енгил ўзлаштириладиган лотин имлосини ўрганиш билан саводсизликни мумкин қадар тезроқ тугатиш учун интилиш эканлигини сезиш қийин эмас. Аммо ёзувнинг лотинлаштиришига қарши турган муҳолифлар, советларнинг бу йўли кўп миллатли Совет Ўрта Осиёси халқларини Шарқ мусурмон мамлакатларидан сунъий равишда ажратиб олиб, улар учун алоҳида янги маданият ва тарих яратишни мақсад қилиб қўйганлар, деган фикрлари мутлақо тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

Иккинчи томондан ёзувнинг лотинлаштириши динга қарши ташвиқотнинг бир шакли эди, большевиклар таъбирига кўра, араб ёзуви диндорларга, уламоларга “хизмат қилар” эди. Натижада, съезд ёзувни ўзгартириш лозимлиги ва лотин алфавити жорий қилинишини ёқлади. 1926 йил июлида Ўзбекистон ССР МИК IV сессияси қарорига мувофиқ, лотинлаштириш Марказий Комитети тузилиб, Ўзбекистон Маориф Халқ Комиссарлигининг Академик маркази билан биргаликда 1926 йил августда ўзбек тили мутахассислари конференциясини ўзбек тилининг янги алфавитини ишлаб чиқиш учун чақирди.

Конференция лотин графигасига асосланган янги алфавит лойиҳасини ишлаб чиқди. Янги алфавитда 9 та унли ҳарф ва 23 та ундош ҳарф мавжуд эди. Конференция тугаши билан, янги алфавитни таништириш ва турмушгша тадбиқ этиш мақсадида тарғибот ишлари бошлаб юборилди. Плакатлар, янги ўзбек лотин

алфавитининг деворларга осиладиган ва чўнтакларда юритиладиган жадваллари босиб чиқарилди, “Қизил йўл” номли алифбе, “Орфография луғати” нашр қилинди.<sup>46</sup>

Ўзбек алфавитини ислоҳ қилиш билан боғлиқ бўлган тайёрлов курслари очилди. Масалан, 1926-1927 ўқув йилидаёқ Шеробод ва Паттакесарда иккита лотинлаштириш курсида 99 киши тайёрланди. Бундан ташқари Бойсун ва Шерободда ҳам лотинлаштириш курслари ташкил қилинган. Сурхондарё вилояти маркази Термизда давлат идораларида ишлайдиганларни тайёрлайдиган 9 та курс очилиб уларда 229 киши ўқиди. Сурхондарёнинг район марказлари ва қишлоқларида 43 та мана шундай курсларда 1617 киши ўқиди.

1929 йилнинг охирига келиб араб ёзувиغا асосланган қадимги ўзбек ёзуви лотин алифбосига алмаштирилди. 1929 йилда Республиканинг мактаблари лотин ҳарфида териб босилган янги дарсликлар олдилар. Бироқ ёзув масаласи атрофидаги барча шов-шувлардан тортиб то ҳукумат, оддий ташкилотлар, ислоҳатни ташкил этувчилар меҳнати ғоявий тарғибот ишларининг бари 30 йиллар охирига келиб мутлоқо кераксиз бўлиб қолди. Ёзувни лотинлаштириш учун сарфланган катта маблағлар эса бекор кетди. Чунки бу даврга келиб ҳеч қандай ташвиқотсиз, буйруқ тарзида ёзувнинг навбатдаги янги ислоҳати амалга оширилди.

Термиз шаҳрининг 1927 йил 30 июлдан бошлаб Сурхондарё округининг марказига, 1929 йилдан вилоятга бўйсунувчи шаҳарга айлантирилиши натижасида округ миқёсида амалга оширилаётган маданий- маърифий қурилишларга, аввало Термизда пойдевор қўйила бошланди.

Сурхондарё округ советининг 1929 йил 19-25 март кунларида бўлиб ўтган IV съездида амалга оширилаётган маданий қурилиш натижалари ва навбатдаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

1925 йилдан то 1929 йилгача Ўзбекистон бўйича ҳар йили 297 тадан мактаб очилган бўлса, Сурхондарёда бу рақам 14 тани ташкил этди. 1929 йилнинг охирига келиб Сурхондарёда 1 босқичли мактаблар 137 тага етган ва уларда 5250 ўқувчи ўқиган.

30-йилларга келиб, Советларнинг “Маданий инқилоб” тадбири жамиятнинг барча жабҳаларини, айниқса фан ва маданиятни ўта мафкуралаштириб, унинг ҳар бир соҳасини қамраб олди. Большевикларнинг тарбиянинг дастлабки ва таъсирчан ўчоғи бўлган халқ таълимини биринчи кунданок мафкура измига солиш учун бутун имкониятини ишга солди. Мактабларда сиёсий тарбиянинг йўлга қўйишга ва уни такомиллаштириб боришга эътибор берди.

Совет мактаблари дарсликларга муҳтож бўлиб турган бир пайтда, жаҳид муаллифлари ёзган ва мусулмон болаларини турмуши ва психологиясига мослаштирилган дарсликлардан фойдаланиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмади. Мактабларда эса кўп ҳолларда махсус тайёргарликдан ўтмаган, маълумоти паст, малакасиз кишилар муаллимлар қилдилар. 1932 йилда республика педагогика ўқув юртларида ишлаётган ўқитувчиларнинг 72% ини бошланғич маълумотларга эга бўлганлар ташкил қилган эди.<sup>47</sup>

Бунинг устига мактаблар ёмон аҳволда бўлиб, оддий жиҳозлар, дарсликлар етишмас, ўқитишнинг аниқ дастури ва услуби ҳали ишлаб чиқилмаган эди. Шунга қарамасдан, ўзбек халқининг билимга бўлган интилиши 30- йилларнинг бошларига келганда республикада саводхонлик учун умумхалқ юришини бошлаб берди. ВКП (б) Марказий Комитетининг 1930 йил 25 июл қарорига кўра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва ХКС 1930 йилнинг 15 сентябрда республикада 1930-1931 ўқув йилидан бошлаб умумий-мажбурий бошланғич таълимни жорий қилиш ҳақида қарор чиқардилар.<sup>48</sup>

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузурида умумий-мажбурий бошланғич таълим ишига раҳбарлик қилувчи махсус республика комитети тузилди. Ўзбекистонда умумий-мажбурий бошланғич таълимнинг жорий қилиниши мактаблар, ўқитувчилар сонини анча ошириш, миллий тилда дарсликлар яратиш, мактабнинг моддий-техника базасини яхшилаш ва шу каби бир қанча муаммоларни ҳал қилишни тақазо қиларди.

Умумий-мажбурий бошланғич таълимни амалга ошириш учун ўқитувчилар, талабалар илм-фан ходимлари, ёшлар жамоаларининг катта армияси сафарбар этилди. Ўзбекистон ССР Маориф Халқ комиссарлигининг жойларга юборилган бригадалари умумий мажбурий таълимни жорий қилишда ижобий роль ўйнади. Сурхондарё округининг Денов районида 1930 йилнинг сентябри ўрталарида шундай бригада ишлаган. Умумий-мажбурий бошланғич таълим жорий қилиниши билан, халқ маорифига давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ кўпайтирилди.

Бу эҳтиёжларга 1928 йилда 28,5 миллион сўм сарфланган бўлса, 1933 йили 170,5 миллион сўм ажратилди. Мактаблар ва ўқитувчилар сони йилдан йилга оша борди. Ўзбекистонда 1928-1929 ўқув йилида мактаблар 2720 та бўлиб, уларда 139,8 минг ўқувчи ўқиган бўлса, 1931-1932 ўқув йилида мактаблар сони 4437 тага улардаги ўқувчилар сони 514 900 тага етди. 1932-1933 ўқув йилида эса мактаблар сони 6444 тага (улардан 509 таси шаҳарда, 5935 таси қишлоқда), ўқувчилар сони эса 644,3 минг нафарга (145 минг нафари шаҳарларда, 449, 3 минг нафари қишлоқларда ўқиган) етди.<sup>49</sup>

1928-1929 ўқув йилида бошланғич мактабларда 94 минг ўзбек болалари ўқиган бўлса, 1932-1933 ўқув йилида улар сони 306800 кишига етди.<sup>50</sup>

1929-1930 ўқув йилида Сурхондарё округи маориф тизими учун 1231 000 сўм ажратилди. Бу 1925-1926 ўқув йилига нисбатан уч баробар кўп эди. Натижада ушбу маблағлар эвазига ташкил этилган мактаблар сони ортиб борди. Биринчи беш йиллик даврида умумий бошланғич таълим мактаблари сони Сурхондарёда ҳам йил сайин кўпайиб борди. Биргина Термиз районида 1929 йили 15 та биринчи босқич мактабида 781 нафар ўқувчи ўқиган бўлса, 1932 йилда 38 та биринчи босқич мактабида 3252 нафар ўқучи таълим олди.

Бу йилларда етти йиллик мактаблар сони ҳам ўсди. 1929 йилда Термиз шаҳридаги 2 та етти йиллик мактабда 130 нафар ўқувчи ўқиган бўлса, 1932 йилда шундай 6 та мактабда 363 ўқувчи таълим олди. 1931 йилда 8 та ўсмирлар мактабида 190 нафар ўқувчи ўқиган бўлса, 1932 йилда 12 та шундай мактабда 415 нафар ўқувчи тахсил кўрди. Хотин-қизларни ўқишга тортиш иши ҳали ҳам оқсамоқда эди. Айниқса қишлоқлардаги хотин-қизлар мактабларга жуда кам тортилган эди.

Фақатгина Термиз районида 1929 йилда биринчи босқич мактабларидаги 781 нафар ўқувчидан 205 нафари қизлар бўлса, 1932 йилга келиб 3252 нафар ўқитувчидан 1420 нафарини қизлар ташкил этди. Уч йилда 26,2% дан 40%гача қизлар мактабга тортилган бўлсада, улар асосан, Термиз шаҳрида яшовчи қизларнинг мактабга жалб этилиши туфайли кўпайган. Қишлоқлардаги хотин-қизлар, айниқса ўзбек ва бошқа маҳаллий миллат хотин-қизлари умумий-мажбурий бошланғич таълим мактабларига жуда кам тортилган эди.

Шундай қилиб, 30-йилларнинг бошларида умумий-мажбурий бошланғич таълимни жорий этиш, саводсизликни тугатиш каби ислохатлар ҳам ижобий, ҳам салбий тарзда кечди. Республикада 1934 йил ўрталарига келиб умумий бошланғич таълимга

ўтиш тугалланиб, етти йиллик таълим жорий этишга киришилди. 1935 йилнинг 10-17 январиди бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Советлар V съезди “Бошланғич ва ўрта мактаблар аҳволи ва бу соҳадаги вазифалар ҳақида” махсус қарор қабул қилди, бу қарорда республика мактабларининг таълим ишларида жиддийгина камчиликлар борлиги кўрсатилди.

Съезд Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советига 8 ёшдан 15 ёшгача бўлган ҳамма болаларни мактабга тўла тортиш режасини, саводсизликни тугатишни, янги очиладиган етти йиллик ва ўрта мактаблар учун бинолар қуриш дастурини ишлаб чиқишни таклиф қилди. Биринчи беш йилликда республика халқ маорифига 346 миллион сўм сарфланган бўлса, иккинчи беш йиллик ичида республика халқ маорифига 161 5700 минг сўм сарф қилинди.<sup>51</sup>

1937-1938 ўқув йилида 4614 та мактаб бўлиб, унинг 1376 таси етти йиллик, 296 таси ўрта мактаб эди. 1924-1925 ўқув йилида 75,5 минг нафар ўқувчи ўқиган бўлса, 1937-1938 ўқув йилида 931,8 минг киши ўқиди.<sup>52</sup>

1936 йил 17 декабрда Сурхондарё округ қўмитасининг бўлиб ўтган кенгашида халқ маорифининг галдаги вазифалари муҳокама қилинди ва тегишли тadbирлар ишлаб чиқилди.<sup>53</sup> 1936-1937 ўқув йилида округда 26 246 нафар ўқувчиси бўлган 107 та бошланғич, 120 та етти йиллик, 5 та ўрта мактаб ишлаб турди. 1937 йилда 420 та бошланғич, утти йиллик ва ўрта мактаблар бор эди. Уларнинг сони 1934 йилдагига нисбатан камайди (1934 йилда 514 та мактаб мавжуд эди), бу қишлоқлардаги мактабларнинг турли филиалларини қисқартириш ҳисобига йирик мактабларга айлантириш (асосан Бойсун ва Сарносиё районларида) туфайли бўлган эди.

1935 йилда 32,7 минг ўқувчи ўқиган бўлса, 1937 йилда бу мактабларда 50,3 минг ўқувчи таълим олди. 1938 йилда ўқувчилар



сони янада кўпайиб, 55767 кишига етди. Бу даврда етти йиллик ва ўрта мактаблар қурилишига ва мактабларни таъмирлашга кўплаб маблағлар ажратилди. 1936 йилда республика бюджетидан 27,7 миллион сўм ажратилди. Ҳолбуки, 1932 йилда 2,8 миллион сўм маблағ ажратилган эди. Фақат 1934-1936 йилларда 376 та мактаб қурилишига 42 миллион сўм ажратилди.<sup>54</sup>

1936 йилда мактаблар қурилишига Сурхондарё округида 856,3 минг сўм пул ажратилди бу маблағга битта ўн йиллик, олтита етти йиллик мактаб ва Термиз Педагогика билим юртига ётоқхона қурилиши керак эди. Лекин қурилишлар лойиҳаси, сметаси нотўғри олинганлиги, қурилиш материалларининг етмаганлиги, округ ва район раҳбарларининг қониқарсиз фаолияти натижасида бу мактаблар қурилиши орқага сурилди.

1936 йил 1 августида уларнинг 5,5 фоизи 70 фоизгача бўлган қисми қурилган эди, холос. Қишлоқлардаги мактаблар қурилиши ҳам оғир аҳволда эди. Масалан, 1938 йил ёзида Бойсун туманининг Сайроб қишлоғида шу ўқув йилида ишга тушиш керак бўлган мактабнинг 54 фоиз қисмигина қурилган эди. Яна бир мактабнинг қурилиши май ойида бошланиб, июл ойида фақат 13 фоиз қисмигина қурилган эди. Шўрчи районида аҳолининг қаршилигига қарамай, аҳоли пунктига 5-6 км узоқликда мактаб қурилди.<sup>55</sup>

Денов туманидаги 154 та мактабнинг 70 тасигина таъмирланди, тўлиқсиз ўрта мактабларнинг қурилиши 3 фоизгагина бажарилди.<sup>56</sup> Мактаб ёшидаги болаларнинг мактабга тортилиши ҳам зиддиятли кечди. Мактаб ёшидаги болаларнинг бир қисми ўқишга тортилмай қолди, ўқишни ташлаб кетаётган ўқувчилар сони ортиб борди.

Масалан, Ўзбекистон ССР ишчи, Деҳқон ва қизил аскарлар депутатлари советларининг V съезди 1936 йилда ўзининг:

“Бошланғич мактабларнинг аҳволи ва иши ҳақида” чиқарган қароридан, “Районларнинг кўпчилигида ўқувчиларнинг мактаблардан кетиб қолиш ва иккинчи йилга қолиш фоизи ҳали ҳам жуда баланд, бошланғич мактабларнинг учинчи ва тўртинчи синфларининг ўсиши мутлақо етарли эмас, бу синфларда ўқувчи болалар сони, айниқса қизлар жуда оз, бу аҳвол етти йиллик умумий таълимни амалга оширишни жиддий хавф остида қолдиради”, деб кўрсатилган эди.

1938-1939 ўқув йилида мактаб ёшидаги болалардан 47 минг нафар ўқувчи мактабга тортилмаган; 68 минг ўқувчи бола мактабларда ўқишни ташлаб кетиб қолган эди. Ваҳоланки, совет мактабларида эски усул мактабларига ўтиб ўқишни хоҳлаётган болалар ҳам бор эди. 1935-1936 ўқув йилида республиканинг 89 туманидаги 61107 ўқувчи ёки 13,3 фоиз ўқувчилар иккинчи йилга қолиб кетди, 17668 нафари (4%) кузда имтиҳонлардан ўтди.

Термиз туманида 1937 йил бошланғич ва етти мактабларда ўқийдиган 3048 ўқувчидан 372 нафари (12,2%) иккинчи йилга қолиб кетган бўлса, 1939 йилда 4187 нафар ўқувчидан 281 нафари (6,9%) икинчи йилга қолиб кетди. Кўпгина ўзбек қизлари бу йилларда ҳам мактабларга тортилмай қолди. Масалан, Сурхондарё округининг Шеробод районида мактаб ўқувчилари орасида ўғил болалар сони 4502 нафар (65%), қизлар эса фақат 2470 нафар (35%)ни ташкил этган эди.

Халқ таълими тизимида шундай муаммолар бўлишига қарамай, маълум бир ўзгаришлар бўлганлигини қайд этмоқ лозим. Иккинчи беш йиллик даврда маорифга маблағ сарфлаш кўпайди ва 1940 йилда давлат бюджетидан 628 миллион сўм ажратилди. Бу моддий ёрдам умумий таълим мактабларининг кўпайтирилишини таъминлади. 1940-1941 ўқув йилида 4,8 мингдан ортиқ бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар фаолият кўрсатди.

1928-1929 ўқув йилида барча турдаги мактабларда ўқувчилар сони 167 минг нафар бўлса, 1938-1939 ўқув йилда 1106,4 минг нафарга, 1940-1941 ўқув йилида эса 1264 минг нафарга етди. Қишлоқлардаги ўқувчилар сони 1928-1929 ўқув йилида 83,9 минг киши бўлган бўлса, 1938-1939 ўқув йилида 874,2 минг кишига, 1928-1929 ўқув йилидагига нисбатан 10,4 мартага кўпайди. Ҳар минг кишига тўғри келадиган ўқувчилар фоизи ҳам анча ошди.

1929-1930 ўқув йилида Ўзбекистон аҳолисининг ҳар минг кишисига 36 тадан ўқувчи, 1937-1938 ўқув йилида 143тадан ўқувчи, 1938-1939 ўқув йилида эса 176 тадан ўқувчи тўғри келди. Аста-секинлик билан бўлсада, ўқувчи қизлар сони орта борди. 1927-1928 ўқув йилида умумий таълим мактабларида қизларнинг салмоғи: шаҳарларда 21,1% (28500 ўқувчи-қиз) ва қишлоқларда 9,6% (6235 ўқувчи-қиз) бўлган бўлса, 1938-1939 ўқув йилига келиб шаҳарларда 40,7% (91791 ўқувчи-қиз) ва қишлоқларда 41,7% (337174 ўқувчи-қиз) бўлди.<sup>57</sup>

Сурхондарё округида ҳам мактаблар сони йилдан-йилга ошиб борди. 1938-1939 ўқув йилида Сурхондарё округида жами 267 та мактаб бўлиб уларда 49 885 нафар ўқувчи ўқиди. Шу мактаблардан 263 та қишлоқ мактабида 48040 нафар ўқувчи ўқиган бўлса, 4 шаҳар мактабида 1845 нафар ўқувчи таълим олди.

1929 йил барча турдаги мактабларда 3704 нафар ўқувчи ўқиган бўлса, 1939-1940 ўқув йилида 268 та мактабда 60228 нафар ўқувчи таълим олди. Мана шу мактаблардан 143 та бошланғич мактабда 24846 нафар ўқувчи, 117 та тўлиқсиз ўрта мактабда 31285 нафар ўқувчи, 8 та ўрта мактабда 4097 нафар ўқувчи таълим олди.<sup>58</sup>

Округ мактабларида 19357 нафар ўқувчи-қиз бўлиб, бу жами ўқувчиларнинг 32% ини ташкил қиларди, холос. Шундай қилиб, бу даврда мактаблар сони кўпайди бироқ бу йилларда мактаб ёшидаги

хамма болаларни ҳам, айниқса, қишлоқ жойларида ўқишга жалб қилишнинг имкони бўлмади: мактаб бинолари, ускуна жиҳозлари, ўқитувчилар етишмас эди. Мактаб таълими турли соҳадаги билимларни эгаллаб олган, жамоат ҳаётига фаол қўшилиб кета оладиган, олий ўқув юртлари ва техникумларга кириб ўқий оладиган саводхон ёшларнинг етиштириб чиқаришни кўпайтиришга имкон бера оладиган жиддий ислоҳатга муҳтож эди.

Афсуски, халқ таълимига буйруқбозлик нуқтаи назаридан туриб, экстенсив равишда ёндашиш кучайиб борди. Бунинг натижасида сифат муаммоалари четга сурилиб миқдор кўрсаткичлари биринчи ўринга ўтди. Аҳволни хўжакўрсинга яхшилаш орқасидан қувиш жамиятнинг маданий ҳолатига ёмон таъсир ўтказди. Маълумки, 1929 йилда араб ёзувига асосланган қадимги ўзбек ёзуви лотин алифбосига алмаштирилиб, халқнинг бой тарихий ўтмишидан ажралиб қолишига, маънавий изчилликнинг бузилишига олиб келган эди.

Ёзувни лотинлаштиришга кетган катта маблағлар бекор кетди. Чунки бу даврга келиб, ҳеч қандай ташвиқотсиз, буйруқ тарзида ёзувнинг навбатдаги янги ислоҳати-криллицага ўтиш ҳақида қарор 1940 йилнинг март ойи охирида Ўзбекистон компартиясининг IX съездида қабул қилинди. 1940 йил 8 майда Ўзбекистон ССР Олий Совети III сессиясида Т.Н.Қориниёзовнинг маърузаси бўйича ёзувнинг рус графикасига ўтказиш ҳақида кўрсатма берилди.

Қарорда “ўзбек халқи кенгш оммасининг ташаббуси, халқнинг ҳоҳиш-истаги” деб алоҳида таъкидланди. Шунингдек, криллицага ўтиш “халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш” воситаси деб талқин қилинди. Чунки, Озарбайжон ССР, Қозоғистон ССР, Татаристон АССР, Тожикистон ССР 1939 йилда рус графикасига асосланган алфавитга ўтган, Туркманистон ССР эса ўтмоқда эди.

1940 йил 8 май куни “Ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алфавитидан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алфавитига кўчириш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Янги ислоҳат лотин имлосига ўтишда назарда тутилмаган сиёсий сабабларга ҳам эга эди. Маълумки, 20-йиллар охирида Туркия лотин имлосига ўтган бўлиб, марказий ҳукумат СССР таркибидаги Ўрта Осиё республикаларини буржуа мамлакати бўлган Туркия ва бошқа капиталистик дунё мамлакатлари ёзувидан фойдаланишга йўл қўя олмас эди.

Тил адабиёт институти ходимлари томонидан ўзбек тили хусусиятларини ҳисобга олиб бир неча ислоҳат лойиҳаси ишлаб чиқилди ва улардан турли хил тиллар гуруҳига кирувчи, бир-биридан фарқ қилувчи ўзбек ва рус тилларини “яқинлаштирадиган” умумлаштирадиган варианты танлаб олинди. Фикримизча, таниқли ва хизмат кўрсатган олим, профессор Т.Н.Қориниёзовни асосий маърузачи сифатида танлаб олишдан мақсад имлони ўзгартиришга нисбатан бўлиши мумкин қаршиликнинг таъсирини камайтириш бўлган.

Аммо Ўзбекистон зиёлиларининг энг илғор вакиллари бу даврда қатағон этилган бўлиб, қаршилик ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Таассуфлар бўлсинки, катта-катта харажатлар маориф ва маданият равнақи учун эмас, балки мустабит режим сиёсатига маъқул келадиган ислоҳатларга сарф этилди. Шўро ҳукумати янги таълим тизимини яратишни янги жамият қурилишининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий вазибалари билан узвий боғлади.

Улар янги мактабнинг бунёд этилиши ва ривожига халқ ўқитувчисига эътиборни қаратдилар. Уларни партия сиёсатини оммага, ёшларга тарғиб қилувчилар сифатида кўрдилар. Халқ ўқитувчисига янги жамият қуришда, ишчилар синфи билан

деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлашда фаол ёрдам бера оладиган шўро ҳокимиятининг таянчи деб қаралди. Шунинг учун бу йилларда Марказий сиёсий раҳбарияти совет тузумига содиқ бўлган педагог кадрларни кўп миқдорда тезкорлик билан тайёрлаб, улар орқали аҳолини, айниқса ёш авлодни коммунистик ғоялар асосида тарбиялаш мақсадида қарорлар ва режалар ишлаб чиқди.

Уларни оғишмай амалга ошириш учун зарур маблағларни аямади, бор маърифатчиларни ҳам партия, совет, жамоат ташкилотларининг куч-қувватини сафарбар қилди. Шундай қилиб, ўқитувчиларни шўро ҳокимияти платформасига ўтказиш, сўнгра эса ҳукмрон партия ғояларига сексиз содиқ ёш ўқитувчиларни тайёрлаш ишлари бошланди. Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида педагогика техникумлари ва маориф институтлари ўқитувчи кадрларга бўлган эҳтиёжни қондира олмаганлиги сабабли, қисқа муддатли курслар (ўрта ҳисоб билан бир йиллик курслар) ташкил этилган эди.

1925 йил ёзида 80% дан ортиқ ўқитувчилар қайта тайёрлаш курсларида ўқиди. 1925-1926 ўқув йилидан бошлаб икки йиллик курслар очиш йўлига ўтилди. Чунки бир йил ичида ҳар томонлама етук ўқитувчилар тайёрлаш ва уларга мактабда ишлашда зарур бўладиган назарий билимлар ва амалий малакалар бериш умуман мумкин эмас эди. Шунинг учун бундай қисқа муддатли курсларни тамомлаганлар оддий ўқиш ва ёзишни, ҳисобни билар эди, холос.

## **II- боб. Жарқўрғон туманининг Совет ҳокимияти йилларида ижтимоий - маданий ҳаёти.**

### **II.1.§. Жарқўрғон халқ маорифи тараққиёти соҳасида эришилган ютуқлар ва муаммолар (1920-1940 йиллар).**

Ўзбек халқи азал - азалдан билимга интилиб, маданий меросни доимо кадрлаб келган. Октябрь тўнғариши (1917 йил 25 октябрь) дан аввал катта маданий ишлар олиб борган жаҳид деб аталмиш зиёлилар халққа ёрдам бериш учун маориф соҳаси, мактабларда ишлаб, ўз фаолиятларини давом эттирдилар. Бу жараёнлар аввало дарслар она тилида олиб бориладиган I (беш йиллик таълим) ва II(тўрт йиллик таълим) босқич мактабларини очиш ва уларни дарсликлар, ўқув қуроллари билан таъминлаш, маориф институтлари, ўқитувчиларни тайёрлаш курслари ва бошқаларни ташкил этишдан иборат бўлди.

1920-йилларнинг биринчи ярмида Сурхон воҳасида ҳам маданий ҳаёт янгилана бошлади. Илм - фан ва маорифни азалдан эъзозлаб келган халқ оммаси ўзининг асрий анъаналарига амал қилиб, мактаб ва маориф ишига амалий ёрдам бериб келди. Аҳолининг саводхонлик даражасини кенгайтириш ўша даврдаги асосий вазифа эди. Ана шу вазифани бажариш мақсадида Сурхон воҳасида ҳам саводсизликни тугатиш мактаблари иш бошлади. Олдин Жарқўрғон туманида биргина жойда эски мактаб бўлган.

Ҳозирги туман мол дўхтири бинолари ўрнида ерли миллатдан Эшмуродов деган киши Бухоро мадрасасига ўқишга боради. Уни битиргандан кейин домла бўлиб қайтади. Домла Эшмуродов биродарлик қабристонига биринчи дафн этилган киши ерли миллат болаларини йиғиб кетади. Таълим-тарбия беради кейин, бошқа қишлоқларда кичик-кичик эски хужралар очади.

Жарқўрғон тумани худудига "Жалойир", "Юқори Какайди", "Қорсақли", "Жонбош", "Қумқўрғон", "Ангор", "Занг", "Лойқанд", "Қорақир" ва бошқа қишлоқлар қарар эди. Ўша пайтларда битта - иккита бошланғич синфлар очилган эди. Бошланғич синфларга бир ойлик, уч ойлик, олти ойлик, бир йиллик курсларни битирган муаллимлар дарс берар эди.

1926-1928 йилларда аҳоли маблағлари ҳисобига ҳашар йўли билан Жарқўрғон туманида янги мактаб бинолари қурила бошланди. Бу эса округда мактаблар сонининг ўсишига олиб келди. 1926 - йилда Жарқўрғон туманида биринчи замонавий мактаб очилиб, унда дастлаб ўн икки нафар киши ўқий бошлади ва уларга Ёкубжон Солижонов деган ўқитувчи ўзининг дастлабки сабоқларини бера бошлади.<sup>59</sup>

Сурхондарё округи кенгашининг 2 (1927 й) ва 3 (1928 йил) съездларида округ аҳолисининг аксарияти ўқишга тортилмай қолаётганлиги қайд қилинди. Шу даврда округда мактаб ёшидаги болаларнинг 9,8 фоизи мактабга жалб қилинган эди, холос. Бу ҳолат округда ва туманда маориф соҳасида ҳали ниҳоятда катта муаммолар мавжуд эканлигидан далолат берар эди.<sup>60</sup>

Жарқўрғон туманининг Сурхон жамоа хўжалигида 1930 йилда маориф жонқуяри, тажрибали талабчан раҳбар, Аҳмаджонов ташаббуси билан Сурхон қишлоғида ҳозирги 3-сонли ўрта мактаб қурилиши бошланиб, ҳашар йўли билан мактаб қурилиши бошланиб, 1937 йилда мактаб ишга туширилди. Мактаб 7 йиллик бўлиб, 154 нафар ўқувчи таълим олиб, турли хил миллатлар яшаганлиги туфайли ўзбек ва рус гуруҳлари ташкил этилди.

Мактабнинг илк ўқитувчилари Бўриев ва Фозилов Ярашлар бўлиб, биринчи мактаб директори Новикова раҳбарлигида мактабда таълим тарбия ишларини олиб бордилар. 1937-1950 йилларда мактабга тарих фанидан Файзиев, рус тили ва адабиётидан Н.Карсаус, француз тилидан И.Алексиевалар дарс бердилар. 1930 - йилларда саводсизликни тугатиш ва мактаблар сонини кўпайтириш ҳамда ушбу мактабларга мактаб ёшидаги болаларни жалб қилиш ишлари кенг кўламда олиб борилди.



1936-1937 ўқув йилида округда 26246 нафар ўқувчиси бўлган 107 та бошланғич, 120 та етти йиллик, 5 та ўрта мактаб ишлаб турди. Афсуски, мактабларнинг моддий-техник таъминоти коникарсиз, дарсликлар ҳамда малакали ўқитувчилар етишмас, ўқув дастурлари ва тарбиявий ишлар ўта даражада сиёсийлаштириб юборилган эди. 1934 йилда Жарқўрғон туманидаги 170 нафар ўқитувчидан атиги олтитасигина олий маълумотга эга ўқитувчилар эди холос.<sup>61</sup>

Туманда жамоа хўжаликларининг ташкил этилиши ва уларнинг иқтисодий жиҳатдан мустақамланиб бориши, жамоа маданий қурилиши соҳасида ҳам бир талай ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида деҳқонларнинг фарзандлари ҳам янги очилган мактаб биноларида таҳсил ола бошладилар.

1937 йили Какайди қишлоқ кенгашидаги «Правда» газетаси номли мактаб қарамоғида Чангоёқ қишлоғида (ҳозирги «Қаҳрамон» маҳалласи) иккита бошланғич синф иш бошлаган эди. Бу синфларнинг ўқитувчилари Пўлат Дўланов ва Ҳасан Турсункуловлар эдилар. Ана шу ҳар бир синфда йигирма тўрттадан ўқувчилар ўқидилар.<sup>62</sup>

1930 - йилларнинг бошларида «Сталин» номли жамоа хўжалиги аъзолари фарзандларининг ҳам деярли кўпчилиги мактабга тортилди. Агар мактабда кундузи ўқувчилар таълим олсалар, кечқурунлари уларнинг оналари, ёши катта кишилар ҳам келиб таълим олдилар. Саводсизликни ва чала саводлиликни битириш курсида Абдураим Самадов қишлоқдошларига бошланғич билимларни ўргатар эди. «Вақтим жуда оз эди, - деб эслайди Абдураим Самадов - чунки менинг ўзим ҳам кундузи туман марказидаги мактабга қатнаб, кечқурун эса ҳамқишлоқларимга савод ўргатар эдим».<sup>63</sup>

1930 - йилларда «Меҳнат-роҳат» жамоа хўжалигида ҳам бешта бошланғич мактаблар бўлиб, уларда 1926-1940 йилларда 630 нафар киши таълим олди. (Ҳозир шу хўжаликнинг ўзида еттита замонавий умумий ўрта таълим мактаблари (2001 йил) ишлаб турибди.<sup>64</sup>

1930 - йилларнинг ўрталаридан бошлаб Какайди қўрғонида нефть ва газ чиқиши муносабати билан бу ерда 1940 йили битта ФЗУ (Фабрика-завод билан юрти) очилди. Бу билим юрти воҳамиз нефть корхоналари учун кўплаб кадрлар етказиб бера бошлади. Улар ўз ота боболаримиз касбини эгаллаб муносиб ўринбосарлар бўлишди. Аммо иккинчи жаҳон уруши таъсири натижасида ўқувчилар етишмаслиги сабабли, бу билим юрти 1942 йили ёпилди.<sup>65</sup>

Туманда аҳолини саводли қилиш ва уларнинг маънавий дунёқарашини ўстириш борасида мактаблардан ташқари маданий - маърифий муассасалардан, кутубхоналар, клублар, кинотеатрлар, маданий истироҳат боғлари, агитпунктлар, матбуот органлари ва бошқа маърифий масканларнинг ҳам ўрни катта бўлди.

Маданият ўчоқларининг турли туман ишлари омманинг саводхонлигини ошириш, сиёсий жихатдан маърифат беришга қаратилган эди. Ушбу вазифаларни ҳал қилишда маҳаллий аҳолидан етишиб чиққан халқ таълими ходимлари ва маданият арбоблари алоҳида ўрнатилган кўрсатди. Аҳолининг маданий савиясини кўтаришда клубларнинг ўрни ниҳоятда катта бўлди. 1921 йилда Сурхон воҳасида бешта клуб, тўртта кутубхона ва қизил чойхона ташкил этилиб, омма орасида олиб борилаётган маданий- маърифий ишлар анча жонлантирилди.

Бу даврда туманда ташкил қилинган клубда ҳар ҳафтада маърузалар ташкил қилинди, шунингдек, газетхонлик ва савол-жавоб кечалари ҳам уюштириб турилди. Туманда ташкил қилинган жамоа хўжаликларида замонавий уй - жойлар қурила бошлади. Жамоа хўжаликлари маблағи ҳисобига мактаблар, магазинлар, омборхоналар, отхоналар ва шу сингари бошқа ёрдамчи бинолар қуришга ҳам катта эътибор қаратилди.

Жарқўрғондаги Ховдак нефть қонида 1934 йилдан бошлаб ишчиларга шароит яратиб бериш мақсадида янги бинолар қуриб ишга туширила бошланди. Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Кенгашининг йиғилишида (1937 йил) нефть қонларидаги ишчиларга маданий ва маиший хизматни

яхшилашга қарор қилинди. Ховдакда болалар боғчаси очилди. Ўз ССР Халқ Комиссарлигига нефть конларида мактаб очиш учун биноларни тайёрлаш, мактабни ўқув қуроллари билан таъминлаш вазифалари топширилди. Ишчилар учун ошхоналар очиш таклиф қилинди. Савдо тармоқлари учун керакли озиқ - овқат, саноат моллари ва маданий моллар ажратилди.<sup>66</sup>

Ўзбекистон Халқ Комиссарлигининг кўрсатмаларига мувофиқ Ўзбекистоннинг асосий нефть базаларидан ҳисобланган Ховдак нефть қонида йигирма хоналик касалхона ва битта боғча қурилиб ишга туширилди. Бунинг учун соғлиқни сақлаш комиссарлиги 190 минг 900 сўм харажат қилди.<sup>67</sup>

Шундай бўлса-да нефть саноати республиканинг зарурий эҳтиёжини қондира олмас эди. «Ворошилов» номли нефть трести корхоналарнинг нефть қудуқларидан тўлиқ фойдаланилмас, рационализаторларнинг илғор тажрибаларини қўллаш ишлари ҳам бу йилларда қониқарсиз даражада олиб борилди. 1938 йилда «Сталин» номли жамоа хўжалигида ёшлар ташаббуси билан қад кўтарган қишки клуб биноси қуриб битказилди.

Унда асосий залдан ташқари кутубхона, бильярдхона ва ошхона ҳам бор эди. Ушбу клуб ёш авлодни тарбиялаш ишида муҳим роль ўйнай бошлади. Клуб жамоа хўжалигида тузилган ҳаваскорлик жамоаси ихтиёрига бериб қўйилди. Клубда шунингдек, вилоят ва туман миқёсидаги йиғилишлар ҳам ўтказиб турилар, Тошкент ва Термиздан келган санъаткорлар ҳам катта концертлар кўрсатар эдилар.

Бу ерга Ҳалима Носирова, Тамарахоним ҳамда Саодат Қобуловалар бир неча мартадан келиб концерт берган эдилар. 1940 йили клубни республика раҳбарларидан бўлган Усмон Юсупов келиб кўриб юксак баҳо берган эди. Ушбу пахсадан қилинган клуб биноси 1970 - йилларга келиб талабга жавоб бермай қолди. (Ҳозирга келиб эса унинг ўрнига замонавий ёзги клуб биноси қуриб ишга туширилди).<sup>68</sup>

Туман аҳлининг маънавий дунёқарашини бойитишда туманда нашр этилаётган газетанинг ўзига хос ўрни мавжуддир. 1932 йил май ойидан

Жарқўрғон тумани партия кўмитасининг нашри ҳисобланган «Чегара зарбдори» газетаси нашр қилина бошлади, худди шу газета нашри билан туман матбуотининг дастлабки дебочаси ташкил топди.

Унинг саҳифаларида Сурхондарё округида биринчи бўлиб ипак пахта етиштириш ҳаракати бошланганлиги ҳақида маълумотлар берилди. Туман газетаси 1935 йилдан бошлаб «Ипак пахта учун» деган ном остида чоп этилган бўлса демак, шу йилларда пахтанинг ингичка толали навини етиштиришга асосий эътибор кучайганлигини газетанинг номидан ҳам билиб олишимиз мумкин.

1932 йилдан чиқа бошлаган ва вилоятда биринчи нашр этилган газета бўлиб, собиқ Ўзбекистон Коммунистик Партияси (ЎзКП(б)) Марказий Кўмитаси Жарқўрғон туман партия кўмитаси, туман ижроия кўмитаси ҳамда туман касаба уюшмалари кўмитаси органи (ҳозирда Жарқўрғон туман ҳокимлиги органи) сифатида фаолият бошлаган эди.

Дастлабки йиллари газета кичик форматда босиб чиқарилар эди. Унинг биринчи масъул муҳаррири журналист Орифжонов ( 1932 – 1935 йй) эди. “Чегара зарбдори” газетаси ўзининг илк кунларидан бошлабоқ туман меҳнаткашларининг ютуқларини ва муаммоларини акс эттирувчи, уларга бевосита ёрдам берувчи кўмакчига айланди.

Унда туман, вилоят, республика ва хорижий давлатларда саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим, тиббиёт ва маданият янгиликлари, тарихий асарлар, мумтоз адабиётимиз вакиллари, республика, воҳа ва туман қаламкашлари ижодларидан намуналар бериб борилар ва кенг ёритишга эътибор қаратиб келинди.

Ҳарфлар қўл билан биттама – битта терилган ўша оғир шароитда иккинчи жаҳон уруши тугагунга қадар кечани – кеча, кундузни – кундуз демай, фидокорона меҳнат қилган кейинги масъул муҳаррирлар Али Аҳмедов(1935 – 1937 йй), О. Икромов ( 1937 йил март - 1937 йил май), Л. Махсумкулов, М. Қобилов ҳамда К. Қулназаровлар (1945 йилларнинг охирларигача) нинг исм шарифларини ҳурмат билан тилга олсак арзийди.<sup>69</sup>

Туман газетаси айниқса иккинчи жаҳон уруши йилларида ва урушдан кейинги даврда туман халқининг маънавий қўмакчиси, уни фронтда юз бераётган воқеалардан хабардор этиб борувчи, урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклаш йилларидаги эзгу ишларнинг жарчиси сифатида майдонга чиқди.

**Хуллас,** 1920 - йиллар давомида туманда амалга оширилган маданий - маърифий тадбирлар туманимиз аҳолиси ҳаётида туб ўзгаришларга олиб келди. Туман зиёлиларининг ҳам халқ оммасининг бунёдкорлиги маърифатга ташналиги асосида маданий - маърифий ва бу соҳада олиб борилган юқоридаги тадбирлар, туман аҳолисининг маданий - маърифий ва сиёсий онгининг ўсишида ўз самарасини берди.

---

## **II- боб. Жарқўрғон туманининг Совет ҳокимияти йилларида ижтимоий - маданий ҳаёти.**

### **II.2.§. ЖАРҚЎРҒОН ТИББИЁТИ ТАРИХИ ВА УНИНГ АСОСЧИЛАРИ (1920-1980 ЙИЛЛАР)**

Жарқўрғон тарихи унинг тиббиёти тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, тиббиёт тарихи шу элнинг тарихи, равнақини ифодалайди. Инсон бор экан, саломатлик учун кураш, интилиш ҳам мавжуд бўлади. Жарқўрғон тиббиётининг пайдо бўлиши XX асрнинг 20-30 йилларига тўғри келади.

Унгача эса 1925 йилда эски масжид биносидан (ҳозирги Н.Ҳамидов кўчаси, “Атика” кинотеатри орқасида) ҳарбий лазарет жойлашган бўлиб, бу ерда маҳаллий аҳоли ҳам даволанган. Ҳозирда ушбу масжид деворининг айрим қисми ҳамда ёши юз йилдан кам бўлмаган уч туп тут дарахти сақланиб қолган.

Жарқўрғонда қизил аскарлардан иборат катта қўшин жойлашган бўлиб, бунинг ўзига хос сабаблари бор эди. Термиз ихтиёридаги бу ерлар шаҳарни муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган. 1924 йилнинг 25 январидан Юқори Какайди қишлоғида Термизга ёриб кирмоқчи бўлган Иброҳимбек кўрбоши кўшини билан Дродовский кўмондонлигидаги махсус бригада ўртасида қонли жанг бўлиб ўтади. Шунинг учун бу ерда кўшин туриши мақсадга мувофиқ бўлган.

1925 йилда қурилиши бошланиб, 1929 йилнинг 1 сентябрида узунлиги 248 км бўлган Термиз-Душанбе темир йўлининг ишга тушиши Жарқўрғон уезди иқтисодий ва маънавий ҳаётида катта аҳамият касб этди. Жарқўрғон марказидан ўтувчи Термиз-Душанбе темир йўлининг Бухоро-Термиз йўлида уланиши Ўзбекистоннинг пойтахти ва катта шаҳарларига чиқиш, доимий алоқа ўрнатилиши, ҳамда хўжалик юкларини ташиб келтириш имкониятини яратди.

1930 йилда Хаудак ва Какайдида нефть қонлари очилди. Кўплаб мутахассислар, қурувчилар ўз оилалари билан кўчиб кела бошлади.

Россиянинг турли шаҳарларидан келаётган оилалар таркибида шифокорлар ҳам бор эди. Аҳоли сонининг ошиб бориши катта шифохона қурилишини тақозо этар эди. 1930 йилда 50 ўринга мўлжалланган бир қаватли шифохона қурилиб ишга туширилди.

Ўша йиллари Жарқўрғон райони катта ҳудудга эга бўлиб, ҳозирги Ангор туманининг бир қисми ва Қумқўрғон туманлари ҳудудлари ҳам қараган. 15 дан зиёд колхоз, жумладан, юқори Какайди, Жалойир, Қумқўрғон, Хўжамиён, Ангор, Занг, Тўпқора ва Оққўрғон қишлоқ советлари мавжуд бўлган. Район марказий шифохонасининг изчил ривожланиши, одамлар ишончини қозониш осон кечмаган. 1940 йилга келиб районда соғлиқни сақлаш бўлими ташкил этилди.<sup>70</sup>

Бўлимни бошқариш 1938 йилдан меҳнат қилаётган М.Кулаковага топширилди. Мутахассислиги педиатр бўлган бу аёл бир вақтнинг ўзида туман марказий шифохонаси бош врач вазифасини ҳам олиб борди. Бу даврга келиб, Сурхон давлат хўжалиги шифохона, амбулатория, Хаудак, Лалмикор, Какайди врачлик пунктлари мавжуд эди. Врачлардан Л.П. Ключевич “Хаудак”, Т.Е.Лифшиц “Лалмикор”, Ю.А.Гурьевич “Какайди” врачлик пунктлари мудирлари бўлиб ишладилар. Бундан ташқари, тумандаги барча болалар боғчалари соғлиқни сақлаш тизими ихтиёрида бўлган эди.

1940 йилнинг 2 июнида Қумқўрғон хўжалигида қишлоқ шифохонаси очилди. Шифохона мудирлигига Маслов деган ходим тайинланди. Марказий шифохонадаги икки отнинг бири Қумқўрғон шифохонаси ихтиёрига берилди. Август ойида безгак касаллигига қарши курашувчи тропик станция ташкил этилди. Станцияни ташкил этган ва унинг биринчи раҳбари асли тошкентлик врач Иноят Расулович Қаюмовдир. У тропик станция лабораторияси жиҳозларини Тожикистондан олиб келди.

Ўша йиллари меҳнат қилган М. Кулакова, Маҳмудов, И.Р. Қаюмов, Ш.Шораҳметов, С.А. Субботин. Дюп. Фиялкин, М.Отажонов, А. И. Гречкин, К.К. Кондратьевлар сафига ТошМИ ни тугатган А.П.Герашенко, А.К. Кармакова сингари врачлар Россиянинг Харьков вилояти Соғлиқни Сақлаш

Бошқармасининг йўлланмаси билан опа-сингил ҳамширалар Зинаида ва Анна Карповна Чиговечлар келиб кўшилдилар. Алевтина Петрона Герашенко Қумқўрғон пахтачилик хўжалиги шифохона мудирини, Александра Константиновна Кармақора эса Сурхон касалхонаси мудирини этиб тайинланди.

1940 йилнинг 23 октябрида туман соғлиқни сақлаш бўлими мудирини М.Кулақова ўрнига А.И. Гречкин тайинланди. Врач Субботин эса тез ёрдам бўлими мудирини вазифасида иш бошлади. М.Кулақова оналар ва болалар маслаҳатхонаси мудирини этиб тайинланди.

Урушгача ва уруш йилларида гарчи тиббиёт мутахассислари етишмаси - да тиббиёт ходимлари меҳнат интизомига қатъий амал қилдилар. Арзимас камчилик ёки ўз вазифасига лоқайдлик билан қараганлар муросасиз жазоландилар. Буни қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин: Жарқўрғон соғлиқни сақлаш бошқармасининг 1940 йил 2 июндаги 76-сонли буйруғи билан Сурхон қишлоқ совети тиббиёт маркази фельдшери Ш.Маҳмудов, туман болалар боғчаси энагаси К. Ерошенко, Венпункт тиббиёт хизмат ходими Станқовалар бир куни сабабсиз ишга чиқмаганликлари учун ишдан ҳайдалганлар.

Тиш техниги Забралов устидан жиноий иш қўзғатилган. 1941 йилнинг июл ойида санинструктори Цуганқова бир кун сабабсиз ишга чиқмаганлиги учун ишдан ҳайдалган. Ишга икки соат кечикқан санинструктор П.Сариев, аёллар ва болалар маслаҳатхонаси тиббиёт хизмати ходими Габзаиловалар судга берилган.

Шу сабабдан ҳам бош врачлар, бўлим мудирлари хатто соғлиқни сақлаш бўлими бошлиқлари тез-тез алмаштириб турилган. 1943 йил Жарқўрғон райони соғлиқни сақлаш бўлими мудирлигига Мирза Отажонов, туман марказий шифохонаси бош врач вазифасига Т.И. Мерзлова, Сурхон шифохонаси мудирлигига К.С.Мироренко тайинланди. 1944 йилда ҳам бош врач, мудирлар сафида бир қанча ўзгаришлар рўй берди.

Врач Н.М.Богачёва Сурхон шифохонаси бош врач вазифасида амбулатория



мудири, Т.Д.Степанов Қумқўрғон шифохонаси бош врач, амбулатория мудири, И.В.Берман Ангор врачлик пункти мудири, Т.Т.Капрёлова Какайди врачлик пункти вазифаларига, П.Ф.Гоф эса туман санитария эпидемиология станцияси бош врач вазифасига тайинланди.

Иккинчи жаҳон урушининг машаққатли йилларида туман шифокорлари соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарлари сабр-бардош ва фидоийлик кўрсатиб меҳнат қилдилар. К.С. Кармаков, К.Е.Сидоров, А.А. Дорофеев, А.И. Геречкин, К.С. Вербицкая, Б.Т. Лепешков, А.Ҳайдаров сингари ўнлаб шифокорлар фронтга кетдилар.

## **ЖАРҚЎРҒОН ТИББИЁТИ ТАРИХИ ВА УНИНГ АСОСЧИЛАРИ (1920-1940 ЙИЛЛАР)**

Жарқўрғон тарихи унинг тиббиёти тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, тиббиёт тарихи шу элнинг тарихи, равнақини ифодалайди. Инсон бор экан, саломатлик учун кураш, интилиш ҳам мавжуд бўлади. Жарқўрғон тиббиётининг пайдо бўлиши XX асрнинг 20-30 йилларига тўғри келади.

Унгача эса 1925 йилда эски масжид биносиди (ҳозирги Н.Ҳамидов кўчаси, “Атика” кинотеатри орқасиди) ҳарбий лазарет жойлашган бўлиб, бу ерда маҳаллий аҳоли ҳам даволанган. Ҳозирда ушбу масжид деворининг айрим қисми ҳамда ёши юз йилдан кам бўлмаган уч туп тут дарахти сақланиб қолган.

Жарқўрғонда қизил аскарлардан иборат катта қўшин жойлашган бўлиб, бунинг ўзига хос сабаблари бор эди. Термиз ихтиёридаги бу ерлар шаҳарни муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган. 1924 йилнинг 25 январиди Юқори Какайди қишлоғиди Термизга ёриб кирмоқчи бўлган Иброҳимбек қўрбоши қўшини билан Дродовский кўмондонлигидаги махсус бригада ўртасиди қонли жанг бўлиб ўтади. Шунинг учун бу ерда қўшин туриши мақсадга мувофиқ бўлган.

1925 йилда қурилиши бошланиб, 1929 йилнинг 1 сентябрида узунлиги 248 км бўлган Термиз-Душанбе темир йўлининг ишга тушиши Жарқўрғон уезди иқтисодий ва маънавий ҳаётида катта аҳамият касб этди. Жарқўрғон марказидан ўтувчи Термиз-Душанбе темир йўлининг Бухоро-Термиз йўлида уланиши Ўзбекистоннинг пойтахти ва катта шаҳарларига чиқиш, доимий алоқа ўрнатилиши, ҳамда хўжалик юкларини ташиб келтириш имкониятини яратди.

1930 йилда Хаудак ва Какайдида нефт қонлари очилди. Кўплаб мутахассислар, қурувчилар ўз оилалари билан кўчиб кела бошлади. Россиянинг турли шаҳарларидан келаётган оилалар таркибиди шифокорлар ҳам бор эди. Аҳоли сонининг ошиб бориши катта шифохона қурилишини тақозо этар эди. 1930 йилда 50 ўринга мўлжалланган бир қаватли шифохона

қурилиб ишга туширилди.

Ўша йиллари Жарқўрғон райони катта ҳудудга эга бўлиб, ҳозирги Ангор туманининг бир қисми ва Қумқўрғон туманлари ҳудудлари ҳам қараган. 15 дан зиёд колхоз, жумладан, юқори Какайди, Жалойир, Қумқўрғон, Хўжамиён, Ангор, Занг, Тўпқора ва Оққўрғон қишлоқ советлари мавжуд бўлган. Район марказий шифохонасининг изчил ривожланиши, одамлар ишончини қозониш осон кечмаган.

1940 йилга келиб районда соғлиқни сақлаш бўлими ташкил этилди. Бўлимни бошқариш 1938 йилдан меҳнат қилаётган М.Кулаковага топширилди. Мутахассислиги педиатр бўлган бу аёл бир вақтнинг ўзида туман марказий шифохонаси бош врач вазифасини ҳам олиб борди. Бу даврга келиб, Сурхон давлат хўжалиги шифохона, амбулатория, Хаудак, Лалмикор, Какайди врачлик пунктлари мавжуд эди.

Врачлардан Л.П. Ключевич “Хаудак”, Т.Е.Лифшиц “Лалмикор”, Ю.А.Гурьевич “Какайди“ врачлик пунктлари мудирлари бўлиб ишладилар. Бундан ташқари, тумандаги барча болалар боғчалари соғлиқни сақлаш тизими ихтиёрида бўлган эди.

1940 йилнинг 2 июнида Қумқўрғон хўжалигида қишлоқ шифохонаси очилди. Шифохона мудирлигига Маслов деган ходим тайинланди. Марказий шифохонадаги икки отнинг бири Қумқўрғон шифохонаси ихтиёрига берилди. Август ойида безгак касаллигига қарши курашувчи тропик станция ташкил этилди. Станцияни ташкил этган ва унинг биринчи раҳбари асли тошкентлик врач Иноят Расулович Қаюмовдир. У тропик станция лабораторияси жиҳозларини Тожикистондан олиб келди.

Ўша йиллари меҳнат қилган М. Кулакова, Маҳмудов, И.Р. Қаюмов, Ш.Шораҳметов, С.А. Субботин. Дюп. Фиялкин, М.Отажонов, А. И. Гречкин, К.К. Кондратьевлар сафига ТошМИ ни тугатган А.П.Герашенко, А.К. Кармакова сингари врачлар Россиянинг Харьков вилояти Соғлиқни Сақлаш Бошқармасининг йўлланмаси билан опа-сингил ҳамширалар Зинаида ва Анна Карповна Чиговечлар келиб қўшилдилар.

Алевтина Петрона Герашенко Қумқўрғон пахтачилик хўжалиги шифохона мудирлари, Александра Константиновна Кармақора эса Сурхон қасалхонаси мудирлари этиб тайинланди. 1940 йилнинг 23 октябрида туман соғлиқни сақлаш бўлими мудирлари М.Кулақова ўрнига А.И. Гречкин тайинланди. Врач Субботин эса тез ёрдам бўлими мудирлари вазифасида иш бошлади. М.Кулақова оналар ва болалар маслаҳатхонаси мудирлари этиб тайинланди.

Урушга ва уруш йилларида гарчи тиббиёт мутахассислари етишмасда - да тиббиёт ходимлари меҳнат интизомига қатъий амал қилдилар. Арзимас камчилик ёки ўз вазифасига лоқайдлик билан қараганлар муросасиз жазоландилар.

Буни қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин: Жарқўрғон соғлиқни сақлаш бошқармасининг 1940 йил 2 июндаги 76-сонли буйруғи билан Сурхон қишлоқ совети тиббиёт маркази фельдшери Ш.Маҳмудов, туман болалар боғчаси энагаси К. Ерошенко, Венпункт тиббиёт хизмат ходими Станқовалар бир куни сабабсиз ишга чиқмаганликлари учун ишдан ҳайдалганлар.

Тиш техниги Забралов устидан жиноий иш қўзғатилган. 1941 йилнинг июл ойида санинструктори Цуганқова бир кун сабабсиз ишга чиқмаганлиги учун ишдан ҳайдалган. Ишга икки соат кечикқан санинструктор П.Сариев, аёллар ва болалар маслаҳатхонаси тиббиёт хизмати ходими Габазиловалар судга берилган. Шу сабабдан ҳам бош врачлар, бўлим мудирлари хатто соғлиқни сақлаш бўлими бошлиқлари тез-тез алмаштириб турилган.

1943 йил Жарқўрғон райони соғлиқни сақлаш бўлими мудирлигига Мирза Отажонов, туман марказий шифохонаси бош врачлари вазифасига Т.И. Мерзлова, Сурхон шифохонаси мудирлигига К.С.Мироренко тайинланди. 1944 йилда ҳам бош врач, мудирлар сафида бир қанча ўзгаришлар рўй берди. Врач Н.М.Богачёва Сурхон шифохонаси бош врачлари ва амбулатория мудирлари, Т.Д.Степанов Қумқўрғон шифохонаси бош врачлари, амбулатория мудирлари, И.В.Берман Ангор врачлик пункти мудирлари, Т.Т.Капрёлова Қақайди врачлик

пункти вазифаларига, П.Ф.Гоф эса туман санитария эпидемиология станцияси бош врачлари вазифасига тайинланди.

Иккинчи жаҳон урушининг машаққатли йилларида туман шифокорлари соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарлари сабр-бардош ва фидоийлик кўрсатиб меҳнат қилдилар. К.С. Кармаков, К.Е.Сидоров, А.А. Дорофеев, А.И. Геречкин, К.С. Вербицкая, Б.Т. Лепешков, А.Ҳайдаров сингари ўнлаб шифокорлар фронтга кетдилар.

## Фойдаланилган илмий аппаратлар рўйхати

1. Материалы переписи население УзССР 1926 г. Вып. 1. поселенные итоги г. - Самарканд., «Изд. ЦСУ УзССР.» 1927 г. С. 253 – 272.
2. Турсунов С.Н., Қобилов Э.О. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Т., “Шарқ,” 2001 йил, 157 – 159 б.
3. Шамсутдинов Р. Ўзбекистон деҳқонларининг Шимолий Кавказга сургун қилиниши. Ўзбекистон тарихи. 2003 йил, 1 – сон, 55 – б.
4. Шамсутдинов Р. Ўзбекистон деҳқонларининг Шимолий Кавказга сургун қилиниши. Ўзбекистон тарихи. 2003 йил, 1 – сон, 56 – б.
5. Авлиёқулова Д. Мустабид тузум сургуни қурбонлари. Мулоқот. 2005 йил, 5 – сон, 34 – б.
6. Ёриев Б. Қора олтин ижодкорлари. – Термиз., 1999 йил, 51 – б.
7. Ёриев Б. Қора олтин ижодкорлари. – Термиз., 1999 йил, 52 – б.
8. Илғор Сурхон учун. 1937 йил, 2 август.
9. ЎзССР тарихи. 2 – жилд. –Т., “ЎзФА,” 1958 йил.
10. Бухоро ҳақиқати. 1939 йил, 27 декабрь.
11. Жарқўрғоннефть компаниясининг жорий архиви. 2000 йил, 1 – б.
12. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 7- жилд Т.” Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004 йил, 412 бет.
- 13.Исмоилов Н. «Денов таронаси»,-Т.,1995,8-9 бетлар
14. Ўзбекистон ССР 30 йил ичида Халқ маорифи (1924-1954) Ўз ССР Давлат ўқув педагогика нашриёти .-Т.,1954, 4-бет
- 15.Юнусов Н. Халқ маорифининг нурли йўли.- Т.,”Ўқитувчи”, 1980,4-бет
- 16.Аннаев Д.Термиз шаҳридаги биринчи мактабнинг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган йиғилишда сўзлаган нутқи.Термиз,2006,3-бет
- 17.КПСС съездлар, конференциялар ва марказий комитет пленумларининг резолюция қарорларида. биринчи қисм. Уздавнашр, 470-бет.
- 18.Эргашов К. Ўзбекистонда Халқ таълимининг ривожланиш тарихи Тошкент «Ўқитувчи»1998 йил 15-бет.

19. Ражапов С Ўзбекистонда Совет мактаби тарихига доир. Тошкент. «Ўқув Педдавнашр.» 1957 йил. 19 бет.
20. Директивы ЦК ВКП и постановления советского правительства за 1917-1947 гг. Выпуск 2. 1947, стр.118
21. Ўзбекистонда совет мактаби тарихига доир, Т., 1957, 22-бет
22. Ўзбекистоннинг Янги тарихи 2 китоб Ўзбекистон совети мустамлакачилиги даврида (шарқ) Т 2000 й , 148-149 бетлар.
23. Аннаев.Д. Мукаддас даргоҳ. Сурхон зиёси журнали 2006 йил 10-11 сонлари 14-бет
24. Болтабоев Х. Талабни кондирмаган инкилоб. “шарқ юлдузи” журнали, 1991. 1 – сон, 136 – б.
25. Турсунов С, Қобилов Э ва бошқа – Сурхондарё тарихи Т “ Шарқ» 2004, 307 бет
26. Абдурахмонов И Сариосиё халқ таълими 70 йил ичида маърифатнинг шонли йўли “Мураббий” газетаси 1996 йил 23 сон 2 бет
27. Ўз ССР тарихи-Т, 1974 й 377 бет
28. С.Турсунов ва бошқа Сурхондарё тарихи Шарқ Т 2004 308 бет
29. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т., “шарқ,” 2000. 272 – б.
30. Юнусов Н. Халқ морифининг нурли йўли. (Сурхондарё области мисолида) Т., « Ўқитувчи,” 1980, 3-7 бетлар
31. ”Народное хозяйство Средней Азии.” 1924. №4. С.208
32. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т., 1997, 61-бет
33. Ўзбекистон ССР 30 йил ичида. Халқ маорифи (1924-1954) Ўқувпеддавнашр, Т., 1954, 25-26 бетлар
34. Юнусов Н. Халқ маорифининг нурли йўли (Сурхондарё вилояти мисолида) Т., “Ўқитувчи”, 1980, 7-бет
35. Узбекистан за 15 лет.- Т.,. 1947, С.79

36. Ўзбекистон ССР 30 йил ичида халқ маорифи (1924-1954) ўқувпедавнашр, Т., 1954, 24 бет
37. Қутлуғ даргоҳ. Термиз шаҳридаги Т. Сайдалиев номли 2-ўрта мактаб 70-ёшда. Термиз, 1995, 3-7 бетлар
38. Бойқулов М, Пўлатов Й. Шерободлик маърифат фидоийлари. Қарши “Насаф”, 2003, 7-бет
39. Абдурахмонов И. Сариосиё халқ таълими 70 йил ичида. Мураббий газетаси, 1996 йил, №24, 3-бет
40. Мураббий газетаси, 1995 йил №21, 4-бет
41. Мўйинова Ш. Қумқўрғон тарихи. Термиз 1993, 33-бет
42. Термиз-буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т., “Шарқ.” 2001, 42 бет
43. Қодиров Э. Ўзбекистонда халқ маорифининг 40 йил ичида эришган ютуқлари. Т., Ўқувпедавнашр, 1957, 32 бет
44. Ўзбекистон ССР тарихи. 1 томлик. ЎзФА нашриёти. Т., 1958, 576 бет
45. “За партию” газетаси. 1927 йил №4, 130 бет
46. Ражабов С. Ўзбекистонда совет мактаби тарихига доир. Т., Ўқувпедавнашр, 1957, 53 бет
47. Сафурди А. К. Некоторим итогам политехнизации национальных школ. “Революция и национальности”. 1932, №7. С. 108
48. Хушбеков А. Из истории культурного строительства в Узбекистане в годы пятилетки. Самарканд, 1959. с. 22
49. Ўзбекистон ССР тарихи 3 том. Т., “Фан”, 1967, 559-бет.
50. “Қизил Ўзбекистон” газетаси 1933 йил 3 ноябр сони
51. Қодиров Э. Ўзбекистонда халқ маорифининг 40 йил ичида эришган ютуқлари. Т., Ўқувпедавнашр, 1957, 40-бет
52. Культурное строительство в СССР, М., 1940, стр. 47
53. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Т., “Нур”, 1991, 46-бет
54. «Правда Востока» газетаси, 1937 йил 20 июн сони, 3 бет



55. “Илғор Сурхон учун” газетаси 1938 йил 11 июл сони
56. “Илғор Сурхон учун” газетаси 1938 йил 28 июл сони
57. Қорахонов М. Совет Ўзбекистони маданияти. Т., Ўздавнашр. 1957, 13- бет
58. Ўзбекистан за 15 лет, Т., 1939, стр. 55
59. Сурхон тонги. 1993 йил, 31 июль.
60. Турсунов С.Н., Қобилов Э.О. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Т., “Шарқ,” 2001 йил, 181 - б.
61. Ўша жойда
62. Тумандаги 15 – ўрта мактаб директори Ҳ.Раҳмонов маълумотларидан олинди. 1994 йил, март.
63. Собиқ “Партия XXII съезди” жамоа хўжалиги тарихи. – Термиз,, 1982 йил. 24 – б.
64. Жарқўрғон. 2001 йил, 22 декабрь.
65. Ёриев Б. Қора олтин иждоқорлари. – Термиз., 1999 йил, 38 – б.
66. Илғор Сурхон учун. 1937 йил, 9 сентябрь.
67. Илғор Сурхон учун. 1937 йил, 12 июль.
68. Собиқ “Партия XXII съезди” жамоа хўжалиги тарихи. – Термиз,, 1982 йил. 24 – б.
69. Тўхтаева А., Қобилов Ҳ.Ч. Жарқўрғон матбуоти тарихи. “Ўзбекистонда ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳаёт. Трансформацион жараёнлар.” Республика илмий анжумани. Илмий мақолалар тўплами. – Термиз., 2013 йил, 290 – 291 б.
70. Турсунов С.Н., Тўхтаев А. Жарқўрғон. – Т., “Фан,” 2008 йил.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

### **I. Президент асарлари**

- I.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўли.-Т., “Ўзбекистон”, 1992 йил.
- I.2. Каримов И.А. Дехқончилик тараққиёти-фаровонлик манбаи. Туркистон. 1994 йил, 19 февраль, 14-сон
- I.3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т., “Ўзбекистон”, 1995, 29-68 б
- I.4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т., “Ўзбекистон”, 1997 йил.
- I.5. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т., “Маънавият,” 2010 йил.

### **II. Китоблар**

- II.1. Ёриев Б. Қора олтин ижодкорлари. – Термиз., 1999 йил, 38 – б.
- II.2. Материалы переписи население УзССР 1926 г. Вып. 1. поселенные итоги г. - Самарканд., «Изд. ЦСУ УзССР.» 1927 г. С. 253 – 272.
- II.3. Турсунов С.Н., Қобилов Э.О. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Т., “Шарқ,” 2001 йил, 181 - б.
- II.4. Турсунов С.Н., Тўхтаев А. Жарқўрғон. – Т., “Фан,” 2008 йил.
- II.5. ЎзССР тарихи. 2 – жилд. –Т., “ЎзФА,” 1958 йил.

### **III. Журналлар ва тўпламлар**

- III.1. Авлиёкулова Д. Мустабид тузум сургуни қурбонлари. Мулоқот. 2005 йил, 5 – сон, 34 – б.
- III.2. Шамсутдинов Р. Ўзбекистон дехқонларининг Шимолий Кавказга сургун қилиниши. Ўзбекистон тарихи. 2003 йил, 1 – сон, 55 – б.
- III.3. Тўхтаева А., Қобилов Ҳ.Ч. Жарқўрғон матбуоти тарихи. “Ўзбекистонда ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳаёт. Трансформацион жараёнлар.”

Республика илмий анжумани. Илмий мақолалар тўплами. – Термиз., 2013 йил, 290 – 291 б.

#### **IV. Жорий архив маълумотлари.**

IV.1. Жарқўрғоннефть компаниясининг жорий архиви. 2000 йил, 1 – б.

IV.2. Собиқ “Партия XXII съезди” жамоа хўжалиги тарихи. – Термиз., 1982 йил. 24 – б.

IV.3. Тумандаги 15 – ўрта мактаб директори Ҳ.Раҳмонов маълумотларидан олинди. 1994 йил, март.

IV.4. Собиқ “Ҳамид Олимжон” давлат хўжалиги тарихи. – Термиз., 1996 йил.

#### **V. Газеталар**

V.1. Бухоро ҳақиқати. 1939 йил, 27 декабрь.

V.2. Жарқўрғон. 2001 йил, 22 декабрь.

V.3. Илғор Сурхон учун. 1937 йил, 2 август.

V.4. Сурхон тонги. 1993 йил, 31 июль.